

**С. МИХАЛКОВ**

# **БОЛА БОШИДАН**

ЎЗБЕКИСТОН ЛҚСМ МАРҚАЗИИ ҚОМИТЕТИ  
«ЕШ ГВАРДИЯ» НАШРИЕТИ

ТОШКЕНТ — 1977



Атоқли ёзувчи, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотларининг лауреати, СССР Олий Советининг депутаты, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сергей Владимирович Михалковнинг «Бола бошидан» номли китоби педагогик доираларда қизгин муҳокама қилиниб, юқори баҳо олган ва СССР Педагогика фанлари академияси Бадий тарбия илмий-тадқиқот институтининг илмий совети томонидан қизгин қўллаб-қувватланган асардир.

С. Михалков — болалар учун ёзилган ажойиб китоблар, пьесалар, сценарийлар, масалларнинг автори. У ўз адабий-педагогик фаолияти учун Крупская ва Ушинский медаллари билан тақдирланган ҳамда СССР Педагогика фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланган.

«Бола бошидан» китоби ёзувчининг ёш совет киши-си характери ва маънавий қиёфаси, ватанпарварлик туйғуси, ёш авлоднинг гражданлик бурчи тўғрисидаги ўй ва мулоҳазаларидан иборат. Асарнинг каттагина қисми маънавий-этик проблемаларга, яхши туйғулар тарбияси масалаларига бағишланган.

Михалков С.

**Бола бошидан.** Т., «Еш гвардия», 1977 й.  
208 б.

Михалков С. **Всё начинается с детства.**

371

Русчадан **УКТАМ УСМОНОВ** таржимаси.

## ЭҚҚАНИНГНИ УРАСАН

Ҳар бир киши ҳаётида, у уч ёшдами, ўттиз учдами ёки етмиш уч ёшдами бундан қатъи назар, бахтиёр ва аянчли кунлар, севги, ҳаяжон ва рашкли кунлар юз бериб туради. Аммо бу туйғулар ҳар кимда ҳар хил намоён бўлади. Бир хил киши жаҳли чиқиб турса ҳам кўзга иссиқ кўринади, бошқаси яхши гапириб туради-ю, ҳеч кимга ёқмайди. Бунда кўп нарса кишининг тарбиясига боғлиқ.

Айниқса, болаликдаги кечинмалар кучли бўлиб, ақл эса теварак атрофда юз бераётган ҳодисаларни тўғри тушуна олишга ҳали ожизлик қилади. Бола ўзи ҳис эган ҳодисаларни қандай ифода қилишини ҳам туюқроқ билмайди-ю, аммо таассуротлар унинг характериини шакллантираверади.

Ҳеч нарса бола назаридан четда қолмайди.

Арзимаган бир нарса бола ҳаётида гоят муҳим воқеага айланиб, унинг хотирасига маҳкам ўрнашиб қолиши ва келажакда унга фойда ёки зиён етказиши мумкин.

Характер ўзгаради, уни қайта тарбияласа ҳам бўлади, бу аниқ гап. Аммо инсонни қайта гарбиялаб ўтирмай, аввал-бошданоқ тўғри йўлга солган яхши эмасми. Ҳар қандай болани ҳам олижаноб, раҳмдил, жасур, софдил инсон қилиб вояга етказиш мумкин.

Шундай ҳам бўладикки, бола ҳали гўдак, ҳаётда эндигина атак-чечак қиляпти-ю, аммо унинг характери анча ёмон, уни «даволаш»га тўғри келади.

Тарбия ишидаги энг муҳим нарса — бақт-ни бой бермаслик. Ҳар қандай ёмон одатнинг олдини олса бўлади ва олдини олиш зарур.

Кунларнинг бирида милиция ходимлари озиқ-овқат дўконидан ҳадеб вино ўғирланаётганини сезиб қолишди. Бу бир кишининг иши эмаслиги аниқ эди. Айбдорларни узоқ излаб, охири топишади. Улар уч киши: каттаси ўн бир ёшли, кичиги эса тўрт ёшли болалар экан. Худди шу тўрт яшар бола тахта девордаги кичкинагина ёриқдан каламушдек ичкарига ўтар экан. Терговчи болалардан, ўғирланган нарсани нима қилардинглар, деб сўраганида, улардан бири: «Виносини тўкиб ташлаб, шишасини толширардик», деб жавоб берибди.

Қанчалик содда, кулгили тентаквойларни қаранг! Аммо биз уларга вақтида эътибор бермасак, шунчаки кулиб қўйиб, индамай ўтиб кетаверсак, орадан бир неча йил ўтгач, ана шу уч бола анча мушкул ишларга ҳам бош қўшиши мумкин.

Бизнинг совет болаларимизнинг аксари кўпчилиги довюрак ва софдил, ўзаро дўст ва меҳрибон бўлиб камол топяптилар. Лекин шунга қарамай, ҳали кўнгина нарсалар биз катталарнинг назаримиздан четда қоляпти. Баъзан мактабдан, милиция органларида, прокуратурадан ташвишли хабарлар келиб туради: бир бола ўқишни ташлаб кетибди, иккинчиси безори, учинчиси қўрс-қўпол ва ҳар қадамда алдайди, тўртинчиси ўғирлик қилибди.

Ҳозирги ўсмирлар урушдан кейин туғилдилар. Шунисига беҳад хурсандмизки, улар бомба портлашларини кўрмадилар, ҳаво тревогасининг юракни орзиқтириб юборувчи машъум овозини эшитмадилар.

Улар нон карточкасини йўқотиб қўйиш қанчалар даҳшатли эканини билмайдилар.

Улар фашистлардан қутулиш учун яланг оёқ қор кечиб партизанларни изламаганлар.

Болаларимиз уруш даврининг азоб-уқубатлари, ўқинч-аламларини кўрмаганлиги бизнинг бахтимиздир, аммо уруш оқибатларини бошдан кечириб, унинг ма-

шаққатли йўлларини босиб ўтган баъзи бир кишиларнинг ҳозирги осойишта кунларда ўз болаларини арзимас қийинчилик ва ташвишлардан ҳам четга олишга уринишлари одамни ранжитади. Шунинг учун ҳам айрим болалар фақат ҳаёт неъматларидан фойдаланувчи сустанкаш томошабин, дангаса, меҳнатга, қаҳрамон халқимиз бунёд этаётган ҳамма нарсаларга лоқайд муносабатда бўлувчи кимсалар бўлиб ўсаётганликлари бежиз эмас, албатта.

— Қосмик кема учиршибди! Хўш, нима бўбди!

— Янги шаҳар қуришибди? Нимаси ажабланарли!

Бамисоли чет эл фильмларида тасвирланадиган, енгил ва ҳавойи ҳаёт кечиришни қўмсовчи олифтанамо ёшлар шу кўйи пайдо бўлади.

Катталарга нисбатан болаларга таъсир ўтказиш ҳам осон, ҳам қийин. Шунинг учун осонки, болалар зийрак ва таъсирчан бўладилар; қийинлигининг ҳам сабаби аслида шу: болалар кўп нарсаларни билмай туриб, кўп нарсаларни сезадилар. Агар катталар бу ҳақда тез-тез бош қотирганларида эди, улар сўзсиз ўз ўғил-қизларида яхши туйғуларни тарбиялаш масаласига жиддий қараб, бу иш болаларга билим беришдек муҳим эканлигини тушуниб, уларга етарли даражада кўмаклашган бўлур эдилар.

Ҳар бир бола характерида ўзига хос маълум хусусиятлар бўлади. Аммо гўдак шунинг учун ҳам гўдакки, катталар меҳр ва сабр-тоқат билан унинг характерини шакллантириши, кун сайин ҳар томонлама интеллектуал ва эмоционал камолотга ета бориши йўлида унга ғам-хўрлик кўрсатишлари лозим.

Кўпчилик тарбиячилар қўллари остидаги жажжиларга ўз болалик пайтларида ҳал бўлмаган муаммолар нуқтаи назаридан қарайдилар... Улар гўё болалиklarини мутлақо унутганлар-у, гўдаклик дунёсини эндигина кўраётгандек иш тутадилар. Улар учун бола гоҳ мутлақо

нуқсонсиз, қадимгилар айтгандек норасида бир фаришта бўлса, гоҳ митти қонунбузар-у, унинг ҳар бир қадамини зийраклик билан кузатиб бориш керак. Катталар кўпинча, болаларнинг бирдан ақли кириб қолмайди, деган фикр билан чегараланадилар-да, барибир бугун бола бўлгани билан эртага қарасанг — бири пўлат қуювчи, бири геолог, бири ёзувчи, бири шоир, бири рассом, бири врач, яна бири эса инженер бўлиб етишади, деган хаёл билан ўзларини овутиб юрадилар.

Мен болалар ёзувчиси сифатида турли хил йигинларда сўзга чиқиб, шунингдек газета ва журналлар саҳифаларида мақолаларим билан қатнашиб, бирор марта ҳам мана шу мавзуни четлаб ўтмаганман, лекин шунга қарамай менинг фикрларим анча тарқоқ ҳолда эди.

Ҳозир эса кўп фикрларимга яқун ясаб, ҳаётга энди қадам қўйиб келаётган инсоннинг маънавий дунёси қандай шаклланиши ва унда қандай руҳий кечинмалар юз беришн ҳақида китобхонга сўзлаб бермоқчиман.

Мен болаларнинг бутун муаммоларини бошдан-охир ҳал этиб бераман, демоқчи эмасман ёки бола тарбияси методларини илмий таҳлил қилмоқчи ҳам эмасман. Катталар билан болалар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан олган айрим кузатувларимни ҳикоя қилиб бермоқчиман, холос.


Келажак кишилари бўлган болаларимизни тарбиялаш — эртанги кунни яратиш деган сўз. Коммунистик жамият кишисини вояга етказиш фақатгина ақлий камолот, кенг ва чуқур маълумот, ижтимоий фаоллик билан чекланиб қолмай, балки ҳар томонлама ҳис-туйғуни шакллантиришни ҳам ўз ичига олади.

Инсонлик болаликдан бошланади. Айни шу болаликда инсон қалбига яхшилик уруғи ташланади. Аммо бу уруғлар униб-ўсадими ёки ёмонлик чирмовиқлари дастидан йўқ бўлиб кетадими — бу нарса орадан йиллар

Ўтгач маълум бўлади. Ушанда ҳаётга қандай киши кириб келгани ва жамиятимизга қандай янги аъзо қўшилгани аниқланади. Яхшилик уруғларининг униб-ўсишига кўмаклашиш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

*Инсон зўр-базўр тирикчилик ўтказиб, кун кўриш учун эмас, балки буюк ва улкан ишларни амалга ошириш йўлида меҳнат қилиш учун туғилади.*

**Л. АЛЬБЕРТИ**



## ЕРДАГИ ҲАМРОҲИНГ

Бир куни икки суҳбатдошнинг гапини эшитиб қолган эдим. Уларнинг бири етти ёшда, иккинчиси эса ундан қирқ ёшлар чамаси катта эди.

— Сен «Том Сойер»ни ўқиганмисан?

— Йўқ.

— «Вия»ни-чи?

— Йўқ.

— «Том тоғанинг кулбаси»ни-чи?

— Ўқимаганман.

— Бахтли экансан, — деди катта ёшдаги киши болага ҳавас билан тикилганча хўрсиниб.

Чиндан ҳам болага ҳавас қилса арзир эди. Бола учун ҳали ҳамма нарса олдинда, у шўх Марк Твенга қўшилиб беҳад қувонади. У ҳали даҳшат ва ҳаяжондан катта-катта очилган кўзларини Гоголнинг «Диканька қишлоғи яқинидаги оқшомлар» китоби саҳифаларига қайди ва Бичер-Стоунни ўқиётиб, катта кишилардек кўз ёшларини яширишга уринади. Шуларнинг ҳаммаси ҳали олдинда. Ҳозир эса асосий гап ҳар бир дақиқани қўлдан бой бермай, бу ажойиб китобларни вақтида ўқиб чиқишда қолган. Шахсан мен болалигимни бу китобларсиз тасаввур қилолмайман.

Менимча, боланинг уйдаги ва мактабдаги ҳаёти ҳар қанча қизиқарли бўлганда ҳам, агар у мана шу китобларни ўқимас экан, унинг болалиги ўғирланган ҳисоб. Бундай камчилиكنинг ўрнини тўлдириб бўлмайди. Масалан, катталар бирор китобни бугун ёки

орадан бир йил ўтгач ўқиб чиқишларни мумкин. Болалик даврида эса, вақт ҳисоби бошқача юритилади, негаки ҳар бир кун бола учун кашфиётдир. Бундан ташқари, болалик онларидаги туйғулар шу қадар кучлиги, илк тасассуротлар кейинчалик бутун умрга эса қолиши мумкин. Шу сабабли олтинга тенг болалик йилларининг ақалли бир соатини зое кетказиш ғоятда ачинарлидир. Бир тасаввур қилиб кўринг, орадан ўн йил ўтгач, собиқ биринчи сиф ўқувчиси, яъни биз бугун ҳавас қилаётган бола билан суҳбатлашганимизда, у агар бизга шундай жавоб қайтарса, кўнгилга ёқади дейсизми?

— «Уруш ва тинчлик»ни ўқидингми?

— Кинода кўрдим.

— «Оқ тунлар»ни-чи?

— Униям. Еқмади. Ундан «Лайча етаклаган хоним» яхши.

Боладан шу жавобни эшитган ҳар қандай одам ҳам ақли пешланмаган ва туйғулари ўсмаган суҳбатдонига илгаригича ҳавас қилиш ўрнига: «Наҳотки китоблар уни ҳис этишга, ўйлашга ўргатмаса? Наҳотки у шундайин бир хазина олдида қуп-қуруқ ўтиб кетаверган бўлса?!» деб хафа бўлиши мумкин.

Уз вақтида ўқилган яхши китоб айрим ҳолларда инсон тақдирини ҳал этиши, унга йўлчи юлдуз бўлиб, бир умрлик орзу-мақсадларини белгилаб бериши мумкин.

Яқинда мен Некрасовнинг болаликдан таниш қуйидаги мисраларини яна бир бор ўқиб чиқдим:

Бизнинг кичик пастқамгина ботқоқзорда  
Беш ҳисса кўп бўлар эди турли қушлар.  
Тутмасалар эди уларни тўр билан,  
Эмасалар эди уларни зўр билан;  
Қуёнлар-чи? Уларни ҳам... раҳминг келар!<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Туроб Тўла таржимаси.

Бу сатрларни мен саккиз ёшимдан биламан.

Орадан ўтган ярим аср давомида Ваташимиз қиёфаси ўзгариб кетди, «умумий қонунга бўйсунувчи мен» ҳам ўзгардим. Аммо мен учун бу шеърлар ўз нафосати ва гўзаллигини йўқотмаган, шунинг учун ҳозир ҳам уларни ўқийётганимда ҳаяжонга тушаман.

Мен ёзувчи сифатида ўша Мазай бобо бахтсиз қўнларни қутқарган жойларни бориб кўрдим.

Ўрмон ва ботқоқзорлар оралаб юқори вольтли электр линиялари қад кўтариб турибди; ботқоқликни қуритиб, ҳайдалган қўриқ ерларда ям-яшил жавдар денгизлари тўлқин урмоқда, бу ерларда худди илгаригидек қознқ оёқлар устига қурилаётган мустаҳкам, шинам ўйларини томида радио ва телевизор антенналари кўзга ташланади. Бир қишлоқдаги колхоз болалари билан суҳбатлаганимда улар космик кемалар ҳақида, Ойга учиб ва дунёдаги бошқа воқеалар ҳақида фикр юритишди. Аммо улар билан Некрасов тўғрисида сўзлаша туриб, болалар яшаётган шу жойларни шоир қандай тасвирлаганини эслатганимда улар жим бўлиб қолди ва минг афсуски, биронта бола ҳам «Мазай бобо»дан ақалли тўрт қатор шеърни ёд айтиб беролмади. Ахир, улар фан, техника ва кундалик сиёсий воқеалар билан бирга шеърларни, жуда кўп шеърларни! — Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Фет, Тютчев, Блок ва бошқа ажойиб рус шоирларининг шеърларини ҳам билганларида уларнинг маънавий дунёси янада бойинган бўлмасмиди. Мен шуларни ўқиниб билан ўйладим.

Болаларни шеърятни севишга қандай қилиб ўргатиш мумкин? Кўпгина асарлар мактаб хрестоматияларида берилган, мактаб программасига киритилган. Лекин шоир ўз шеърларини мактаб программасигагина мўлжаллаб, уни мактабда ўрганадилар ва «қайта ишлайдилар» деб ёзмаганлигини бола тушуниши керак. Шоир шеърларини ўзи учун ёзган-у, аммо шеърлари барча ватапдошларига ҳам керакли бўлиб қолган.

Унинг шеърлари дарсликларга кирмаса ҳам яшайверади.

Шундай китоблар борки, уларни болалик ва ўсмирликда ўқиб, маъносини чақмаган кишининг психологияси қўпол ва дағаллигича қолаверади.

Хўш, бу қайси китоблар? Энг аввало — эртаклари. Уларда қанчадан-қанча поэтик нафосат, бадий мукамаллик мужассамлашгани ҳаммага маълум. Халқ эртаклари ҳамма вақт инсонда адолат туйғусини, ёмонликка нафрат туйғусини ўстирган, унинг тасавури, орзу-хаёлини уйғотган. Пушкинни эслайлик, у машҳур шоир бўлиб етишган пайтида ҳам энагаси Арина Родионовна айтиб берадиган эртакларни завқ-шавқ билан тинглар эди.

Хаёл қилшни, ҳазилни билмайдиган киши тала одамга ўхшайди. Хаёл қилиш кишини кашфиётга ундайди, хаёл — кишига қанот бағишлаб, ўз ортидан эргаштириб боради. Эرتак эса айни шу орзу-хаёлни, тасаввурни кенгайтиради.

Ҳар бир халқ эртакка бой; уларнинг энг яхшилари дунёдаги барча тилларга таржима қилиниб, болаларнинг донимий ҳамроҳига айланган. Эرتак адабий жанр сифатида абадийдир. Бунинг мисоли сифатида биз ҳаммамиз севадиган Алексей Толстойнинг «Олтин калитча», Юрий Олешнинг «Уч бақалоқ», Николай Носовнинг «Билмасвойнинг саргузаштлари», Л. Лагиннинг «Чол ибн Хаттоб», Валерий Медведевнинг «Олам бўлсанг-чи, Баранкин!» эртакларини, ҳозирги замон Италия ёзувчиси Жапани Родари ва бошқа жуда кўп авторларнинг эртакларини келтиришимиз мумкин.

Федор Михайлович Достоевский беш яшар қиз ва унинг ўртоқларига ўз китобларидан парчалар ўқиб берар экан, мана шу ўқиб бериш жараёнида ўйлаб юрган фикрининг тўғрилигига, яъни энг мураккаб китобларда ҳам болалар тушуна оладиган парчалар борлигига ишонган ва бўш вақтларида ана шундай парчаларни

танлаб олиб, болалар учун алоҳида китоб ҳолида чиқаришни мўлжаллаб қўйган.

Федор Михайлович бу ишни амалга оширишга улгуролмайди, ammo унинг вафотидан кейин О. Миллер муҳаррирлигида шундай китоб нашр этилади. «Рус болаларига, Ф. М. Достоевский асарларидан» деб номланган китобга «Қамбағал одамлар», «Неточка Незванова», «Хўрланган ва таҳқирланганлар», «Жиноят ва жазо», «Ўсмир», «Ака-ука Қарамазовлар» сингари рус адабиётининг энг мураккаб ва чуқур мазмунли асарларидан парчалар киритилган эди. Кейинчалик, 1887 йилда ўрта ёшдаги болалар учун Достоевский асарларидан яна бир хрестоматия нашр этилади.

Нима сабабдан Достоевский кичик ёшдаги болаларни ҳам ўз китобларидан олинган парчалар билан таништиришни истади?

У пайтларда деярли болалар адабиёти йўқлиги на уларга катталар учун ёзилган китобларни ўқиб бераётганликлари учунгинами? Ахир, болаларга деб мўлжалланган ва ўз вақтида Белинский томонидан қуруқ сифата деб қораланган китобларни гапириб ўтиришга ҳожат ҳам йўқ.

Хўш, Достоевский бундай хрестоматияни фақат болаларга китоб йўқлиги учунгина нашр этмоқчи бўлганми? Йўқ. Ҳар қалай, у болаларни ўз туйғу ва ўй-хаёллари дунёсига олиб киришни мақсад қилган бўлса керак. У бола ақлига ғоят ишонганидан шундай қилиш мумкин ва зарур деб ҳисоблаган. Биз бу фактга бефарқ қарай олмаймиз, чунки бу энг муҳим проблема — болаларнинг дунё классикасига бўлган муносабати масаласини олға суради.

Болалар қай вақтдан бошлаб классик асарлар билан таниша боришлари керак?

Бизнинг болалар (мен беш ёшдан ўн уч ёшгача бўлган болалар ҳақида гапиряпман) ўз музыкалари, балетлари, кинотеатрлари, ўз адабиётларига эга. Уларнинг

ҳаёти маънавий таассуротларга бой. Совет ёзувчиларни китобхонларда гўдаклик чоғлариданоқ адолатпарварлик, дўстлик, ўртоқлик, пролетар интернационализи туйғуларини ўстиришга ҳаракат қилмоқдалар. Болалар китобларида ватанпарварлик ҳақида, Совет мамлакатига садоқат ҳақида гап юритилади, шунингдек, ожизни ҳимоя қилиш зарурлиги, ўсиб турган кўчатни синдириш худди бечора мушукчага ёки чумчуққа тош отгандек ёмон иш эканлиги уқтирилади.

Хуллас, болалар учун ижод қилаётган ёзувчилар қўл урмаган бирор-бир мавзунни топиш қийин.

Балки шу билан чекланса ҳам бўлар? Асарларни кўпайтиришдан не фойда, дерсиз.

Йўқ, кўпайтириш керак. Буюк истеъдод эгаси бўлган ёзувчилар инсон қалбининг шундай сирли оҳангларини топа оладиларки, бу оҳанглар ҳар қандай ёшдаги кишиларга ҳам ҳузур бағишлайди. Катталар учун ёзилган китобларнинг кўпгина қисмини болалар ҳам ўқиши мумкингина эмас, балки ниҳоятда зарурдир.

Бола мактабга боргунга қадар бўш вақти кўп бўлади, ундан фойдаланиш керак.

Менинг бир дўстим Тургенев асарларидан олган энг ёрқин таассуротлари айтиб берган эди, чунки у ҳали ҳарф танимасиданоқ, отаси «Овчи мактублари»ни овоз чиқариб ўқиб берган экан. Ушанда уни табиат тасвирлари, айниқса, ром этган экан.

Бизнинг болаларимиз ўтмишда китоб ўқишга имконияти бўлган ўз тенгдошлари ҳақида, уларнинг ўзларига қараганда анчагина ўқимишли ва билимдон бўлишгани тўғрисида сира бош қотириб кўришганимикин? Бунга ишонч ҳосил қилиш учун ёш Ломоносовни, ё Пушкин ва унинг лицейдаги дўстларини ёки Лев Толстойнинг болалигини эслашнинг ўзи kifоя...

«Онегин»нинг ҳамма «образлари» ва лирик чекинишларини «аъло»га биладиган ўқувчидан сўраб кўринг-чи,

у Пушкин томонидан ўша «Евгений Онегин»да эслатиб ўтилган «илоҳий Умар»ни ўқиганмикин. Йўқ, ишонинг, шундай савол берсангиз деярли хоҳлаган ўқувчингиз ҳам ўзини йўқотиб қўяди. Аксари ўқувчилар Гомер ва Тютчев, Верлен, Гёте ва Умар Хайём асарларини агар бир тасодиф билан ўқиб қолмасалар, унда бу зотлар уларнинг наздида буюк шахслигича қолаверади.

Ўтмиш адабиётига, санъатига мурожаат қилиш, худди тарихга мурожаат қилишдек, ўз халқининг ўтмишини ўрганиш демакдир. Ўтмиш авлодлар томонидан йиғилиб, сақлаб келинган бойликларни севган, қадрлай билган ва ҳурмат қилган кишигина чинакам ватанпарвар бўла олади.

Пушкин дуэлга чиқадиган куни эрталаб Александра Осиповна Ишимовага шундай хат ёзади: «Мен бугун тўсатдан Сизнинг «Ҳикоялардан иборат тарих»ингизни очиб, беихтиёр ўқишга киришиб кетдим. Мана шундай ёзиш керак!»

Ўша фожиали тонгда очилган китоб болалар учун ватанпарварлик руҳида ёзилган асар бўлиб, унга Жуковскийнинг қуйидаги мисралари эпиграф қилиб олинган эди:

О табаррук Ватан!  
Қайси юрак сени шарафлаб,  
Олқаган чоғ титрамас экан?!<sup>1</sup>

Биз учун Пушкин айтган ҳар бир сўз қимматли, ўша фожиали тонгда ёзилган бу хат эса янада қимматлироқ. Шунинг учун ҳам китобнинг Пушкин белги қўйган беш қисмини келтириб ўтмоқчиман.

«Ёқимтой болаларим! Сизлар довурак баҳодирлар ва гўзал маликалар ҳақидаги ажойиб-ғаройиб эртакларни тинглашни севасизлар, сизларни меҳрибон ва ёвуз сеҳргарлар тўғрисидаги эртаклар завқлантиради. Лекин

<sup>1</sup>Шеърларни А б д у л л а О р и п о в таржима қилган.



сизлар эртақ эмас, бўлган воқеани, яъни чин ҳақиқатни эшитсаиғиз, яна ҳам яхши бўлади, шундай эмасми...»

Ишимова ўз ўқувчилари билан жиддий ва самимий тарзда сўзлашади.

«Қулоқ солинглар, мен сизларнинг аجدодларингиз бўлган кишилар ҳақида сўзлаб бераман. Сизлар аجدодларингизнинг кимлигини биласизлар-а? Улар бобо ва бувиларингизнинг бобо ва бувиларидир...

...Қадим замонларда сизнинг ватанингиз Россияда... юзлари ва қад-қоматлари келишган, мардона ишлари билан шон-шуҳрат топган аجدодларингиз яшар эдилар. Улар софдил, меҳрибон ва хушмуомала, лекин жанг вақтида даҳшатли ва шафқатсиз кишилар эдилар. Уларни славянлар деб аташарди.

Қандай чиройли ном, шундай эмасми, ёқимтой болаларим! Сизларнинг орангиздаги энг жажжи болалар ҳам шон-шуҳрат нималигини биладилар, тўғрими...»

Ватан шон-шуҳрати фақат халқнинг эришган жангвар ва меҳнат қаҳрамонликларида эмас, балки эртақ ва дostonларда, шеър ва романларда ҳам акс этган, бунинг энг оддий ва буюк фазилат эгаси бўлмиш ҳар бир саводхон киши яхши билади.

Қандай билим олишинг, қандай одам бўлиб етишишинг учун бутун масъулият сени ўқитган муаллимлар зиммасига тушади, деб ўйлаш хатодир. Кемадаги ҳар бир экипаж аъзосига ўхшаб, мактабнинг қандайлиги ҳам унда ўқиётган ҳар бир ўқувчига боғлиқ. Синфларда билимга ҳаваси зўр, ўқимишли болалар қанчалик кўп бўлса, барча тўғарақларнинг иши шунчалик жонли ва қизиқарли бўлади. Ўқитувчилар ҳам қолақ болаларни ўзлаштирувчиларга етказиб олишга вақт сарфламай ва ўтганларни ҳадеб такрорлайвермай, болаларга янги нарсалар ҳақида тушунча беришга имконият топадилар.

*Бадиий асарларни мутолаа қилиш—ҳаёт ва унинг кураш қонунларини англашнинг тенгсиз булогидир.*

**К. Марко**

*Урганинг ва ўқинг. Жиддий китобларни ўқинг. Қолганларини ҳаётнинг ўзи беради.*


*Ф. Достоевский*

*Қулай вақт келдими, китоб титкила. Ўз ҳаётинг давомида иложи борича турли китобларни кўпроқ кўришига ва ўқишига ҳаракат қил.*

*Н. Рубакин*

*Мутолаага берилиши — турмушда еўзсиз содир бўлиб турадиган зерикши соатларини чексиз ҳузур-ҳаловат соатларига айлантириши деган сўз.*

*Ш. Монтескье*



## ҚАДІМНИЙ ОБИДАЛАР

Болалик пайтимизда ҳар биримиз шубҳасиз шундай онларни бошдан кечирганмизки, дoston ва эртақларга берилиб кетиб, ўн икки бошли аждарни енгган баҳодир шарафига муҳташам саройларда берилган зиёфатлар ва таитаналарнинг тасвирини ўқиганимизда антикиб-антикиб қаяжонга тушганмиз.

Товуқ оёқлари устига қурилган ёғоч уйчаларнинг таърифини юзлаб эртақларда ўқиганмиз. Бир баҳодир ўғлон уйчага қараб: «Ўрмонга орқа ўгириб, мен томонга қара!» — деб қичқирса бас, товуқ оёқлари ҳаракатга келиб, уйча бошқа томонга айланади.

Бу эртақ ва дostonларни ўқиётганимизда беихтиёр ўйга толасан киши: чиндан ҳам Россияда шундай уйлар ва муҳташам кошонилар бўлганми ёки уларни ҳам Обиҳаёт, Очилдас-турхон ва Олов пурковчи аждарлар сингари эртақчининг хаёли яратганми?

Йўқ, аслида улар бўлган экан.

Кострома областида бундан икки юз йил муқаддам қурилган «товуқ оёқли» уйча ҳозиргача сақланиб қолган.

Пойдевор ўрнида уйчани тўрт томонидан ерга илдиз отган бақувват арча тўнкалари кўтариб туради. Илдизлари ялтироқ бу тўнкалар товуқ оёқларини эслатади. «Панжалари» ёйилган яна бир «товуқ оёғи» уйчанинг томини босиб турибди. Бу — илдизлари билан кавлаб олинган каттакон ғўла бўлиб, шимол осмонда, айниқса, қуёш ботаётган пайтда гоятда сеҳрли манзара пайдо қилади.

Тўғри, бундай уйларни энди кам учратамиз, ҳадемай улар бутунлай қолмаслиги мумкин. Ёмғир ва қуёш қорайтириб юборган бундай баҳайбат ғўлаларни ўшаида фақат музейлардагина кўрамиз.

Деворларида ранг-баранг гуллар-у, анвойи гиёҳлардан ясалган гулчамбарлар, минг тусда жилваланувчи кошоналар эртақчининг хаёли эмас. Архангельск областида сақланиб қолган ёғоч уйлар беагининг ажойиб жилвалари ҳали-ҳали кишиларни лол қолдиради. Ахир улар дoston ва эртақларнинг жонли тимсоли эмасми. Бу — сукутга ботган қадимий анъаналар ва буюк бадший маданиятнинг ўзгинаси-ку.

Геродот «Тарих»ининг «Скифия ва Доронинг скифларга қарши юриши» деб аталмиш бобида «скифлар еридан шимолга қараб пиёда ўн беш кунлик йўл босиб ўтилгач» (яъни қадимий Рус территориясида), ёғоч ўймакорлиги намуналарига дуч келинади, деб хабар берилади: «Будинлар — буюк ва кўп сонли халқ, улар малла ранг ва сепкилдор. Уларнинг ёғочдан қурилган Гелонос номли шаҳарлари бор. Шаҳар атрофида авахталар кўп... улар баланд-баланд қилиб қурилган, уйлар ҳам ёғочдап, ибодатхоналар ҳам. Ерлари эса нуқул ўрмон!»

Қалин чангалзорлар билан қопланган мамлакатнинг бу ёғоч иморатларидан, сўзсиз, асар ҳам қолмаган ва қолиши ҳам мумкин эмас эди. Енғинлар, половецлар ва печенегларнинг ҳужумлари, урушлар бутпараст Русь ёғоч меъморчилигининг деярли ҳамма обидаларини ер билан яқсон қилиб ташлаган.

Совет архитекторлари ва санъатшупосларни ҳатто уруш ва вайронликлардан анча олисда бўлган шимолдан ҳам икки юз ёки юз эллик ёшдан кўҳнароқ ёғоч уйларни қидириб топа олмадилар, улар революциягачаёқ йўқ бўлиб кетган эди. Аммо қадимий маданият анъаналари эса ҳанузгача яшаб келмоқда.

Шимолда қурилган ёғоч иморатлар — рус меъморларининг ҳаётни поэтик ва фалсафий тарзда, нозик ҳис эта олганликларини исботлайди: зилол сувли дарёлар устига қурилган шинам тегирмонлар, шимол кўллари соҳилидаги яшил арчалар сафига уйғунлашган митти бутхоналар, атрофида гиёҳ ва буталар ўсиб ётган харсангтошларга ўрнатилган ўймакор тўсинлар юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Рус ёғоч ўймакорлигининг бу нодир мўъжизалари ҳақида жуда кам ёзилган, уларни ўз кўзлари билан кўрганлар эса ундан ҳам кам.

Мен шундай қишлоқчани Латвияда, яна бирини эса.. Бухарест марказида кўрганиман. Кўл соҳилидаги шаҳарнинг истироҳат боғига румин қишлоқ-музеи жойлашган. Панжара билан тўсилган ҳовлиларнинг қайси бирига кирманг, унда дарвоза, қудуқ, хўжалик омборлари, мебель ва идиш-товоқлар билан жиҳозланган уйлар, кийим-бошлар — ҳамма-ҳаммаси худди ўша вақтдагидек сақлаб қўйилган. Бу нарсалар мамлакатнинг турли томонларидан келтирилган.

Шимол ва Сибирь, Урал, Повольже, Карелия ва бошқа жойлар бадний анъаналарга жуда бой.

Обида-қишлоқлар азалдан саёҳатчиларни ўзига жалб этиб келган. Ёғоч уйларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш рус деҳқони учун қийин иш ҳисобланмаган. Улар кўҳна дарахтлардан кесиб олинган улкан ходалар билан уйни тагидан кўтариб, бир зумда бошқа ерга олиб боришган.

Мустаҳкам қилиб қурилган бу уйлар узоқ йиллар давомида бузилмай тураверган.

Ватанпарварлик — оталар, боболар, аждодлар васиятига ҳурмат ва муҳаббат билан қарашдан; ўз Ватаниндан фахрланиш ҳисси эса она шаҳрингни севишдан бошланади. Биз фақат фан ютуқлари ва табиатнинг бўйсундирилаётгани билангина эмас, балки буюк маданиятимиз билан ҳам фахрланишимиз керак.

Шаҳарнинг қиёфаси: майдонлар, кўчалар, уйлар бо-  
лаликданоқ кишининг дидини, дунёқарашини шакллан-  
тира боради.

Гўзаллик тушунчасини англамоқ учун уни фақат  
музейдан ахтаришнинг ўзи кифоя қилмайди. Тунги  
шаҳар деразаларидан нур ёғилиб туриши, йўл бўйида  
хушбўй ҳид таратаётган гуллар, дарё соҳилидаги кўча-  
лар, саройлар, ҳайкаллар — шуларнинг ҳаммаси инсон-  
га гўзаллик бахш этиши зарур.

Киши қалбида ўз шаҳри, ўз уйига нисбатан муҳаб-  
бат туйғуси қанчалик барвақт уйғонса, у маънавий жи-  
ҳатдан ҳам шунчалик баркамол бўлиб боради.

Болалигим гарчи Пятигорскда ўтган бўлса-да, ўзим  
асли москвалликман. Дунёнинг қайси бир шаҳрига бор-  
май, у шаҳарларнинг гўзаллигидан завқланмай, барибир,  
мен учун ер юзидаги энг чиройли шаҳар Москва бўлиб  
қолаверади. Москвани кезиб, унинг майдонларидан, осу-  
да кўчаларидан борар экансан, бутун вужудинг билан бу  
ўз шаҳринг эканини ҳис этасан. Бамисоли онанг, вата-  
нинг сингари, худди бошинг узра турган осмон, нафас  
олаётганинг — ҳаво сингари она шаҳринг ҳам сен учун  
қадрдон ва азиз.

Қизил майдонга қайта-қайта келиш мумкин-у, ammo  
ранг-баранг сирли гумбазлари осмонга интилган афсо-  
навий Василий Блаженний ибодатхонасига ҳар гал кў-  
зинг тушганида вужудингни аллақандай ҳаяжон қамраб  
олади. У гўё рус меъморчилиги эришган нафосат ва ма-  
ҳоратни ўзида акс эттираётгандек бўлади. Шу ернинг  
ўзида Кремль остида — Ленин Мавзолейи. Ундан нарида  
эса, худди ёниб турган шамларга ўхшаб тантанавор,  
мағрур ва безанган соборлар қад кўтарган. Гўё қадимий  
Руснинг бутун латофати нурафшон, янги шаҳар би-  
лан умрбод қўшилиб кетиш мақсадида шу майдонга  
йигилгандай. Бу гўзалликни фақат кўра билиш, ҳис  
қила олиш керак. Бу фазилат ҳам болаликдан бошла-  
нади.

Москвадаги муқаддас тошлар — ўз ҳаёти ва тақдирини шу шаҳар билан боғлаган фарзандларнинг: шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, жангчилар, революционерларнинг номини авайлаб асраётган солномадир.

Москва бениҳоя ранг-баранг. Қалбинг қувончга тўлиб, одамларни қўмсаб қолганингда унинг озода, серқатнов кўчаларига ошиқасан. Бирор нарса ҳақида ўйламоқчи, фикрингни жамламоқчи, ўзинг танҳо қолмоқчи бўлсанг, кўҳна, жимжит кўчаларга бурилсан. Ана шунда Пушкин ва Лермонтов даврининг тор кўчаларига, ўйчан Москвага дуч келасан. Бир вақтлар улур рус шоирлари, ёзувчилари, композиторлари, рассомлари йиғиладиган уйлар ҳозир ҳам бор. Кўҳна Москванинг адабий ва театр ҳаётини акс эттирувчи манзилгоҳлар ҳам сақланиб қолган. Булар бизнинг шонли тарихимиз, маданиятимиз ва фахримиздир. Тўғри, бундай жойлар борган сари камайиб кетяпти. Уларни биздан фақат аёвсиз вақтгина тортиб олаётгани йўқ...

Мен бу ҳақда шунинг учун гапиряпманки, гар тарих нутилар экан, сўзсиз, космополитча хушомадгўйлик, нигилизм, «четники» деб муҳр босилган ҳар бир нарсага қулларча сиғиниш бошланади. Баъзи бир кишилар бугунги кундаги ютуқларимизни таъкидламоқчи бўлиб, эътиборсизлик билан: «Эски, чангга ботган, савдогарлар Москвасида...» — деб юборади. Натижада айрим шахслар ўз атрофини ўраб турган ҳамма нарсага мана шундай эътиборсизлик билан қарай бошлайди. Шу эски-тускилар ҳам гапми! Ноёб нарсаларнинг ҳаммаси чет элда. Бизда бўлса? Фақат... эски-туски, ҳалигача йўқ қилиб ташлаёлмадик... ҳозирча бу ишларга қўл тегмади-да... Бундай ишонч ўз туристларимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганини айтмайсизми, улардан айримлари чет элларда кўрганларини оғиз кўпиртириб мақтайдилар-у,

аммо ўз юртларидаги гўзалликни билмайдилар ва қадрламайдилар. Ҳа, хушомадгўйлик, ўз миллий маданиятини унутиш ва тушунмасликдек шармандали ҳол мана шундан келиб чиқади.

Мен янги Москвани, унинг кенг, нурафшон кўчаларини, дарёси устидаги кўприкларини, бадий кўргазмалар, концертлар ва спектаклларга чорловчи хилма-хил рекламалар ва афишалар билан безанган бугунги Москва ни севаман. Ҳозирги Москва — дунёдаги энг йирик маданий марказларнинг биридир.

Бугунги шиддатли, меҳнаткаш ва тантанавор Москва чиндан ҳам гўзал. Лекин кўҳна Москвага ҳам мафтун бўлмай илож йўқ.

Ленинградлик ўқувчи қиз Елена Д. менга ёзган хатда Москвага биринчи бор келгани ва бу ерда олган унутилмас таассуротлари ҳақида шундай ҳикоя қилади.

«Мен Ленинградда яшайман. Ўз шаҳримни жуда севаман, чунки мен шу ерда туғилдим, ўсдим, шу ерда ўқидим, комсомолга ўтдим, жуда кўп ажойиб кишиларни танидим. Мен илгарилари энг яхши шаҳар бизнинг Ленинград бўлса керак, деб ўйлар эдим.

Нева соҳилларида ҳар куни кезсам ҳам, Эрмитаж ёки Филармонияга ҳар куни борсам ҳам — сира зерикмайман. Чиройли шаҳарларни яхши кўрадиган ҳар бир киши, албатта, Ленинградга келиши керак. Бизда биронта ҳам кўримсиз кўча йўқ, ҳаммаси равон ва сўлим.

Бу йил ёзда мен биринчи марта Москвага бордим. Шунда Москвани кўрмаган киши ўз Ватани, ўз Россиясини биламан демаса ҳам бўларкан, деган фикрга келдим.

Гарчи Москва ўз руҳи, кайфияти, ҳаёт суръати жиҳатидан ниҳоятда замонавий шаҳар бўлса-да, айни

пайтда уни томоша қилпб юриб, она Ватанинг ҳақида худди музейдагидек кўп нарсаларни биллиб олишинг мумкин.

Разин кўчасидан Қизил майдонга яқинлашиб келар экансан, гўё аста-секин таптанали қўшиқ ёки афсона кучоғига кириб бораётганга ўхшайсан.

Василий Блаженный ибодатхонаси билан Кремль ҳам худди шундай таассурот қолдиради...»

«Халқнинг ҳаёти, тақдири, ҳатто, гоҳо шўх, гоҳо тантанавор кайфияти кўчалар ва майдонларнинг номда ҳам акс этади, — деб давом этади Лена. — Москвалик бир қиздан илтимос қилган эдим, у шаҳарни айлантирди ва кўпгина кўчаларнинг эски номларини ҳам айтиб берди. Бу номларнинг ҳаммаси менга қадрдон, ёқимли туюлди. Жуда галати, ҳазил-мутойиба тарзидаги номлар ҳам бор экан. Лекин уларнинг кўпини энди ҳеч ким эслолмаса керак. Маросейка, Лубянка, Поварская, Охотний ряд, Ильинка, Девкин переулоч, Кудрин майдони ёки шу ердан салгина нарида яшаган Чехов ибораси билан айтганда, Кудринка деб аталмиш номларни фақат асил москваликларгина эсласалар керак, холос.

Москвалик ўқувчилар эса рус классик адабиётидан маълум бўлган жуда кўп таниш номларни санаб тугатишолмайди.

Масалан, улар «Анна Каренина»ни ўқиб туриб, ма-на шундай мисраларга дуч келишади: «Левин Москвада дастлаб яшай бошлаган пайтларида Воздвиженкадан Сивцев Вражекка борпш учун катта каретага икки жуфт зўр от қўшиш керак, деб ўйлар эди, энди эса бу фикрига ажабланмайди...» Яна шундай давом этади: «...Левин зинапояга чиқиб, извозчини чақирди-да, фойтунга ўтириб Никитскаяга жўнади...»

Бошқа шаҳарлардан Москвага кўллаб одамлар келиб-кетишади, аммо уларнинг қайси бири Воздвиженка билан Никитскаяни биледи, дейсиз? Ҳатто, москвалик

болалар ҳам бу жойларнинг қаердалигини айтиб беришолмайди.

Ахир, бу номларни келтириш билан Толстой кўчаларнинг бир-бирига яқинлигининг кўрсатмоқчи бўлган эмас-ку. Китобхон тасавурида шу номлар воситасида қахрамонларни тўғри тушунишга кўмаклашувчи аниқ образлар пайдо бўлади.

Дарвоқе, фақат Москвада эмас, бизнинг Ленинградда ҳам анча-мунча кўчаларнинг эски номларини ўзгартириб юборишди.

Маршакнинг ажойиб бир тўртлиги бор:

Назмда Неванинг лаҳжаси азал,  
Гоголь саҳфасига йўл кетар ўхшаб,  
Ороллар эслайди Блокни тугал,  
Достоевский кезар Резъезжий бўйлаб.

Лекин, биз, ленинградлик ўқувчилар Достоевский қаламга олган собиқ Гороховая ёки Миллионная кўчалари қаердалигини ҳозир билмаймиз».

Бизга ўтмишдан мерос бўлиб қолган қадимий Москва худди музейдек сақланмайди, албатта. Шаҳар ўсяпти, қуриляпти. Тор кўчалар ўрнини кенг магистраллар эгалляпти.

Бу табиий ҳол.

Афсуски, биз пойтахтимизнинг шонли ўтмишини эсга солувчи ҳамма нарсаларни қайта тиклаб ва сақлаб қололмаймиз. Фақат энг аҳамиятли, қимматли обидаларгина давлат ҳимоясига олинади.

Изопарлар отрядлари халқимизнинг жанговар қахрамонликларини хотирада қайта тикляптилар, сизлар ҳам Москва ва бошқа шаҳарлардаги кўплаб ўтмиш ёдгорликлари орқали маданиятимиз тарихини ўрганишингиз, кўп нарсаларни билиб олишингиз мумкин.

Сурат чизиш, кўрган-кечирганларни ёзиб қўйиш, расмга олиш — буларнинг ҳаммаси қадрдон ўлка тари-

хини хотирада сақлаб қолишни истаган ҳар бир кишининг қўлидан келади. Утмишни билмай туриб, ҳозирги кунни севиш, келажак ҳақида ўйлаш мумкин эмас.

Шуларнинг ҳаммаси болаликдан бошланади.



## ТЕАТР САҲНАСИ ОЛДИДА

Театр севимли жой. Театр ҳақида жуда кўп, илҳомланиб ёзишади, мунозара қилишади, томошабинларнинг фикри, диди, нимани ёқтириши-ю, нимани хуш кўрмасликларини ўрганишади. Одамлар залда ўтириб, саҳнада, ҳатто, инсон бошига тушган муспбат ва фожиа воқеасини кўраётган бўлсалар-да, қандайдир ғалатинг шодиёна воқеани кутишадн. Залдагиларнинг ҳаммаси ўз туйғуларига эрк беришга, спектакль қаҳрамонлари билан бирга йиғлаб, бирга кулишга тайёр ҳолда ўтирадилар.

Мана шу кутиш они, шивир-шивир сўзлашув, чироқнинг аста-секин ўчиши, ундан кейинги бир зумлик сукунат — шуларнинг ҳаммаси кишилар туйғуси учун малҳам бўлиб, кейин одам бирдан ўзини унутади, худди болалардек ҳаяжонга тушади, санъатга асир бўлади.

Яхши томошабин худди яхши актёрга ўхшаб ўзини бутунлай қаҳрамон билан бирга ҳис этади. Залда ўтирган одам шунинг учун ҳам яхшилиқнинг ёмонлик устидан ғалаба қозонишини бетоқатлик билан кутадики, чунки унинг юрагини ҳам Гамлет шубҳа қилаётган хиёнат яралаган. Томошабин «Оптимистик трагедия»даги комиссар билан ёнма-ён туриб, ўзини революция ишига бағишлашга тайёр бўлади.

Чинакам театр томошасининг вазифаси инсонни ўзини четдан кўра билишга ва ўзлигини таниб, тушуниб олишга мажбур қилишдан иборатдир.

Театрга зерикканда, шунчаки кўнгил ёзиш учун бо-  
радиган одам яхши томошабин эмас.

Агар одам театрға келиб, шахсий ташвишлари, раши-  
ки ёки хафагарчилигини унутпб, сахнадаги воқеага су-  
тунлай берилиб кета олса, демак, унда энг олижаноб  
туйғулар уйғонган ва унинг қалби инсоний мусибатлар-  
ни, қувончларни, орзу-истакларни ва севгини ҳис қила  
олишга қодир.

Мен автор сифатида ўз пьесаларим қўйилаётганда  
сахнага қарашдан кўра томоша зални кузатишни кўп-  
роқ ёқтираман. Турли сабабларга кўра актёр ўз ролни  
яхши ёки ёмон ўйнаши мумкин. Аммо томоша зали эса  
ҳамма вақт ўзига хос ўзгача ҳаёт билан яшайди. У спек-  
таклнинг ютуқ ва камчиликларини ўша заҳотиёқ баҳо-  
лайди, сахнада кўраётган нарсасига бутунлай берилиб  
кетди. Ёш томошабин баъзан сахнадаги воқеаларни  
ёнида ўтирган катта ёшдаги кишига нисбатан мутлақо  
бошқача кўз билан кўради.

Бир кун «Мақтанчоқ қуён, уч чўчқача ва бўри»  
спектаклини кўришга борганимда ёнимда бир театр тан-  
қидчиси ўтириб қолди.

У спектакль давомида:

— «Мақтанчоқ қуён»нинг фалсафий гояси болаларга  
тушунарли бўлармикин? — деб сўради хавотирланган  
оҳангда.

— Қайси гоя? — деб қизиқсиндим мен.

— Ҳа, анови, отишни билмаган одамга милтиқ бериб  
бўлмайди, уни жамоага қарши қаратиши мумкин, деган  
гоя-чи.

— Ахир, пьесада бундай гоя мутлақо йўқ-ку...

— Косанинг тагида нимкоса деганларидек! — деди  
танқидчи минғирлаб.

— Нимкоса нима қилади бу ерда? Залда ўтирганлар  
беш ёшли болалар-ку!

Чиндан ҳам беш ёшли болалар пьесанинг энг қўр-  
қипчли жойлари келганда юзларини кафтлари билан

баркитиб олишар, ёўри либосидаги артистни ростакам ёўри, артистка қизни эса, чинакам тулки деб астойдил ишонишарди.

Уйин — болалар учун кўпинча чинакам ҳаётнинг ўзига айланади. Шу жумладан актёрнинг саҳнадаги «ўйини» ҳам. Бу — болаларгагина хос хусусиятдир.

Болалар томоша залида ўтирганликларини мутлақо унутиб қўядилар.

Калинин театрида «Том тоғанинг кулбаси» спектакли қўйилаётган эди. Негр-қулларни сотиш пардаси кўрсатилаётганда зал худди сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди. Навбат Том тоғага келди: у ҳам ким ошди савдосига қўйилиши керак. Шу пайт кутилмаганда томоша залидан саҳнага бир қизча югуриб чиқди-да, қўлидаги пулини узатди, у Том тоғани астойдил қутқариб қолмоқчи, уни озод этмоқчи бўлган эди.

Агар шунда кимдир қизчани тўхтатиб, бу театр томошаси эканини эслатиб қўйса борми, унда қизча ўзининг самимий ҳаяжонидаи уялиб кетган бўларди ва бундан кейин ҳеч қачон ёзувчи, санъаткорнинг сўзини бунчалик жонли қабул қила олмас ва чин юракдан унга хайрихоҳ бўлолмас эди.

Бола гўзалликни ҳис қилиш туйғусига тўғридан-тўғри берилади: кулгили китобни ўқиса кулади, ғамгил китобни ўқиганда эса йиғлайди. Мана шу мусаффо туйғуни ўзида бир умрга сақлаб қололган одам чинакам бахтиёр инсондир...



## «БЕТАШВИШ» БОЛАЛИК ОНЛАРИ

Бир оилада, совет оиласида шундай воқеа содир бўлди. Ота ўз фарзандини: «Тартибсиз бўлиб кетяпсан, ойинг билан дадангнинг гапига қулоқ солмайсан. Биз сен учун нимаики керак бўлса, ҳаммасини қиляпмиз, сенинг гамингни еяпмиз...» — деб койий бошлади.

— Менга сизлар эмас, партия ва ҳукуматчимиз гамхўрлик қиляпти! — деб жавоб қайтарди бола.

Уша бола беш ёшда эди. Аммо у ҳар куни радио тинглар, телевизор кўрар, эшитган ва кўрганларининг ҳаммасини эсда сақлаб қолаверар эди. Шунинг учун ҳам унинг жавоби одамга эриш туюлди. Болага гўдаклигиданоқ Ватанга, партия ва ҳукуматга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат туйғуларини сингдира бориш кераг-у, бироқ у ўзини тарбиялаётган эгаси билан онаси эканини билиши лозим.

Агар ахборот воситалари моҳир мураббийлар қўлида бўлса эди, жуда катта фойдали ишларни амалга ошириш мумкин бўларди. Керагидан аввал «улғайиб кетиш» ҳам «нуқсон», аммо бунда боланинг айби йўқ. Чунки унга нотўғри тарбия берилган. Болани оддий, табиий ўйин-кулгидан, болалик романтикасидан маҳрум этиб, «ақлини ўстириш»га шошилишган.

Кунларнинг бирида мени «Никитинлар оиласининг бир куни» деб номланган ҳужжатли фильмни кўришга таклиф этишди. Экранда «мўъжиза» рўй бера бошлади: кичкина-кичкина болалар китоб ўқир, ҳисоб ечар, тур-

нигда машқ қилишар, ярим яланғоч ҳолда қишда кўчага чиқишарди.

Мен шу фильмни кўрганимдан сўнг, кейинчалик эса, эр-хотин Никитинлар тавсия этган оилادا бола тарбиялаш методи тўғрисида ўқиганимдан кейин ҳам ўзимга ўзим шундай савол бера бошладим: «Болаларга бунчалик зулм ўтказиш ўринлимикин? Бу — ҳайвонларни ўргатишга ўхшаб кетмайдими, бу — инсонга табиатдан ҳадя этилган бутун имкониятларни бирданига «сарф қилиш» эмасми? Боланинг қобилиятларини бунчалик бачканалик билан эксплуатация қилиш унга зиён етказмасмикин? Ҳатто янги автомобилани ҳам бирданига бор қуввати билан ишга солишмайдими-ку, аввалига аяб юрганишади...»

Хуллас, томошабинларга экран орқали худди бир кашфиётдек тавсия этилаётган нарсалар менда қатъий порозилик уйғотди: чунки болалар билан бунчалик қалтис тажриба ўтказиш яхшиликка олиб келмаслиги аниқ.

Шунда ҳам эҳтимол эр-хотин Никитинлар ҳақлидирлар? Улар ўйлаган педагогик фаразни текшириб кўромоқ учун балки кимнингдир болалигини қурбон қилишга тўғри келар?

Татьяна Снегиреванинг «Литературная газета»да эълон қилинган «Эҳтиёт бўлинг, болалик!» деган мақоласи кенг телетомошабинлар учун пинҳон бўлган бир сирни очиб берди. Шифокор ва педагог олимларнинг исботлашига кўра, боланинг бир ёқлама жисмоний камолоти унинг соғлигини мустаҳкамламас, меъридан ортиқ ва ҳаддан ташқари тигизлик билан билим олиш эса қобилиятининг ўсишига кўмаклаша олмас экан.

Мен бу гапларни эр-хотин Никитинлар билан бўлаётган баҳсда баҳо берувчи сифатида ёзаётганим йўқ. Мен бошқа нарса ҳақида ўйлаяпман: хўш, тарбияни шу тарзда тушунувчилар фақат Никитинларми? Балки айрим оилаларда Никитинлар усули қўл келар, ammo гап шундаки, ҳозир оила педагогикасида, оила тарбияси

фалсафаси соҳасида шубҳасиз силжиш сезиляпти, Никитинлар ўтказган эксперимент эса, менимча, ана шу силжишнинг чегарадан чиққан шакли, холос.

Хўш, бу силжиш нимадан иборат? Бу қачдай янгилик?

Кейинги пайтларда бола жуда ёшлигидаёқ ақли ўсиб кетганлигидан мақтаниш одат бўлиб қолди. Гўё ҳозирги авлод бутунлай бошқача эмиш: эндиги болаларни ўттизинчи, қирқинчи, эллингинчи йиллардаги болалар билан тенглаштириб бўлмасмиш. Бундан юз йил аввал яшаган болалар ҳақида-ю, гапириб ўтирмаса ҳам бўлар эмиш!..

Бу фикр ҳозирги кунимизда одамлар орасида анча кенг тарқалган бўлиб, буни турли-туман далиллар билан исботлашга ҳаракат қиладилар.

Масалан, болаларга атаб ёзилган бурунги китобларни ҳозирги китобларга солиштиришадилар: мана, мисол учун дейлик, «ҳашамдор қални муқовали» аллақандай «Олинканинг саргузаштлари»ни қўлга олишадилар-ю, сал бўлса ҳам муваффақиятлироқ чиққан бугунги китобга таққослашадилар.

Аслида таққослаш ноўрин! Уша «ҳашамдор қални муқовали» китобда қуйидаги воқеа баён этилган. Бир бойнинг эрка, тантиқ, аммо раҳмдил қизи ҳузурига қишлоқдан бир бечора қизчани олиб келишадилар. Унинг отаси ўлиб кетган, отаси — мужик Иван эса доим ичадилар, фариштадек беғуноҳ қизини дўшпослагани-дўшпослаган. Қишлоқ қизи Оля жуда уддабурон, энчил бўладилар. У отаси ва укасини соғинса ҳам бойнинг қизини овутиши учун у билан эртадан-кечгача қўғирчоқ ўйнайдилар. Бойнинг қизи пансионга борадиган вақт келади-ю, бу икки қизча ўртасидаги самимий дўстлик тугайдилар. Бечора Оля кўзларидан дув-дув ёш тўкиб, дугонасининг қўлларини ўпади, қилган яхшиликлари учун миннатдорчилик билдириб у билан хайрлашадилар. Бойнинг қизи пансионга кетади, Оля бўлса отаси, «ароқхўр мужик Иван» ҳузу-

рига йўл олади, чунки энди бойникида қиладиган иши йўқ, у ҳеч кимга керак эмас эди.

Очиғини айтганда, қишлоқ қизи «Оля овунчоқ»нинг кейинги қисмати муаллифни қизиқтирмайди ҳам, чунки «унинг бош вазифаси» — бой қизининг меҳрибонлигини кўрсатишдангина иборат эди.

Албатта, бу хилдаги «адабиёт» ҳозирги ёш китобхонларни мутлақо қониқтирмаган бўлур эди.

Эндиги китобхонни бунақа ҳикоялар билан алдаёлмайсиз. Ҳозир давр бошқа, болалар ҳам бошқача.

Ҳа, бизнинг болаларимиз телевизор кўришади, радио тинглашади, кинога киришади, хуллас, хабардор бўлмаган нарсалари кам.

Бу гапларнинг ҳаммаси тўғри. Болаларимизга берилаётган маълумотнинг ҳажми чиндан ҳам жуда катта. Аммо болаларимиз «космос», «ер йўлдоши», «ракета» деган сўзларни билади ёки автомобилларнинг қайси маркасини сўраманг — ўша заҳоти айтиб беради, дсб хотиржам бўлиб, шу хусусиятларни учунгина уларга ортиқча баҳо бериб юбораётган бўлмайлик яна? Бунақанги билафонлик билан ўйлаш ва ҳис қила олиш ўртасида ғоят катта фарқ бор. Билафонлик — бола маънавий дунёси ўсишининг илк поғонасидир. Бола кўп нарсаларни эшитган, қизиқувчанлиги ортган, холос. Тарбиячининг вазифаси боланинг эшитганларини тушунтириб беришдан, уларнинг ҳар томонлама мукамал билимли бўлишларига эришишдан иборат. Тарбиячи болага уни қуршаб турган оламни билишида кўмаклашиши, фикрлаш ва ҳис этишга ўргатиши лозим. Буларнинг ҳаммасини ўрганиш ўтмиш авлодларга қанчалар қийин бўлган бўлса, ҳозирги болаларга ҳам шунчалик қийин. Модомики ҳаёт кишилардан тобора кўпроқ куч-қувват, билим сарфлашни талаб қиладиган экан, демак, болалар тарбиясига диққат-эътиборни янада кучайтириш керак. Тарбиячиларнинг роли кун сайин ортиб бораётганининг боиси ҳам мана шунда. Ваҳоланки, айрим тарбиячилар

эса пошудларча хўрсиниб: ҳозир тарбиянинг кераги ҳам бўлмай қолди, эндиги болалар катталарга дарс беришадди, деб қўл силтайдилар.

Болалар кўп нарсаларни билганлари учун... улар энди бола бўлмай қолдилар, деб шошма-шошарлик билан хулоса чиқариш ярамайди. Бола ақли, бола қобилиятлари ўзига хос хусусиятларга эгадир. Аксари кишилардап, болалар билан суҳбатлашиб роса маза қилдим, деган гапни эшитиш мумкин. Аммо улар суҳбатдошлари ўзлари билан худди тажрибали одамлардек басма-бас туриб сўзлашганлари учун эмас, йўқ-йўқ, балки улғайиб келаётган инсон миёсида қанчадан-қанча битмас-туганмас имкониятлар яшириниб ётганидан ҳузур қилиб шундай дейдилар. Нарсаларнинг сабабиятини илғаб олиш, билимларни миққоллаб тўплаб бориш қобилияти инсонда энг гўдаклик пайтидаёқ кучли ривожланган бўлади. Мия билимга чанқоқ бўлади.

Фикрларни тезда илғаб олишдек ана шу қимматбаҳо иқтидорини ўтмаслаштириб қўймаслик айниқса муҳимдир.

Менимча, ҳар нарсадан бир шингилдан аралаш-қуралаш билагонлик болага фойдадан кўра кўпроқ зиён етказадди. Агар у бугун телевизор қўйиб, катталар учун берилаётган фильмин, эртасига эстрада концертини кўрса, ундан кейин оммабоп лекцияни эшитса, унда у бу турли-туман кўрсатувлардан на бирои нарсани тушуниб етади-ю, на бирон нарсани ҳис эта олади. Бола элбурутдан туйғуларга тўйиб қолади, лекин кўрганларини фаҳмлай олмайди, ҳеч қандай ҳаяжонга ҳам тушмайди ва натижада Госстрахнинг зақазии бўйича олинган реклама фильми қаторида «Уруш ва тишчлик»нинг чуқур фалсафий кадрларини ҳам бир хилда лоқайдлик билан кўраверади.

Болалик ёшида кенг билим билан чуқур ҳис-ҳаяжон ҳамма вақт ҳам чиқишиб кетавермайди. Аммо катталарга хос ғуруримиз ва болаларнинг маънавий дунёсига

этиборсизлигимиз оқибатида баъзан уларнинг мурғак ёшини авайламаймиз. Улар фан ва техника, маданият ривожланган XX асрнинг иккинчи ярмида туғилган бўлсалар ҳам, ҳали кўп нарсаларни билиб олишга мажбур бўлсалар ҳам лекин, шунга қарамай, улар барибир бола, шунинг учун уларни болалик қувончларидан маҳрум этмаслик керак, ахир уларни митти мўйсафидчаларга айлантиришнинг кимга кераги бор.

Ўз фарзандларини «улгайтириш» иштиёқи, уларни бола ҳисоблаб ва айни пайтда чинакам митти донишмандлардек бўлишларини нсташ, боланинг бийрон галларидан масал ва ҳикматли сўзлар ахтариш каби катталарнинг хоҳишлари болалар томонидан тезда пайқаб олинади ва бу ҳамма вақт ҳам уларга ижобий таъсир кўрсатавермайди.

Айрим ота-оналар ўз болаларининг бениҳоя ақлли, удабурон, қобилиятли эканликларидан фахрланиб юришади. Бу ҳақда улар доим ҳам очқичасига гапираверинмайди — кўпинча бола ёки қизчанинг ҳаётидан қандайдир бирор воқеани сўзлаб беришади, жажжи ўдакининг фавқулудда берган саволини келтириб ўтишади, аксарин ҳолларда бу савол катталар томонидан пардозланган бўлади ёки бўлмаса боланинг ўзини гапиртиришади... У, катталарнинг ўзидан нима кутаётганларини сезади ва шунинг учун ҳам иложи борича катталарга ёқишга ҳаракат қилади.

Хуллас, мен болада унинг ёшига хос бўлган олижаноб туйғуларни уйғотиш тарафдориман, ҳамма нарса ҳақида катталардек гапирадиган, аслида катталар дунёсндаги жуда кўп нарсаларни тушунмайдиган билагонларни тарбиялашга эса мутлақо қаршиман...

Болаларга нисбатан ниҳоятда одоб билан муносабатда бўлиш керак, уларнинг олднда ўз ташвишларнинг, майда-чуйда ишларнинг ҳақида гапирмаслик лозим, ваҳоланки кўпинча бунинг акси қилинади.

Байрам кечаси эди. Бир хонадонга уларнинг қариндош-уруғлари, ёр-дўстлари йиғилишган эди. Катталар стол атрофида ўтириб хурсандчилик қилишарди.

— Ниночка, илтимос, бизга шеърларингдан айтиб бер. Бугун сен боғчада қандай шеър ўргандинг? — дейишди болага.

Беш ёшли Ниночка шеър ўқир, қўшиқ айтар, унинг қўнғироқдай ширин овозини эшитиш ҳамма учун ҳам мароқли эди. Кейин у катталар даврасида қолиб, суҳбатга қўшилади. Унинг гаплари болаларча ўта содда бўлгани учун меҳмонларни кулдирад эди. Орадан икки-уч йил ўтгач эса, Ниночка катталар билан ўзини тенг туттишга, ойиси ва дадасининг дўстлари билан бемалол суҳбатлашишга бутунлай кўникиб кетади. Катталарнинг ўй-хаёли ва ташвишларини тушулмагани ҳолда уларга ўз маслаҳатларини бериб, фикрнинг айтишга шошилаворади.

Мен, катталар болаларни ҳар гал: «Бу сенинг ишинг эмас», деб қайтариб туришлари керак, демоқчи эмасман. Агар болаларни «катталарга хос» бемазрид туйгулардан эҳтиёт қилинса, гап у даражага бориб етмайди.

Бир куни мен тушлик қилиш учун кафега кирдим. Ёнимда онаси билан айна ўшанақа Ниночка ўтириб қолди. Қизалоқ ўн икки ёшларда эди. У инглиз тили ва музыка мактабларида ўқнётгани, Таганка театри спектаклларининг унга ёқиши, гарчи кейинги изланишлари Ниночкага бирмунча баҳсли туюлса-да, лекин драматург сифатида унга ҳаммадан ҳам кўра Розов маъқул тушиши ҳақида гапирарди.

Онаси қизининг бидирлаб гапиришини маҳллэ бўлиб тингларди. Менюни олиб келишганда уни қизига узатди, Ниночка эса, онасидан бемаслаҳат официанткага таомни ўзи буюрди.

— Ветчина бор дейсизми? Жуда ёғли бўлса керак-а? Пўқ, ойи, бу сизнинг жигарингизга тўғри келмайди.

— Ниночкамиз тиббий справочникларни ҳам ўқийди, — дея изоҳ берди онаси.

Мен жон-жаҳди билан катталарга ўхшашга уринаётган, адабиёт, сиёсат, театр ҳақида қаердадир ўзгалардан эшитган жумлаларни ёдаки айтиб бераётган қизчанинг асабий, ҳорғин юзига тикилиб қолдим... қизчага жуда раҳмим келди: чунки унинг болалиги ниҳоятда барвақт тугаган, унда болаларча жозоба, очиқ кўнгиллик йўқ эди. Ҳаётдаги мураккаб муаммолар ҳақида унда катталардагидек маънавий теранликнинг бўлиши ҳам мумкин эмас эди, айни пайтда унинг шахсий қарашлари ҳам йўқ эди. Фақат ўзининг жуда ақлли ва билагонлигини бошқаларга кўрсатиш иштиёқигина бор эди, холос.

Бунақанги ақллилик ва билагонлик ёш инсоннинг маънавий дунёсини чиндан ҳам бойитармикин? Эҳтимол, кўринишидан жўнгина бўлса ҳам, аммо чинакам болаликнинг ёрқин завқ-шавқлари ўсиб келаётган ниҳолга қайтага кўпроқ наф келтирар? Эҳтимол, ўйинлардан олинадиган сурур, эртақларга маҳлиё бўлиш, кучукча ва мушукчага меҳр қўйиш — шуларнинг ҳаммаси бола учун зарурдир?

Москва хиёбонларининг бирида шундай ҳодисага дуч келган эдим. Беш ёшлардаги бола чўп билан айлана чиза туриб, ўзи ўртасида қолди.

— Чизиқни босиб ўтманглар! Мен бу ерда якка ўзим ўйнайман, — деди у ўртоқларига қараб.

«Росаям шахсиятпараст экан-ку!» — деб ўйладим-да, унга яқинроқ бордим.

Кейин билсам, тарбиячи аёл ҳозиргина шу гўдақларга, денгиз сувларидан соҳилга чиқиб келадиган «ақлли мушуклар», «хушрўй паҳлавонлар» аслида бўлмаган, сизлар ўқиган ҳамма эртақлар тўқиб чиқарилган ва ёлгон гаплардан иборат, деб айтган экан.

Унда бедов минган баҳодирлар ҳам афсонами? Уй-қудаги гўзаллар-чи? Сеҳрли қовушлар-чи!..

— Сен алвастиларга ишонасанми? — деб сўради бола ўртоғидан умидвор бир оҳангда.

— Анна Адреевна алвастилар ҳам бўлмаган дедилар-ку!

Шундан кейин Витя атрофидагилардан ажралиб, эҳтимол, ўзини сеҳргар деб ҳисоблаган бўлиши ҳам мумкин. У, мўъжизалар тўғрисидаги болаларча хаёлини ўзича ҳимоя қилаётгандир. Ҳозир уни ҳеч қандай алвасти қўрқитолмас эди: чунки алвастилар, ёвуз сеҳргарлар бор жойда — яхши одамларни улардан қутқарувчи ботир паҳлавонлар ҳам бўлиши аниқ эди; ташландиқ ғорларда сирли милтиллаб турувчи гулханлар ҳам ўша ерда эди. Бу гулханлар ва ғорлардан нарида, яна ҳам афсонавий олис ерларда эса, саҳий паҳлавон бўлиш, от миниб, ёвуз сеҳргарлар билан куч синашиш орзуси яшар эди... Хуллас, саҳий ва мард бўлиш, ожизларни ҳимоя қилиш истаги яшар эди...

Алвастилар бўлмаган... Бу шафқатсизлик билан боланинг ихлосини қайтариш эмасми! Демак, ҳеч кимни ҳеч нарсадан қутқариш керак эмас экан-да. Ташландиқ ғорларда гулханлар ҳам ёнмас экан-да...

Ахир унга:

— Ўзингни бос, Витя, ҳали сен кўп марта ёмонлик билан олишишингга ва ўз эътиқодингни ҳимоя қилишингга тўғри келади!.. — деб айтолмаймиз-ку.

У ҳали буларни тушунмайди. Беш ёшли бола қаёқдан ҳам тушунади. Унга қолса, янги йил совғасини отаси ёки онаси эмас, балки қор ва муздан пўстин кийиб олган оппоқ соқолли Қорбобо ва узун сочли, мовий кўзли Қорқиз олиб келгани маъқул. У хаёл қилиши, ўзича нималарнидир ўйлаб топиши, орзу-истак билан яшаши керак...

У ўзига хос ўзгача бир оламда яшайди. Қизил кўйлакли, ҳаво ранг иштонли паҳмоқ айиқча унга ёқади, лекин сариқ кўйлакли ва ола-була иштонли айиқчани эса унча ёқтирмайди. Нимага шундай? Буни унинг ўзи ҳам

тушунтириб беролмайди. Шунчаки бу айқича яхши-ю, анавиниси эса ёмон, деб қўя қолади.

Агар биз унга шундай савол берсак-чи:

— Витя, сен сафсатабозлик театри ҳақида қандай фикрдасан?

— Буни санъатдаги илгор ҳодиса деб айтолмайман...

Шубҳасиз, Витяни шундай мазуларда ҳам фикр юртишга ўргатиш мумкин. Ишмага мумкин бўлмасин. Шунга ўргатилган Витялар ҳам учраб туради.

Албатта, бу ҳақда кўп гапирриш мумкин. Аммо болалардан катталардек гапирришни талаб қилишнинг қандай нафи бор? Бу саволга баъзи ота-оналар: «Фарзандларимизнинг келажаги учун фойдаси бор!» — деб жавоб беришади. Ажабланарлиси шундаки, болаларни яхши кўриган ҳолда, уларнинг буюк, ниҳоятда доно, қобилиятли кишилар бўлиб етишинини ўйлаган ҳолда, уларни болалик завқ-шавқидан, болалик бахтидан маҳрум этадилар.

Болаларнинг ўйинлари, шўхликлари, хаёллари, қизиқишлари, гап-сўзлари... Булар болаларнинг маънавий дунёсини бойитадиган омиллардир. Агарда катталар бу ўзига хос болалар дунёсини тушуниб, уни тўғри баҳолай олсалар, болаларнинг келажаги учун катта иш қилган бўлур эдилар.

Одамларга, жониворларга, табиатга бўлган меҳр-муҳаббат, дўстлик ва ўртоқликнинг илк туйғулари, яхшиликка нисбатан уйғонган дастлабки миснагдорчилик ҳисси, ҳар нарсага чапқоқлик билан қизиқиб қараш — шулар бари боланинг маънавий дунёсини бойитиши, унинг хаёли ва тасаввурини кенгайтириши лозим.

Биз, катталар: «Болалик беташвишдир. Болалик ҳаётдаги энг бахтиёр дамдир. Болалик инсон умрининг ёрқин, баҳорий тонгидир», деган гапларни қайта-қайта гапирришни яхши кўрамиз.

Аслида шундайми? Болалик чиндан ҳам беташвишми?

Тасаввур қилинг, ҳозир сиз уйда ҳам эмассиз, қўлинг

ғизда китоб ушлаганча метро вағонида ҳам кетмаяпсиз, аллақандай бир номаълум куч сизни қандайдир махжум сайёрага олиб бориб ташлади, масалан, Марсга бориб қолдингиз, деб фараз қнлайлик. У ерда атрофингизга разм солиб, жонсиз кенгликларни эмас, балки қайшоқ ҳаётни кўрдингиз. Энди ўша шаронгга мослашиш керак. Биринчидан, у ердаги нарсаларнинг номини билиш олиш зарур. Бунинг учун эса марсликларнинг тилни тушуниш керак.

Кейин ўзингизни қандай тутишни, муомалани ўрганишингиз лозим.

Умуман, ўрганиш керак бўлган нарсалар сира тугамайдигандек туюлаверади.

Марсликларга хос жуда кўп тирикчилик ўтказиш қондаларини ҳам ўзлаштиришга тўғри келади, акс ҳолда Марсга қилган саёҳатингиз қандай тугаши ҳам номаълум.

Ҳар бир киши энг бахтиёр ва беташвиш болалик йилларида тахминан қуйидаги қобилиятларни эгаллаб олган бўлиши лозим. Уйнаб ва шўхлик қила туриб, у: нима яхши ва нима ёмонлигини, нарсалар дунёсини, ҳайвонот дунёсини, одамлар дунёсини англаб боради. Бунинг устига дунёни билиш—шунчаки юзаки бир кузатув эмас: кеча у ёмғирнинг нималигини билмас эди, бугун эса у эрталаб уни кўрди-ю, айни пайтда дунёда тарновлар сўлишини, чумчуқлар совуқда ҳурпайиб, юм-юмалоқ бўлиб олишини ҳам билиб олди. Бу эрталабки кашфиётлар эди, тушга бориб эса, у, мушукчани қўрқитиб юборса, юнглари ҳурпайиб, кўзлари яшил рангда чақнаб кетишини ҳам биринчи бор кўрди.

Болалик кашфиётларнинг моҳияти фақат шулардангина иборатми?

Иўқ.

Улар анчагина мураккабдир. Бунинг эслаш эса ҳамма-нинг ҳам қўлидан келавермайди.

Ҳар бир киши болалигида ўзича бахтиёр ва ақлли

бўлади. Ҳар ким ўзича, албатта. Лекин у барчадан аж-  
ралиб, танҳо ўзи қолмаслиги, кимлиги билинмай, муж-  
маллигича ўтиб кетмаслиги керак. Бу ерда гап фақат  
уни вақтида овқатлантириш, кийинтириш ва сайрга олиб  
чиқиш устида бораётгани йўқ. Болага ҳамма вақт яхши  
муносабатда бўлиш, уни севиб, унга диққат-эътибор би-  
лан қараш зарур.

Дарҳақиқат, болаларнинг ўйинларига, чизган расм-  
ларига астойдил разм солинг, гапларини тинглаг —  
шунда сиз уларнинг оламни нақадар ёрқин, ақлга сиғ-  
мас даражада мўъжизакор бир тарзда кўра билишля-  
рини пайқайсиз. Улар ўзларининг сезгирликлари туфай-  
ли, ҳатто, қўрқинчли эртақлардан ҳам қандайдир қизиқ  
жойларини илиб оладилар, кундалик воқеаларнинг эса  
катталар сезмай қоладиган муҳим жиҳатларини кўра  
билидилар.

Мана шу мусаффо туйғулари учун ҳам кишилар бо-  
лаликни севадилар ва уни бутун умр мамнуният билан  
хотирлаб юрадилар. Беташвиш бўлгани учун эмас, му-  
саффо туйғулари учун севадилар уни.

Шу боисдан катталар болаларни қувончдан маҳрум  
этмасликлари, уларнинг янгиликка бой бўлган ва доимо  
ўзгариб турувчи ҳаётдан олган таассуротларини, ҳис-ҳая-  
жонга тўла ҳайратли туйғуларини топтамасликлари ке-  
рак.

Ҳар биримиз ҳам болаликда кунларнинг узоқлиги,  
ҳар бир куннинг воқеаларга бой ўтгани, тушда эсонда  
учиб юриш нақадар ёқимлилиги, оддийгина ўйнинг шиф-  
ти ҳам нақадар баланд, ҳовли олдидаги боғ жуда катта,  
ҳу наридаги ўтлоқзор эса, қанчалар сирли туюлганини  
эслашни истаймиз.

Лекин қуёшдан тараладиган чинакам нур-ёғдуни  
ҳаммамиз ҳам яхши хотирлай оламизми? Янги ўйинчоқ,  
янги китобчаларнинг ёқимли ҳидини қай биримиз аниқ  
эслаймиз? Оддий ҳодисалар ҳам қанчалар тантанавор  
ва муҳим бўлиб туюлгани ва қачонлардир юз берган

олис воқеалар худди кечагидек хотирага маҳкам ўрна-  
шиб қолганини-чи?

Ҳамма ёқдан мойчечак гулининг ўткир иси келадиган  
оппоқ, тебраниб турувчи далалар-чи? Шунда тўсатдан  
узоқда кўришган она... Унинг овози... Ҳар томонга гўё  
узун-узун олгин ранг чизиқчаларсимон қувноқ нур та-  
ратаётган саҳий қуёш-чи?

Уларни катталар сира кўрмайдилар, болалар эса кў-  
радилар.

Ҳатто расмини ҳам чизадилар.

Болалар чизган расмининг бўёғи жуда тиниқ бўлиши  
ҳам бежиз эмас. Болалик пайтида яхшилик билан ёмон-  
лик ҳам мана шундай аниқ кўринадди. Болаликда ё севи-  
шади, ёки нафратланишади, болалар хатти-ҳаракатлари-  
нинг ўрта миёнаси ҳам бўлмай, фақат ё яхши, ёки ёмон  
бўлиши мумкин.

Уларда тажриба, билим ҳали етарли эмас-у, аммо  
чиройли ва хунукни, самимият ва сохталикни ҳис этиш  
туйғуси эса ниҳоятда ўткир бўлади.

Теварак-оламни мана шундай тийраклик билан ҳис  
эган одамлар туфайлигина биз музика эшгиб, яхши  
китобларни ўқиб, чинакам тавсирий санъат асарларини  
кўриб чексиз ҳузур-ҳаловат оламиз. Улар оҳанглар, сўз-  
лар, ранглар воситасида дунёнинг нафосати-ю, унинг до-  
нишмандлигини бизга яққол кўрсатиб берадилар, чунки  
истеъдоднинг ўзи аслида болалик таъсирчанлигидан, ол-  
дий нарседан гўзаллик топа билиш хислатидан бошла-  
нади, бу хислат эса ҳаётини тажриба ва маънавий эгук-  
лик туфайли бойиб боради.

Бироқ баъзан катталарнинг тушунмаслиги уларни  
болалар ҳаётидан анча узоқлаштириб қўяди.

— Дада-чи, дада, бувимникидан келаётсам, — дейди  
ҳаяжондан энтикиб беш ёшли болакай, — олдимдан бит-  
та аниқ чиқиб қолди, мана бу милтиғим билан уни отиб  
ташладим...

Отаси бўлса:

— Ёлгон гапирма, — деб унинг ҳаяжонли хиеоясиъи чўрт кесади.

Аслида боланинг гапи ёлгонмиди? Агар ота ўғилчасига салгина диққат қилиб қараганда эди, унинг ёлгон гапирмаётганини тушунарди. Ҳа, бувисиникидан келаётганда айиққа учраб қолади-ю, чаққонлик билан елкасидаги милтигини олиб, бир ўқ узишдаёқ айиқни ўлдиради. У ботир ва моҳир мерган эди, у қаҳрамон эди, бола бу воқеа ростдан бўлганини билар ва ҳозир шуни дадаси гапириб бермоқчи эди. Дадаси бўлса уни тушунмади, ишонмади. Бу эса болага ниҳоятда оғир ботди, чунки бола учун ўйин-ўйин-у, лекин у айни пайтда ҳаётнинг ўзи ҳамдир.

К. С. Станиславский Бадний театр артистларига: «Сизлар санъатда болаларнинг ўйишидаги ҳақиқат ва ихлос даражасига етиб борганларнингиздагина буюк артист бўлиб етишишингиз мумкин», деган экан.

Болаларнинг ўйинидан оқилона элемент ахтарувчи кишиларга далда бериб шуни айтишим мумкинки, уларнинг ўйишида ўша элемент бор. Агар болакайлар дарё соҳилидаги гулхан атрофида ўтириб, қачонлардир океанларнинг зангори тўлқинларида сузишни орзу қилсалар, аввалига улар мана шу дарёчадан сузиб ўтишни ўрганидилар, албатта. Дарёчанинг муздек тез оқар сувига тушганларида (бу ҳам кучли ирода талаб қилади), улар ўзларини жасур денгизчилардек тасаввур этадилар.

Болалар шу зайлда қаҳрамонона ишларни орзу қилиб, атрофдаги ўрмонларни кезиб, чайлалар қуриб, хаёлдаги жосусларнинг пиздан тушиб, аста-секин улгайиб борадилар.

Қароқчи-казаклар, меҳмон-меҳмон, изқувар-разведкачилар ўйинлари азалдан маълум. Бу ўйинларда қанчалик-қанча бола характерлари пардоздан ўтган!

Разведкачи ўйинини ўйнаб туриб, асирга тушган ва сирини душманга айтиб берган болани шахсан мен уч-

ратмаганман, ваҳоланки, ўйиннинг ҳам ҳаёт каби ўзига хос қоиуплари бор.

Агар деразадан қараб, ҳужра тоmidан қум уюми устига сакраб тушаётган болакайларни кўрсангиз, Билингни, улар юлдузлараро кеманнинг эшигини дадиллик билан очиб, ўзларини таг-тубсиз юлдузли зулматга отаётган бўладилар. Бунақанги хаёл пайтида томдан сакраётган дақиқанинг ўзи ҳам боладан кучли ирода талаб қилади.

«Ишончли» бўлиши учун стулни тўнкариб миниб, хонадан хонага ўтиб, ўзини қўшни сайёрага чиққандек ҳис этган боланинг шодлигини бир ўйлаб кўринг, менимча, коинотнинг муз зулмати узра бошқа сайёрага ўтган катта ёшлик киши ҳам бу даражада завқлана олмас керак.

Шунда зарда билан:

— Бу ерда нима бўляпти! Уйми, нима ўзи бу! — деб боланинг орзу-ўйларини поймол этиш ҳар қалай жипоят билан тенг бўлса керак.

Болалар қалбининг билимдони, ёзувчи ва педагог А. Макаренко шундай деб таъкидлаган эди: «Болалар қизиқмайдиган бирор-бир мавзунини топиши амримаҳолдир». Демак, гап болаларга қандай мавзунини тавсия этишда эмас — бу борада таъқиқланган мавзу йўқ — балки ўша мавзуларни қай тарзда баён қила билишдадир. Болалар тушунадиган, аниқ услубда улар билан ҳаётнинг барча кўринишлари: яхшилик ва ёмонлик, сохталик ва ҳақиқат, виждон ва виждонсизлик, ботирлик ва қўрқоқлик тўғрисида гаплашиш мумкин. Болаларга ҳаётбахш витаминларга бой бўлган маънавий озиқ керак, уларга гоёвий юксак санъат керак — бу санъат уларда юксак эстетик туйғуларни уйғотиши, юксак идеалларни амалга ошириш йўлида кураш эҳтиёжини туғдириши лозим.

*Агар сиз болаларнинг ийҳликларига йўл бермасангиз, унда ҳеч қачон донишмандларга ҳам эга бўлмайсиз.*

*Ж. Ж. Руссо*



## ШУЛАР — МАЙДА-ЧУЙДАЛАРМИ?

Шундай кишилар борки, уларни таърифлаганда: «Сўзининг устидан чиқадиган эдам!» — дейишади. Демак, бундай кишига ишонса бўлади — унга қайта эслатиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, бир айтдими бўлди, ваъдасини бажаради.

Сиз дўстингизга қўнғироқ қилишга сўз бердингиз-у, аммо унутдингиз. Биров билан учрашувга ёки бирор йиғинга кечикиб келдингиз ёки бетоблигингизни, ё бошқа бирор сабабни важ қилиб мутлақо келмадингиз. Сиздан йўл-йўлакай хатни почта қутисига ташлаб кетишни илтимос қилишди-ю, сиз бўлсангиз уни бир ҳафта чўнтагингизда олиб юрдингиз.

Биз кўпинча бир-биримизга мана шундай майда-чуйда «хиёнатлар»ни қилаверамиз-у, аммо бунга эътибор бермай, яна бир-биримизни кечириб юраверамиз. Инсоний муносабатлардаги бунақанги совуққонлик баъзи бировлар учун одат тусига кириб қолган.

Баъзилар: «Кишилар ўртасидаги муносабатлар шу сингари майда-чуйдаларгагина асосланмайди-ку!» — дейиши мумкин. Улар хато қиладилар. Ўзини қўлга ола билган, ҳар бир ишни ўйлаб қиладиган одамнинг турмуши нақадар осон кечишини улар тушунишмайди.

Хўш, қандай қилиб ўшандай одам бўлиш мумкин?

Бу масалада тайёр йўл-йўриқ кўрсатиш қийин, лекин кўп нарса одамнинг ўзига, унинг ўзини-ўзи тарбиялай олишига боғлиқ.

Болани гўдаклик чоғиданоқ фақат кўнгли

тусаган ишинигина эмас, балки бошқа қилиниши керак бўлган ишларни ҳам бажаришга ўргатиш лозим. Худди шу бугун, ҳозир қилиниши мумкин бўлган юмуш-ни эртага қолдириш ярамайди.

Масалан, сиз саёҳатга отланяпсиз, дейлик. Ҳамма парсаларингизни жойлаб қўйдингиз, бироқ энди ўринга ётганингизда тиш чўткани олмаганингиз эсингизга тушди. Лекин иссиққина кўрпадан чиққингиз келмайди. Ўрингиздан туриб, қопчиқни қайтадан очиб, чўткани солишга эринасиз, албатта. Буни эрталаб қилса ҳам бўлади. Аммо сиз бу ишни эртага қолдириб ўтирмай, ўша заҳотиёқ бажарсангиз, ялқов хоҳишингиз устидан ғалаба қозонган бўласиз!

Кутубхонага вақтида топширилган китоб, кечиктирмай жавоб ёзилган мактуб, пухта адо этилган топшириқ, ваъдага вафо — булар ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз виждони ҳамда бошқалар олдидаги масъулиятни сезишдан иборат бўлган ягона занжирнинг ҳалқаларидир.

Шуларнинг ҳаммаси болаликдан бошланади...

Мен «Фитиль» киножурналнинг муҳаррири сифатида қанчадан-қанча ота-оналар билан учрашганман, улар кексайган, фарзандларининг ғамхўрлигига муҳтож бўлган пайтларида болалари уларни ташлаб кетганини айтиб, зор-зор йиғлашади.

— Илгари бир кўрганингизда эди, қандай ширин болалигини. Ундан умидимиз катта эди, нима топсак, шунга бўла қолсин, дер эдик...

Илгари ширин бола эди. Энди бўлса редакцияга келиб, тошмеҳр фарзандни кинофильстонга тушириб, кўзини очиб қўйишни сўрашапти.

Хўш, шу пайтгача, яъни ота билан она редакцияга келгунга қадар нима бўлган эди?

— Е, палапонгинам, ея қол, — деган эди она ўғилчасига қошиқчада каша бера туриб. — Манави Тўрткўз ҳам каша сўраяпти, биз Тўрткўзга бермаймиз! Қолявойнинг ўзи ейди.

Она кучукни ҳайдайди, Колявой бўлса думини қисганча қочиб қолган Тўрткўзни кўриб завқланади. Кейин қошиқдаги кашани оғзига олиб, тамшана-тамшана ютади. Шу тариқа аста-секин унинг онгида ўзингга тегишли нарсани ҳеч кимга бермаслик керак, деган фикр маҳкам ўрнаша боради. Бу одатни онасига ёққани сари, у тўғри қилаётган эканман, деб ўйлайди.

Онаси бўлса яна:

— Мана, бувиси ҳам каша сўрапти, биз унга ҳам бермаймиз. Кетинг, кетинг, бувиси. Колявойнинг ўзи ейди! — дейди.

Ҳазил қилиб кампирни ҳам ҳайдаб чиқарган бўлишди, аммо болада яна бир фикр пайдо бўлади. Демек, бувимни ҳам сийлаб ўтиришим шарт эмас экан, деб ўйлайди у.

Ёқимтойгина бир бола кўчанинг ўртасида оёқ тираганча овозининг борица чинқириб, онасига: «Кўтари-ининг», деб хархаша қилади.

Онаси чарчаган, қўлида зилдай сумка, аммо болани асфальтга ағанаганча, ифлос бўлиб кетган қўлини юзига ишқалаб, «кўтари-и-ининг» деб жазавасти тутавергандан кейин она ноилож болани кўтариб олади.

Бола ўша заҳотиёқ йнғидан тўхтади, кўз ёшини артиб, ярашганини билдирмоқчи бўлгандай миқти қўллари билан онасининг юзига секингина шапатилаб қўяди-да: «Ёмон ойинсиз...», деб эркаланади.

Она ўғлини кўтаришга қийналса ҳам қулоғи тинчиганидан, боласи овунганидан хурсанд. Агар ҳозир Сиров унга ҳатто ҳазиллашиб ҳам онага «ёмонсиз» дейиш ва айниқса, юзига шапатилаш ярамайди, нега болангизнинг бундай қилишига йўл қўяяпсиз, деса, балки ҳайратга тушар.

Одам ўз ҳаётининг дастлабки кунлариданоқ онасини ҳурмат қилишни билмас экан, у ҳолда бутун умр ўзига бино қўйган шахсиятпарастга айланади. У хоҳлаганини қилиши, унга ҳамма тобе бўлиши, кўнглига қараши ке-

рак бўлиб қолади. Бундай одамдан фақат ота-онагина эмас, балки таниш-билишлар ҳам озор чекадилар. То у ўз хатосини тушуниб етгунича кўп азоб-уқубатларни бошидан кечиришига тўғри келади.

Болалик — онага муҳаббатдан бошланади. Бу энг муқаддас туйғудир. Агар қалбингда шу туйғу йўқ экан, демак, улгайган пайтингда ҳам сенда на дўстингга ва на Ватанингга нисбатан муҳаббат бўлади. Ўз тинчинг, ўз манфаатингдан бошқа ҳеч нарса сени қизиқтирмайди.

Мен шахсиятпараст ўғил-қизлари томонидан хор қилинган ва охири бориб аттанг деб қолган ота-оналарнинг ҳаммаси ҳам, юқорида эслатиб ўтилганидек, вақтида тарбияга эътибор бермаганликлари учунгина шундай аҳволга тушганлар, деган бир ёқлама фикрдан йироқман. Лекин, эҳтимол, ҳозирги дилсиёҳликларнинг бари айни ўша арзимас бўлиб кўринган майда-чуйдалардан бошлангандир. Беозор жонворни тепиш, қари кампирни «ҳайдаб юбориш», онанинг юзига шапатилаш... мумкин экан-ку, «Бу ерда мен хўжайинман, ҳамма яхши нарсалар менга бўлиши керак», «Куракчам билан қумдан тешик кулча ясайдиган қолипчамни опамга бериб бўлман», «Ҳовлида ўйнаб ўтирган пайтнда агар бобом чақириб, уйга кир деса, аяб ўтирмай бир мушт тушираман», «Уч гилдиракли яп-янги велосипедимни ҳеч кимга бермайман, битта ўзим минаман», «Ойимни мажбур қиламан, менга ҳам ўртоғимникидақа костюм олиб берсин. Ойим пулим йўқ, дейиши мумкин, пули йўқлиги билан нима ишим бор, ўшанақа костюм хоҳладимми — вассалом, гап битта».

Яна орадан бир неча йил ўтади. Бу пайтда она давлатдан олинадиган нафақа эвазига яшай бошлайди, турмуши ночоргина: аммо шунда ҳам болада онага кўмаклашишга имкон топилмайди, негаки бир хоналик квартирасига гарнитур олиши керак.

Бунақанги воқеаларни биз фельетонлардагига қараганда ҳаётда кўпроқ учратамиз.

Тарбиячиларнинг совуққонлиги оқибатида иш охири фелъетонга бориб тақалишини ҳам ҳамма вақт киши илғаб олавермайди. Лекин, агар гапнинг пўст калласини айтадиган бўлсак, ўз фарзандларининг худбинлиги орқасида хор-зор бўлиб юрган ота-оналарга ачинамиз-у, аммо асли бу нохушлик қаердан бошланганини эса кўпинча ўйламаймиз. Инсон боласини бу қадар бемаъни қиёфага солган биринчи ёмон қадам қаердан бошланган эди ўзи? Ахир, ўша биринчи қадам мантиқий равишда кейингисини тайёрлаб беради-ку. Бу жиҳатдан олиб қараганда ҳам ҳамма нарса — инсоннинг интилишлари, характери, дунёқараши, қисмати, хуллас, бутун борлиги болаликдан бошланади. Мен, бола ҳузурида эҳтиёгсизлик билан айтилган ҳар бир сўз, албатта, даҳшатли оқибатларга олиб келади, демоқчи эмасман. Бола ҳали ўз ҳаётида жуда кўп нарсаларни кўради ва эҳтимол, у отонасига нисбатан ақллироқ ва яхшироқ одам бўлиб стишиши ҳам мумкин. Лекин мулойимлик ва хушфелълик, қўполлик ва тарбия кўрмаганлик аксари ҳолларда болалик таассуротлари билан боғлиқ.

Болани савалаш, гарданига уриш ёки тарсаки тушириш унинг нимада ҳақ-у, нимада ноҳақлигини хотиржам туриб, чидам билан унга тушунтиришга қараганда осон, албатта. Чунки бунақанги суҳбатга анча-мунча вақт ва энг муҳими, маънавий куч сарф этилади.

Бола тарбиясини қайси ёшдан бошлаш керак? Туғилиши биланоқ бошлаш зарур!

...Валерий Нева проспектида яшар эди, унга ажратилган хонанинг деразаси Қозон соборига қарагани синфдоши Наташага жуда ёқарди. Деразадан қараб, ниҳоятда гўзал манзарани кўриш мумкин эди.

Валерийлар яқингинада шу уч хоналик алоҳида кваттирага кўчиб ўтишган эди. У уйига дўстларини чақириб, ўзи суратга олган митти фильмларини кўрсатди.

— Мактабни битиришимга дадам менга машина олиб

бермоқчи, — деди бир кун Валерий Наташага. — Пулимиз бор. Мен ҳам унча-мунча жамғарганман.

Наташа аввалига Валерийнинг ишламаса ҳам пул йиғишига унчалик аҳамият бермади.

Валерий Наташага ёқар эди. У Валерииларникига борганини, у билан суҳбатлашишни яхши кўрар эди. Улар ёз мавсумини бирга ўтказишни орзу қилишарди. Валерийнинг баъзи бир ғалати одатлари эса, Наташанинг назаридан четда қолаверарди.

Масалан, дўстининг квартирасида аллақандай симлар тортиб ташланган, дарвоқе, ўша симлар кўздан холи бўлгани учун ҳам дарров сезиш қийин эди.

Хўш, нима бўпти, эҳтимол, бу симлар киноаппаратникидир? Еки пилмий тажрибалар учун қўйилгандир?

Тўғри, Наташаларнинг уйда бунақанги нарсалар: киноаппарат ҳам, электр симлари ҳам йўқ эди.

Кунларнинг бирида Наташа:

— Уйингиздаги бу симлар нима ўзи? — деб сўраб қолди.

— Ўғринларни тутадиган сим. Агар бегона эдам кириб, бирон симга тегиб кетса бас, қўнғироқчалар жинглаб кетади.

— Сизларникига ҳали ўғри ҳам тушадими?

Шу билан суҳбат узилди-да, бу ҳақда бошқа гап очилмади.

— Сен театрни яхши кўрасанми? — деб сўради бир кун Валерий.

Маълум бўлишича, Наташа яхши кўрар экан-у, лекин онасининг ортиқча пули йўқлиги учун ҳадеб боравермас экан.

— Ҳечқиси йўқ, ҳиссасини чиқариб оласан, — дея юпатди Валерий уни. — Театр ҳам, шунга ўхшаш томошалар ҳам қочиб кетмайди, масалан, мен ҳам театрга бормайман. Ёмон кунимга яраб қолар, деб пул йиғаман.

Наташа эса ёмон кун ҳақида ўйлашни хоҳламасди. У деразалари Қозон соборига қараган, симлар тортил-

ган ўша чиройли квартирага келмайдиган бўлди. Муҳаббати ҳам худди елга учгандай йўқолди-қўйди.

Хўш, Наташа ҳақлими? Ахир, муҳаббатни авайлаш керак, дейишади-ку. Дарҳақиқат, уни авайлашади, баъзан жон-жаҳдлари билан, бутун имкониятларни ишга солиб авайлашади — телефон қўнгироқларидан фойдаланишади, ёшлар газетасига: «Энди нима қилай? Мен уни севаман-у, у бўлса севмайди», қабилида хатлар ёзишади. Мактабларда севги ҳақида мунозаралар ўтказишади, ўз синфдошлари ҳаётидан аниқ мисоллар келтиришади. Бу ерда эса, «Севги нима?» деган мавзуда баҳс ҳам уюштирилмади, ота-оналарни ҳам овора қилишмади, «шахсий» ишни ҳам кўришмади. Бунақанги нарсалар мутлақо бўлмади-ю, ammo эндигина ниш отиб келадиган севги, дўстлик туйғулари... омонат дафтарчаси туфайли барбод бўлди.

Эҳтимол, Наташа ноҳақдир? Балки, Валерий билан очқиқчасига гаплашганда яхши бўлар эдими? Эҳтимол, ўшанда Валерий тушунармиди? Лекин ҳозирча гап бошқа ёқда.

Ҳаммаси нимадан бошланган эди ўзи? Арзномага нарсаларданми? Майда-чуйдаларданми?

Валерийлар оиласи аввал яшаган катта коммунал уйнинг ошхонасига еттига стол қўйилган эди. Ҳар бир столнинг ўз бекаси бўлиб, ҳар бир столнинг тепасида алоҳида чироғи бор эди. Хўш, сабаб? Ҳар бир беканинг алоҳида сўётчиги бўлиб, ҳар бири «ўзи учун» тўлар эди. Ваннахонага ҳам, йўлакка ҳам ва квартиранинг ҳамма фойдаланиладиган бошқа жойларига ҳам еттигадан чироқ ўрнатилган эди. Бу алоҳидаликнинг ташаббускори Валерийнинг онаси эди, режани эса Валерий билан отаси амалга оширишганди, чунки улар техниканинг тилини яхши билишар эди. Валерий ҳамма нарсадан наф чиқаришни ёшлигиданоқ сув қилиб ичиб юборган эди; ҳатто у ота-онасининг дини ва одатларидан ҳам фойда ундириб олиш даражасига бориб етган эди.

Отаси чекар эди. Валерий эса доимо ёнида сигарет олиб юрарди. Отасининг чекиши тугаб қолса, Валерий сигаретни унга доналаб, нархини ошириб сотарди. Ииққан пулини қутичага солиб, қулфлаб қўяр эди.

— Болаиғизни зиқна қилиб ўстиряпсиз,— деганди бир кун қўшни хотин. — Улғайсин, зор-зор йиғлайсизлар ҳали.

Валерийнинг онаси бу гапдан ранжиб:

— Уддабурон йигит бўлади,— деган эди.

Коммунал квартирадан кетишди. Валерий ўзига омонат кассада счёт очиб, «қуён» бўлиб юриб тежаган йўлкара пулларини қўя бошлади. Бу — давлатдан юлиб қолинган майда ўғирлик эканини эса у хаёлига ҳам келтирмасди. У шундай ҳисоб-китоб юритар эди: у ёққа тўрт тийин, бу ёққа тўрт тийин, қўшганда саккиз тийинч. Бир ойда эса икки сўм-у, қирқ тийин. Театрга бормаса (отаси театр учун ҳам пул бериб турарди), ҳаммаси бўлиб... Театр томошаси қочиб кетмайди-ку.

Тез орада «маънавий чанқоқмиз» деган сўзлар Валерий учун қуруқ бир сафсатага айланди. Болалар китобларни, спектаклларни муҳокама этишар, баҳслашишар, ҳаяжонга тушишар эди. Улар ўйлаш, ҳис қилиш, гапиришни ўрганишарди. Улар улғайиб бормоқда эдилар. Валерий эса, такаббуруна кулганча, чўнтагидаги омонат дафтарчасини астагина силаб қўяр эди.

Шундай қилиб, у билан Наташа орасидаги воқеа юз берди, Наташа ҳатто ўз муҳаббати учун курашмади ҳам. У аслида тўғри қилди.

Ваҳоланки, буларнинг ҳаммаси бир қарашда майда-чуйда, арзимас бўлиб кўринган нарсалардан бошланган эди...

*Иззат-ҳурмат — ота ва онани, шу қаторда болаларни ҳам қўриқлаб турувчи посбондир; ота-онани у кулфат ва ғамдан, болаларни эса — виждон азобидан қутқаради.*

**О. Бальзак**

*Биз ҳамиша қарздорлигимизча қоладиган мунис бир зот борки — у онадир.*

*Н. Островский*

*Емон тарбия кўрган одамнинг жасурлиги қўполликка ўхшайди; донишлиги ўтакетган расмиятчиликка, гапга чечанлиги — майнабозчиликка, оддийлиги — дағалликка, кўнгилчанлиги — тилёғламаликка айланиб кетади.*

*Ж. Локк*

*Аждодларга ҳурматсизлик ахлоқсизликнинг биринчи белгисидир.*

*А. Пушкин*



## ХУШМУОМАЛАЛИК МУҲИТИ

«Инсон — хатти-ҳаракатлар йиғиндисида нибора», деб ёзган эди Гегель. Дарҳақиқат, инсоннинг бутун хатти-ҳаракати аҳамиятсиз ва тасодифий эмас. Бир одам ишга шошади, ҳаммани туртиб-суртиб, автобус эшигига биричи бўлиб ўзини уради. Бошқаси эса, мана шу қисқагина йўлни ҳам одатдагидек хушмуомалалик билан босиб ўтади. Аслида бу фақат ишга олиб борадиган йўл бўлибгина қолмай, балки умр йўлининг ўн беш минути ҳамдир.

Баъзан шундай бўлади, хонага нотаниш одам кириб келади. Одатдагидек хушмуомалалик билан саломлашади, ҳол-аҳвол сўрайди. У чиқиб кетади-ю, кишида аллақандай ёқимли таассурот қолади.

«Хушфъел одам экан», дейишади у ҳақда. Хушфъеллигининг сири эса кўпчилик орасида ўзини тута билишида, ўзини идора қила олиши, кайфияти ёмонлигини билдирмаслигида, холос. Демак, у бошқаларга ҳурмат билан қарайди, хушмуомала. Менимча, хушфъелликни кенг маънода тушуниш керак: бу фақат одамлар билан яхши муносабатда бўлишгина эмас, балки жониворларга нисбатан ҳам раҳм-шафқатли бўлишдан иборатдир. Чунки хушфъелликнинг дастлабки қонунаридан бири — кучсизни ҳимоя қилишдир.

Ҳеч бир парса «шунчалик», тасодифан қилинмайди. Хотиржам, босиқ оҳангда гапирадиган одамни эҳтироссиз деб ҳисоблаш ярамайди. Аслида, у ихши тарбия кўрган одам, холос. Тарбия кўрган киши ҳеч қачон бақир-

майди, одамларга, айниқса, ўзидан мавқен пастроқ бўлганларга қўполлик қилмайди. Қўполлик суҳбатдоши олдида ўзининг обрўсини тўкишини тушунади.

Китобхонларим билан бўлган бир учрашувда шу ҳақда гапирган эдим, кимдир қуйидаги мазмунда хат узатди:

«Хушмуомалалик, хушмуомалалик дейсизлар. Одамга қараб аксирма, полга туфлама, қашинма ва ҳоказо шунга ўхшаш қоидаларга амал қилсанг — қарабсанки, тарбияли одамсан, бор гап шу, шунга энди фалсафа сўқиб ўтиришга нима ҳожат бор?»

Хат муаллифи мунозарага қизиқиб кетиб, ўзи ҳам билмаган ҳолда «хушмуомалалик»ни фалсафа деб атабди. Одамнинг муомаласи — чиндан ҳам ахлоқ-одоб фалсафасидир. Дарвоқе, ахлоқ-одоб тўғрисидаги энг қадимий ва энг янги китоблар ҳам кутубхоналарда айни шу фалсафа, этика бўлимида туради.

Хушмуомалаликнинг ўз қонунлари бор, уларни ҳар гал янгидан кашф этиб ўтирмасдан, аввал-бошданок билиб олган маъқул. Ахир ҳар бир авлод янги алифбени, рақамларни ўйлаб топмайди-ку, табиат қонунларини бошқатдан очмайди-ку. Шундай экан, ҳамма учун зарур бўлган кундалик инсоний муносабатлар илмини ҳам ўргата бориш фойдадан холи эмас.

Масалан, кексагина бир аёл вагонга кириб келди, лекин ўтиришга бўш жой йўқ, шунда ҳар бир одобли йигит ёки қизда аёлга жой бериш фикри тугилади. Қўпинча болаларни ҳам, катталарни ҳам ахлоқ-одоб масаласи, яъни совет кишининг одоби масаласи қизиқтиришининг гувоҳи бўламиз. Яхши одоб ва назокат олиф-тагарчиликка айланиб қолмайдим, деб сўрашади улар.

Хўш, нима бўпти? Баъзилар тажанглик билан: «Хушмуомалалик бошқа-ю, чинакам қалб гўзаллиги — бошқа. Бизга нозу карашмалар, сохталик ва адаб қоидаларининг кераги йўқ, биз маънавий гўзалликни қадрлай-

миз. Князь-графларнинг замони ўтиб кетган... Энг муҳими, юрагинг тоза бўлсин — бошқаси ўз-ўзидан бўлаверади», дейишади.

Бошқалари эса ўзларини оқлаб: «Тўғри, князь-графлар эмасмиз, лекин беадаблик кишини ҳақоратлайди, дилни яралайди, асабини бузади, шунинг учун, келинлар, ўзаро хушмуомалада бўлайлик», деган фикрни айтишади.

Баъзан шундай ҳам бўладики, одам кўринишидан қўпол-у, лекин қалби тоза, ўзи юмшоққўнгил. Ёки бунинг акси бўлиши ҳам мумкин: кишининг тошбағирлиги ва шафқатсизлиги яхши муомала остида яширинган бўлади. Бу ҳолда нуқсонларни яшириб турган яхши муомалага эмас, аини шу тошбағирлик ва шафқатсизликка эътибор қилиш керак бўлади.

Ниҳоят, баъзиларнинг онгида хушмуомалалик билан олифтагарчилик бир хил нарсага айланиб қоляпти. Ваҳоланки, олифтагарчиликнинг ўзи аини тарбиясизликдан бошланади. Масалан, шундай бўлди дейлик. Меҳмонлар стол атрофига келиб ўтиришди. Шу пайт улардан бири қоғоз салфетка билан пичоқ, вилка, қошиқларни арта бошлайди. Бу менга негадир «Ака-ука Қарамазовлар»даги хизматкор Смердяковни эслатади, у овқат ейишдан олдин вилкани ёруққа тутиб, обдан у ёқ-бу ёғини айлантириб кўради. Хўш, бу нпма, озодагарчиликми ёки кўпчилик орасида ўзини тута билмасликми?

Албатта, ўзини тута билмасликдан бошқа нарса эмас.

Буларнинг бари совет ахлоқ-одоби ҳақидаги китоблар бизга ниҳоятда зарур эканлигини яна бир бор исботлайди.

Яқинда бир эски китобга кўзим тушиб қолди. У: «Одамлар билан муомала қилиш хусусида» деб номланиб, муқовасида «Санкт-Петербург, 1810 йил» деган сўзлар ёзилган эди. Мундарижасига кўз югуртирдим. Бобларнинг номи узундан-узоқ, эринмай ёзилган эди:

«Ҳақиқий камолотнинг шарҳасигина эмас, балки унинг ўзига иштиқоқ даркордур», «Эзмалик қилиш, одамни зериктириб юборадиган даражада кўп гапириш ярамай-дур», «Шахсий жанжалларингга бошқа ҳеч кимсани аралаштирмаслигинг лозимдур».

«Дадил, назокатли, тўғри сўз, тоққир бўлиб кўри-ниш санъати, мияннга нима келса гапиравермаслик, ўз шахсининг кулгига қўймаганинг ҳолда ҳамма нарсани қизиқарли қилиб сўзлаб бериш санъати — инсон ақл-идрокига тож сифатида кийдириладиган буюк ҳадялар-нинг биридур. Айни пайтда ташқи қиёфага, айниқса, юзга катта эътибор бермоқлик зарурдур. Сира ҳам афти-ни буриштирмаслик керакдур».

Қитобнинг тили жимжимадор бўлса ҳам, аммо ундаги фикрлар, назаримда, анча яроқлидай туюлди.

«...Қадди-қомат ва гавда ҳаракати мардонавор бўл-моғи лозимдур. Қора халққа ўхшаб (маиа, шу ердагина 1810 йиллиги сезилади! — С. М.) арзимаган ва ҳеч қан-дай ҳаяжонни билдирмайдиган суҳбат пайтида ҳам бошини, қўлни снлкимаслик даркордур. Одамларнинг юзига ҳурмат-эҳтиром ила, камтарона боқиб лозим-дур...»

Муаллиф эринмай, «китобхон ҳурмати» юзасидан «ушбу рисола»да айтишнинг имкони бўлмаган гапларни ҳам санаб ўтади:

«Бошқаларинг гапини бўлиш беадабликдур, сизга узатилган тақсимча ёки бошқа ҳар қандай нарсаларни нстамаган тақдирингизда ҳам олишингиз фарздур, не-гаким, бошқаларни ўзингиз учун ортиқча койитиш яра-май-дур... кўпчилик орасида иложи борича бошқаларга орқа ўгириб турмаслик даркордур... Овозни баланд кў-тариб сўзламаслик, бақирмаслик лозимдур, яхшиси га-пирганда дона-дона гапирмоқлик, юрганда қадди-қомат-га эътибор бермоқлик зарурдур. Аёл кишини кузатиб бораётганда эҳтиёткорлик учун унинг ўнг томонида юриш керак, тик зинадан тушаётганда аёлни олдинга

ўтказиш, кўтарилаётганда эса эркак киши ўзи олдинда бориши лозимдур».

Хуллас, бу насиҳатлар қуйидаги фикр билан якунланади:

«Шуларнинг бари кишиларга энг ёшлик вақтлариданоқ сингдирилиши даркордур.

Шуни эслатиб ўтайликким, мана шу арзимаган нарсалар кўпчилик назарида анчагина муҳим аҳамият касб этадур».

Мен бу кўҳна китоб муаллифининг фикрларини бутунлай қўллаб-қувватлайман. Ахир, гап қай тарзда, қачон ва кимни меҳмонга чақириш ҳақида эмас, кундалик зарур ахлоқ-одоб қондалари тўғрисида боряпти-да.

Агар бола ўз вақтида столда қандай ўтиришга, катталарнинг гапига аралашмасликка, катталарнинг гапига аралашмасликка ўргатилмас экан — бу унинг тарбиясидаги муҳим бир нарсга эътибордан четда қолди, деган сўздир.

Ўйин-кулги. Шовқин-сурон. Бола диванга чиқиб олиб, кимнингдир бурнини чимчилайди, мушукнинг думидан тортади.

Кейин қий-чув: йиғи-сиғи, бақирш, ер тепишиш бошланади.

Боланинг хархашаси, хатти-ҳаракати атрофдагиларнинг тоқатини тоқ қилади, лекин буида болани айбдор ҳисоблаш ўринлими?

Йўқ. Чунки унга ўз туйғуларини изҳор қилишнинг энг оддий қондаларини ҳам ўргатишмаган, шунинг учун ҳам у худди ёввойига ўхшайди.

Мана бу воқеаларга нима дейсиз...

Консерваториянинг билет кассаси олдида одамлар навбат кутиб туришибди, фараз қилайликки, уларнинг бари музиканинг қадрига етадиган, уни тушунадиган кишилар. Улар, кейинроқ билетга алмаштирса бўладиган талонларни олиш учун узоқ вақт навбат кутишга ҳам тайёр. Шу пайт бирдан, талонлар кўзда тutilгани-

дан кўра озроқ экан, уларни 1-кассада эмас, 2-кассада сотишар экан, шу сабабли бошқа дарчага ўтиш керак экан, деган гап тарқалиб қолади.

Ҳозиргина музыка ҳақида, пианист ва қўшиқчилар ҳақида суҳбатлашиб турган одамлардаги хушмуомалалик, хотиржамлик бир зумдаёқ йўқолади. Ҳамма ўзини олдинга уради, бир-бирини ортда қолдиришга уриниб, париги кассага шошилади. Кимнингдир кўзойнаги синнади, кимдир тушириб юборган гулдаста топталади.

Охири қисқагина «жанг»дан сўнг олдинги ўринларни бақувват ёш-яланглар, уларнинг кетидан эса — ғайратлироқ аёллар, охириги жойларни бунақанги беллашувга кучи етмаган ёки бундай қилнишга виждони йўл қўймаган кишиларгина эгаллашади.

Баъзи бировларнинг музыкага ихлосмандлиги шу тарзда намоён бўлади.

Лекин, эҳтимол, одамларнинг энг муҳим фазилати — уларнинг самимияти ва очиқ кўнгиллигидадир. Балки тарбия одами шу бебаҳо фазилатлардан маҳрум этар?

Ҳа, самимият — киши характерининг ажойиб хусусияти. Бироқ самимият билан ахлоқсизликнинг фарқига бориш керак. Ҳар қандай шароитда ҳам, ҳатто, ўзи учун ниҳоятда оғир бўлган дақиқада ҳам бировларнинг кайфиятини бузмасликка кучи етган одамни, наҳотки, самимий деб ҳисоблаш мумкин эмас?! Аксинча, аввалига деярли ҳақоратлаган даражада «самимий»лик билан ичидаги бор гапини гапириб олиб, кейинига эса юраги бўшагач, илгариги муомаласига ўтган кишини тўғри сўз деб бўладими?

Енгилтак одам ўз одобсизлигидан ўзи озор чекади. У аста-секин дўстларидан айрилибгина қолмасдан, торабора асабий ва баджаҳл ҳам бўлиб боради. Унинг онласи, болалари бўлса-чи... Гўдак ўзи олдида отаси ва онаси бир-бирларига даргазаб ҳолда гапиришаётганини, қўшни аёлнинг кенжа ўғлига бақирганини эшитиб, ни-

мадандир жаҳли чиққан отаси оёғи остида суйкалаётган кучукчани этниги билан тешиб юборганини кўриб туради...

Шунда бола бирон нарсадан хафа бўлсанг, жаҳлинг чиқса, чарчасанг шундай қилишнинг керак экан, деган хулосага келадн. Улғайгач эса, у ҳам кайфияти ёмон пайтда дуч келган одамдан «аламини олиб», қўполлик қила бошлайди. Болани ёшлигиданоқ бошқаларни ҳурмат қилишга ўргатиш жуда муҳимдир. Бошқаларни ҳурмат қилган одам ўзини ҳам ҳурмат қилади.

Уртоқларингдан бирнга қўнғироқ қилганинда, трубкани олган одам сенга хушмуомалалик билан:

— Витя, сал кейинроқ қўнғироқ қилгин. Шура ҳозир дарс тайёрлаётган эди, фикрини бўлгим келмайти, — деса, сен хафа бўлмайсан, албатта.

Қўпинча эса, қўпол жавоб эшитишга тўғри келадн:

— Нима, қиладиган ишнинг йўқми, нега ҳадеб қўнғироқ қилаверасан? Шурка банд, сен билан гаплашаолмайди.

Қўнғироқ қилган Витя, эҳтимол, бундай жавобни эшитиб, бир оғиз ҳам гапирмай, чўчиб трубкани илиб қўйиши мумкин. Ёши бир оз улғайгач эса, қўнғироқ қилаётганда ҳатто саломлашмай:

— Менга Шурани чақириб беринг!— деб гапни чўрт кесадиган бўлади...

Муносабатлардаги сохта ҳис-ҳаяжон ҳам қўполлик сингари характерга ёмон таъсир қилади. Оҳангдан музика яралади, дейишади. Катталарнинг болалар билан қандай оҳангда гаплашиши гўдакнинг характери ва феъл-атвориға ҳамма нарсадан кўра кучли таъсир кўрсатади. У чинакам туйғу билан сохта туйғунин зийраклик билан илғаб олади. Болалар ўзларининг ўткир зеҳнлари билан ҳақиқий меҳрибонлик нима-ю, ёлғондакам эркалаш нималигининг фарқиға борадилар, ким чинакам ҳаяжонға тушди-ю, ким бошқаларни алдамоқчи бўляпти — буни дарров сезадилар.

Агар эртаю кеч сохта тантиқликни эшитаверса, қулоқ унга бефарқ бўлиб қолади. Худди шунга ўхшаш болалар ҳам ясама ҳис-ҳаяжонга, сохтагарчиликка кўникиб, ниҳоят ўзлари ҳам туйғу ва кайфиятларини пфода этишнинг мана шу бемаъни усулнинг ўрганиб оладилар.

Хушмуомалаликни эса болаликдан ўргата бориш зарур.

Мен болалар ҳақида катталардан тез-тез хатлар олиб тураман. Улар ҳамма вақт ҳам қувончли хатлар бўлавермайди. Баъзи хат эгалари ўқувчилар қўпол бўлиб кетишяпти, деб нолишса, баъзилари, болаларнинг азондан уйғониб олиб, қўшниларга тинчлик бермаслигидан шикоят қилишади, яна бошқалари мактаб ўз ўқувчиларига фақат билим бериб, уларнинг тарбиясига эса етарли эътибор қилмаяпти, дея ташвишланидилар. Менга келган хатларнинг ҳаммаси ҳақида гапириб ўтирмайман албатта, чунки аксари хат эгалари фақат бир масала — тарбия тўғрисида фикр юритадилар. Болалар тарбиясини мактабда ва мактабдан ташқарида қандай олиб борш керак, деган масалани ўртага қўядилар.

Болалар чиннакам инсонпарвар, одобли кишилар бўлиб етишишлари учун, ўйлайманки, улар болаликданоқ хушмуомалалик муҳитида ўсиб-улгайишлари керак. Бу соҳада мактабнинг роли ниҳоятда катта. Лекин, ҳарқалай, болалар тарбияси тўғрисида жон куйдираётган катталар ҳам ўз одоблари ҳақида бош қотириб кўришлари, ўзларининг феъл-атворлари билан болаларга ёмон ибрат кўрсатмасликлари зарур. Аслида кўпинча қандай ҳол юз беради?

Мана, энг оддий, ҳар кунги бир воқеани олайлик.

Болалик аёл шоша-пиша такси тўхтатади-ю, бироқ эпчилроқ бир кимса ундан олдин чиқиб олади-да:

— Шофёр, аэропортга ҳайда!— деб буйруқ қилади.

Аёлга бўлса, пинагини ҳам бузмай, яна мулоимлик билан:

— Пиёда борсангиз ҳам бўлаверадн, граф эмассиз-ку, — деб маслаҳат берадн.

Кейин машина гизиллаб жўнаб қолади, ҳатто номерини кўриб, эслаб қолишнинг ҳам имкони бўлмайди.

Бу ҳаммага маълум гап. Агар бир безори болалик аёлни машинадан юлқиб туширса, бу — жазога лойиқ безорликдир. Аммо жазосини тонмай кетаверган бунақанги бемаъни қилиқлар ҳар қадамда учраб турадики, бунинг сабаби ўша беадаб кишиларнинг қўполлик — жиноят эмас, одоблилик эса ёмон одамлар учун керак, бу билан улар ўз тошпоякликларини яширадилар, деб астойдил ишонганларининг оқибатидир.

Ҳарқалай, педагогика ўқув юртлари ва институтларининг студентларни, ёш ўқитувчиларни тарбия кўрганлик, ахлоқ-одоб масалалари худди махсус билимларни эгаллаш каби қизиқтириши керак.

Яқинда педагогика институтларининг бирида, деканатда шундай воқеанинг гувоҳи бўлдим.

Профессор студент қизга ўтиришни таклиф қилди.

— Ҳечқиси йўқ, — деди қиз уялиб, — туравераман.

Бу билан у: сиз ҳурматли одамсиз, мен бўлсам оддий бир студентман, ҳузурингизда ўтиришим ярашмайди, димоқчи эди. Аммо шу пайт профессорнинг ўзи ҳам ўрнидан туриб олди, чунки рўпарасида аёл киши тик турганда у ўтиришни ўзига эп кўрмас эди. Анчагача давом этган суҳбат вақтида мўйсафид одам тик туриб қолди. Бу бемаъни уятчанлик ва тарбиясизликнинг оқибати эди.

Одоб қондалари ҳозирча педагоглар тайёрлаш ўқув программасига киритилганича йўқ. Лекин бирор чоратadbир топса бўладими?

Қадим замонларда ахлоқ-одоб масалалари бўйича маълумотномалар, йўл кўрсатгичлар, изоҳлов рисоалари бўлган. Улар турли китобхонларга мўлжаллаб чиқарилган. «Қиборлар доирасига кириб келаётган йигитчага дўстона насиҳатлар», «олижаноб талабаи-оғизларга» маслаҳатлар ҳам бўлган, ҳатто, «барчага суюқли

бўлишининг «сеҳрли сир-асрорлари» ҳам очиб берилган... Бунини сеҳргарлик профессори С. Роден ўрганган ва кўп йиллик тажрибасида синиб кўрган».

Бу китобчаларнинг кулгили жойлари кўп эди, албатта. «Шеър ёзувчилар, музикачилар ва эркин санъат ишқибозлари билан қандай муомала қилиш тўғрисида» ёки «Олий ҳиммат кишилар билан муомала қилиш тўғрисида», «Журналистлар билан бўладиган муомаладаги эҳтиёткорликлар» тўғрисидаги насихатларни ўқиганда, ҳозир одамнинг кулгиси қисташи аниқ. Лекин галатига галати сарлавҳалар ва жимжимадор сўзлардан қатъи назар, уларда асосан тўғри фикрлар баён этилган эди.

Ҳозир бизга одамлар билан муомала қилиш масалаларини ёритиб берадиган ўшандай китоблар етишмай турибди. Бундай китоблар педагог учун, айниқса, сув билан ҳаводек зарур. Аммо бундан муомаланинг барча нозик жиҳатларини бўлажак муаллимларнинг ўзлари ҳам яхши билишмас экан-да, деган нотўғри хулоса чиқариш ярамайди. Умуман илгарини ҳамма одобли эди, ҳозир эса бундай эмас; илгарини трамвайда эркаклар аёлларга жой берарди, ҳозир эса аксинча, дейиш ноўрин.

«...Лекин ёш-яланглар трамвайда сизларга (аёлларга) жой беришмайди, тик турганча қолаверасиз...»

Бу ҳозирги кунимиз ҳақидаги гапми? Йўқ, ундай эмас. Бу XIX аср охири ва XX аср бошида Францияда айтилган гап эди. Ушбу парча Анатолий Франсининг «Эпикур боғи» асаридан олинган бўлиб, маълумки, ёзувчининг синчковлиги худди юксак диди ва билимдонлиги сингари барчага аёндыр. Демак, гап «илгарини» ёки «ҳозирни» кунда эмас, жўнгина қилиб айтганда «якши» ёки «ёмон»дандир.

Баъзан ясама майинликни ҳам «хушмуомалалик»ка йўйишлади. Аммо бу ясамалик кўпинча носамимийлик ва олифтахарчиликка айланиб кетади. Наҳотки самимият ва саховат — ҳамма сўзларини бир чеккадан фар-

қига бормай, тилни чучуклантириб, ярим-юрим гапира-  
веришдан иборат бўлса?

— Менга бодрингчадан, бир жуфтгина балиқчадан,  
ветчинкадан беринг.— Шу пайт томдан тараша тушган-  
дай яна ўша тантиқ харидор жазаваси тутиб шундай  
дейди:

— Гражданочка, қасққа суқуляпсиз! Олғирлигини  
қаранг-а!

— Ахир, у етмишдан ошган камшир-ку...

— Хўш, нима қипти.

Йўқ, тилни чучуклантириш қалбининг сасзлигини  
яширолмайди, қайтага бўрттириб кўрсатади. Лекин ўша  
гапираётган кимса эса ўзини хушмуомала ва маданий  
одам деб ҳисоблайди. Айни шу нарса тантиқлик ва  
олифтагарчилликнинг худди ўзгинасидир.

«Қиборлар ҳазилидан қизариб кетган муҳтарам про-  
фессорларни четдан кузатганингда виждонинг азоблан-  
майдими, ахир?— Юқори табақадаги тантиқлик ва ман-  
манлик... айни шу нарсалар у ердагиларнинг ҳаётни  
билмаслигини фош этишини у допишлар қаёқдан би-  
лишсин! Оддий фуқаронинг дангал, ўзига хос лаҳжалар  
ри шу киборлар допрасида ҳам одамга хушқиб такрор-  
ланиб туришини, айни пайтда сохта хушмуомалаликнинг  
такаббуруна баланд нардалари бепхтиёр равншда ҳам-  
мада фақат истеҳзо уйғотишини улар қаёқдан билишсин.  
— Яхши жамоат юқори табақадаги ташқарида ҳам, қа-  
ердаки ҳалол, доно ва ўқинишли одамлар яшаса, ўша  
жойларнинг барида ҳам мавжуддир», деб ёзган эди  
Пушкин «Энг янги ахлоқ назирлари хусусида» номли  
мақоласида.

Бизнинг жамиятимиз етарли даражада тенг маъри-  
фатлидир. Жамият аъзоларининг аксарияти ақлли ва  
ҳалол одамлар. Бир пайтлар эркаклару аёллар бир хил-  
да чарм куртка кийишарди, романтикага тўла ўша давр-  
лар, сочлари бир текисда бесўнақай қирқилган хотин-  
қизлар, юриш-туришларнинг атайин бир қолипдалиги,

кескин ва тундлинги... ўша пайтлар ҳам орқада қолиб кетди, энди улардан бизга фақат китоблар, расмлар ва экрандан унсизгина липиллаб ўтувчи кинокадрларгина гувоҳлик бериб туради. Шундай вақтлар ҳам бўлгандики, ишчиларга ақалли бошланғич маълумот, рабфак, кейинчалик ақалли етти йиллик, саккиз йиллик маълумот зарур эди. Ҳозир эса, заводларга асосан етуклик аттестатини олган йигит-қизлар келишмоқда. Тагин бу илгариги вақтдагидек бир-икки фоизнигина ташкил этмайди, келаётганларнинг дсярли бари ўрта маълумотли ёшлардир. Социологик тадқиқотлардан шу нарса маълум бўляптики, ёш ишчининг ҳаёт тарзи ҳозир мутлақо ўзгариб кетган. Халқ университетларидаги адабиёт, музика, кино санъати факультетларининг тингловчилари ҳам — асосан ёш ишчилар. Улар адабиёт ва тасвирий санъат тарихини билишни, Бетховен ва Шостакович асарларни тинглаб, улардан завқ олишни истайдилар. Ишчиларнинг маълумот даражаси ҳам илгаригига қараганда мислсиз ўсиб кетди. Ҳозир уларни бемалол ишчи зиёлилар, деса ҳам бўлади.

Албатта, бизга билимдан ташқари, ахлоқнинг бошқа жиҳати — эстетик тарбия ҳам зарур. Фақат маънавий маданият эмас, ташқи маданият ҳам керак. Бу сўзлар тагин ўта ғалати ва ғайриоддий туюлиб юрмасин. Энди алмисоқдан қолган кийим-бош эмас, нафис энгиллар, нафис уй-жойлар ва ишхоналар керак, хулқ-одоб маданиятимиз ҳам хушбичим кийим-бошга, цехдаги гўзал иш шароитига, бугунги ҳаёт тарзимизга бутунлай монанд бўлмоғи лозим.

Модомики, кийим-бош, уй-жой ва ишхоналарнинг беаги қайси рангда бўлиши ҳақида рассомлар, меъморлар бош қотираётган эканлар, модомики, цехларда смена алмашинаётган пайтда қандай музыкаларни эшиттириш тўғрисида музикашунослар тавсия ёзаётган эканлар, модомики, билим олиш хусусида уйда қайгуришадган, мактабларда, техникумларда, институтларда эса

катта ғамхўрлик кўрсатилаётган экан, бу жуда яхши. Аммо тарбия масаласига келганда эса, бунақанги куйди-пишди бўладиганларни ҳамма ерда ҳам учратавермай-сиз. Ҳатто, шахсни гўдак ёшиданоқ шакллантириб борадиган мактабда ҳам, уни фақат программа материали билан таништиришнинг ўзи кифоядир, деб ҳисоблайдиган айрим ўқитувчилар йўқ эмас.

Эҳтимол, бу тўғридир? Дарҳақиқат, ўзингизни физика ёки математика муаллими ўрнида ҳис этиб кўринг-чи. Ўқитувчининг қўлида мураккаб программа турибди, яна у ўзлаштираувчилар тўғрисида ҳам ўйлашни керак. Ўзига ажратилган қирқ беш минутлик академик вақтнинг ҳар бир секундиди у ўз предметига, фақат ўз фанига сарфлашга ҳаракат қилади. Федяни қандай юришга, Настяни назокат билан саломлашишга ўргатишга эса унда зиғирча ҳам вақт йўқ. Ўқувчиларга китоб хусусида ўйлашни ўргатишга, уларда бадий дидни тарбиялашга тилчи муаллимнинг ҳам вақти аранг етади. Балки, чинданам, адабиёт ва физика, шунингдек, бошқа фан ўқитувчилари учун ҳам эҳтимоллик назарияси ва фрейдизм тўғрисида тўхталмай фикр юрита оладиган билимдон ўқувчилар котлетни қандай кесишни билмаслигининг, сўхбатдошининг енгидан тортиб одобсизлик қилишининг ёки даб-дурустан елкасига уриб қолишининг у қадар аҳамияти йўқдир?

Лекин, ҳар нима бўлганда ҳам яхши тарбия кўрмаганлик туфайли озор чекиб юрадиганларга қандай ёндошмоқ керак? Эҳтимол, мактабларда махсус одоб дарсини жорий этиш лозимдир?

Аммо муомаланинг ҳамма нозик жиҳатларини ўргатишни ҳафтада атиги бир соат дарс бериш билан ҳал этиб бўлармикин, йўқ, бунинг учун донмий муҳит, хушмуомалалик муҳити талаб қилинади.

Бироқ шунга қарамай, мактабда инсоннинг ўн йиллик умри ўтади. Мактаб — бу фақат физика, химия, адабиёт ва географияни ўргатиш учун ажратилган дарс

соатларидангина лборат эмас! Мактабдаги танаффуслар, кечалар, буфет (ҳа, буфет ҳам!)... Уқувчиларни сипо ўтиришга, вилкани тўғри ушлашга ва «ёқимлигини таъзим» қилишга айни мана шу пайтларда ўргатиш мумкин. Рухий маданият учунгина эмас, ташқи маданият учун ҳам (буни «олифтагарчилик» дейишга одатланилган, мен бўлсам бу сўзнинг ижобий маъносини кўзда тутяман) асқотадиган қанча-қанча минутлар зое кетади — бу минутлар соатлар ва йилларга айлана боради, ахир.

Мактаб буфетларида болалар нонушани шоша-пиша ямламай ютадилар-у, овқатланаётганларида ўзларини қандай тутганлари эса, хулқларига қўйилган баҳодан билнмайдн. Хўш, унда умуман сннф раҳбари ўша баҳоларни нима учун қўяди? Танаффусда ўқувчи ойни снндирмагани ва янги партани қаламгарош билан ўймагани учунми, фақат шуни билдириш учун хулқига юқори баҳо қўядими? Одоб ва илтифот мактаб партасиданоқ кишининг одатий феъл-атвориға айланмоғи керакки, бамисоли Хемингуэй асарларини ўқиётганингда ҳарфлар ҳақида ўйламаганингдак, бу тўғрида ҳам алоҳида бош қотриб ўтирмайдиган бўлишинг зарур. Ҳар қандай шароитда ҳам ўзини хотиржам, сипо тута билиш — ҳозир олимлар ва артистлар доирасидагина эмас, фақат зиёфат ва ўтиришлардагина эмас, балки барчага ва ҳамма вақт керак бўладиган зарур хислатлардир. Чунки жамиятимиз юксак маданият талаблари даражасига ўсиб етди.

Коллективда шундай шарт-шароит яратилмоғи керакки, ҳар бир киши ўз атрофида илмли, меҳрибон, одобли одамлар борлигини сезганида ҳаёти янада пурафшон бўлиши, ўша одамларнинг дид ва одатлари хилма-хиллигидан қатъи назар, аммо ўзгаларнинг иззат-нафсига тегмайдиган шаклдалиги билиниб туриши лозим. Жамиятимиз у ёки бу даражада бир текислиги учун ҳам бу нарсани бемалол амалга ошириш мумкин. Бизда ижтимоий тенгсизлик тугатилган, ёлғончилик қи-

лиш, бировларни камситиш ва хўрлашга асос йўқ. Жамиятимизда қобилият ва дидларни эркин рўёбга чиқариш учун, шахс камолоти учун барча шароитлар яратиб берилган.

Одамлар ўртасидаги муносабатларнинг асил моҳияти ўзгарди, инсоннинг инсонга дўстлиги, ўртоқлиги, биродарлиги ўша муносабатларнинг ахлоқий ўлчови бўлиб қолди.

*Одамлар, инсонпарвар бўлинг! Бу сизнинг биринчи  
галдаги бурчингиздир.*

*Ж. Ж. Руссо*



## ҚАДР БИЛМАСЛИК

Кунларнинг бирида телеграфга кирган эдим, атрофдагиларга жавдираганча илтижо қилаётган бир кампирга кўзим тушди, у телеграф бланкани тўлдириб берадиган биронта одам топилармикин, деб жоним ҳалак эди.

— Уғлим, шуни ёзиб бергин, — деди қора дуррасини пешонасигача бостириб ўраб олган кампир, — бундай деб ёз: «Пулингизни олдим, лаънат сизларга. Холангиз».

Қариндошларига телеграмма жўнатишда саводсиз кампирга шу пайтгача ҳеч ким ёрдам бермаётганининг асл сабабини шундагина тушундим. Бу кампир ўша қариндошлари юборган пулни нариги дарчадан ҳозиргина олган экан.

Фавқулодда дуч келганим қариндошлар ўртасидаги бу дилсиёҳликнинг тарихи ҳам қизиқ экан. Кампирни меҳмонга чақиришибди-ю, аммо унга дурустроқ шаронт яратиб беришмабди. Унинг фикрича, «ҳайвон» билан (бу ерда ит назарда тутиляпти) одам бир уйда яшаса, гуноҳ бўлармиш. Айни ўша қариндошлариникида оппоқ жунли қари бир овчарка яшаркан. Уни кампирнинг хонасига киритишмабди, лекин ит пақ остопага чўзилиб ётиб оларкан. Хола бунга сира чидолмабди, ҳатто ўқлогли билан уриб ҳайдаса ҳам ит сира кетмас эмиш.

Хуллас, уй эгалари итни бу ердан ҳайдаб юборишмабди, хола бундан аччиқлашиб, жўнаб қолибди ва дилида: «Сенларни сира кечирмайман!» — деб қасам ичибди. Шундан

кейин пул юборган қариндошларига ҳам, раҳмат айтиш ўрнига «Лаънат сизларга» деб ўзича «миннатдорчилик» билдирапти.

Бу ерда ҳеч бир изоҳнинг ҳожати йўқ. Қариндошларининг ғамхўрлигига кампирнинг бу қадар бемаъни «ташаккур» билдириши ҳеч кимга ёқмаган ва унинг гапларини телеграммага ёзиб бериши ҳеч ким истамаган. Демак, кампирнинг бу қилиги ва ҳаяжони шубҳасиз ҳаммани нафратлантирган.

Аммо бир кун мен бир режиссёр билан унинг ўғли ўртасида бўлиб ўтган куйидаги баҳснинг ҳам гувоҳи бўлган эдим, ўша гапларининг урғусига бир диққат қилинг.

— Нега ўртоғинг бугун ёнимдан салом бермай ўтиб кетди? — деди отаси.

— Салом бериши шартми? Ролда ўйнашида ёрдам берганингиз учун энди у сизга етти букилиб таъзим қилиши керак, деб ўйлайсизми? Раҳмат, сиз меннинг валинеъматимсиз, деб юриши керак экан-да.

Отаси нимадандир хижолат бўлди-ю, хойнаҳой, «ҳозирги замон» ахлоқидан орқада қолиб кетганини бўйнига олди шекилли, бошқа индамади. Мен ўғлининг бу қадар дадил ҳукмига у бунчалик тез бўйсуниб қўя қолмаслиги керак эди, деб ўйлар эдим. Ахир, гап ўғлининг ўртоғи салом берган-бермаганлигида эмас, аслида-ку, ўша йигитча гирт тарбиясизлик қилган, бу арзимаган гап эмас, «фалсафий» исботланган ҳақиқат. Буни қарангки, шу билан у ўзининг ижодий «мустақиллиги»ни намойиш этибди. Яна уни «лаганбардор» бўлмагани, «хушомадгўйлнк» қилмагани, эзгуликни тор маънода ожизларча тушунмагани ва дилидаги шу юксак туйғуларини намойиш этишида, ҳатто, одамлар билан сўрашмаслигини ҳам маъқуллашяпти. Ваҳоланки, у аслида юксак туйғулар ўрнига кўрнамакликдек пасткаш бир қилиқ қилган. Ўша йигитча олижаноблик тўғрисида ҳеч қандай ўта замонавий тушунчага ҳам эга эмас, чунки кўрнамак-

лик, афсуски, лугат бойлигимиздаги у қадар янги сўз ҳам эмас.

Шу сабабли, менимча, кўрнамаклик энг пасткаш қалбларга хос хусусият эканини яшириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Кўрнамаклик ғоят оддий кўринишда бўлса ҳам («Пулнигизни олдим, лаънат сизларга») ёки ҳаёт принципи даражасига кўтарилган тақдирда ҳам, моҳияти эса ўша-ўша тубанлигича қолаверади.

Ёш китобхонлар конференциясида мен мана бундай фикрни эшитган эдим:

— Садоқатни олижаноб қалбларга хос туйғу, деб ҳисоблайдиган бўлсак, унда энг юксак, саҳоватли қалб итларда, дейиш керак экан-да, чунки эгасига содиқ ит одамдан кўра меҳрлироқдир, у то ўлгунпча эгасининг қабрини пойлаб ётиши мумкин.

Мана шу нуқтаи назарни ёқлаб чиққан қиз садоқат туйғуси хусусидаги анъанавий қарашларни бутунлай назар-писанд қилмас эди. У баҳсга қизиқиб кетганидан минбардан туриб айтаётган гапларининг сафсатага айлантириб юбораётган бўлса ҳам, аммо ўша тушунчанинг моҳиятини англаб етишга чин дилидан интиларди.

— Хўш, бунга нима дейсизлар? Содиқ ит кўрнамак одамдан кўра яхшироқ экан-да, а?— дея қизишарди у.

Шу пайт тўсатдан залда ўтирганлардан кимдир:

— Ҳа!— деди. Бундай жавобни ҳеч ким кутмаган эди.

Шубҳасиз, бу баҳснинг кўнгини инжиқ томонлари, айтилган фикрларда эса чалкашликлар бор эди. Одамларда рўй берадиган мураккаб хатти-ҳаракатларни, бориники, энг ақлли ҳайвонларнинг беихтиёр ҳаракатлари билан бир қаторга қўйиш мумкин эмас, албатта. Лекин сўнгги луқма айтилган пайтда залда ўтирганларнинг

ҳаммаси бараварига уни маъқуллаб, кулганларини ҳам назардан четда қолдириб бўлмайди.

Хуллас, мен агар, ёнингда яшаётган киши бошқалар сизгари тер тўкиб, иш учун қайғуриб, ўзгаларга нима биландир беғараз ёрдам берса-ю, лекин ўша ёрдами учун миннатдорчилик эшитмаса ҳам, у ҳеч нарса йўқотмайди, деб ҳисоблаган нотифларнинг фикрига ич-ичимдан қўшилиб ўтирдим. Кўрнамаклик қилган киши эса, жуда кўп нарсани йўқотади. Менимча гап, ҳатто, унинг бу қилиғи сиртдан хунук кўринишидагина ҳам эмас. Гап шундаки, бундай одамнинг ўзи аста-секин кишиларга бўлган ишончи, уларга нисбатан ҳурматини йўқота боради, сира олдини олиб бўлмайдиган қалбнинг «қашшоқлашувни» жараёни юз беради. Бу табиий ҳол, чунки бундай одамда ўз-ўзидан қуйидагича тушунча пайдо бўлади: ҳозир менга иши тушган одамга ёрдам бераманми ёки йўқми, барибир, менга унинг кўмағи керак бўлиб қолганда эса, хойнаҳой чап бериб кетса керак, деб ўйлайди у. Бунақанги донишманд охири бундай фикрга келади: душман орттирмай десанг, бировга яхшилик қилмай қўя қол.

Албатта, миннатдорчилик туйғусини: сен менга ёрдамлаш, мен — сенга, деган принцип қабилида тушунмаслик керак. Виждонни сотиш билан бу юксак туйғу ўртасида осмон-у ерча фарқ бор, албатта. Аммо сенга ёрдами теккан бирор киши, эҳтимол, бошқа бир гал бирор масалада сенга нисбатан ноҳақлик қилиб қолса, унинг бу гуноҳини кечирिश — тутуриқсизлик қилиши деган сўз эмас, асло. Баъзан яқин дўстлар ҳам янглишиши, чарчагани, асабийлашганидан таъбингни хира қилиши мумкин. Очигини айтганда, сал бўлса ҳам хафагарчиликдан кўра яхшиликни эслашнинг ўзиёқ одамнинг руҳини қанчалар кўтаради. «Ешлигимизни ардоқлаган мураббийларимизга... хафагарчилкларни ҳам унутиб, эзгулик бахш этамиз». Пушкиннинг ушбу сўзлари мен учун умрбод юксак қалб олижаноблигининг тимсоли бўлиб қолгандир.

Мен яхшиликни билмайдиган кишининг психолэгиясини ўрганиб чиқмоқчи эмасман, мутлақо. Лекин, назаримда, тез-тез учраб турадиган айрим ҳодисаларнинг ёнидан ўта туриб, улардан кўз юмиб кетиш ҳам яхши эмас.

Ёш, эндигина иш бошлаётган режиссёрга, расомга ёки актёрга мураккаб, катта вазифани ишониб топширишадди. Шартнома тузилгандан сўнг эса, орадан кўп ўтмай, ёш санъаткор ўзини бошқача тута бошлайди: «Мен талантлиман, ажойиб талант эгасман. Эҳтимол, ҳатто генийдирман. Ҳа, хойнаҳой, гений бўлсам керак. Улар эса (менга иш берганлар) менсиз ҳеч нарса қилолмайдилар, чунки улар қобилиятсиз, ночор кишилардир. Менга ёрдам бериш, мен учун ишлаш, мен билан фахрланиш — улар учун ҳам фарз, ҳам қарз...»

Қарабсизки, унда: мен генийман, «улар» (бошқаларнинг бари) ночор одамлар, деган фикр пайдо бўлади. Гений ўзини ҳурмат қилишларини, у билан фахрланишларини, кейин эса уни севишларини талаб қила бошлайди. Тез орада у ўзи учун шундай ҳақиқатни кашф этадики, дунё фақат ёмон одамларга тўла, деб ўйлай бошлайди. Унинг назарида ёмон одамлар жуда кўп. Масалан, хотини. У ҳаётдан орқада қолган, фикр доираси ниҳоятда тор, гениал санъатни тушунмайди (ваҳоланки, санъатнинг ўзи эса ҳали йўқ). Дўстлари бўлса (яъни собиқ дўстлари) унга ҳасад қиладилар, шунинг учун ҳам унинг юксак фикрларини тан олмаяптилар. Демак, улар билан ҳам орани очиқ қилиш керак.

Хуллас, шу тарзда давом этаверади: хотини, дўстлари, коллективи, бутун дунё ёмон отлиққа чиқади охири бориб...

Бу, албатта, ўз қадрини билмаган, шахсиятпараст кишининг теварак-атрофидагилар билан муносабатининг юзаки бир тасвири, холос. Аммо кўпинча руҳий ижодий танглик ҳам айна шу одамларга ёмон муносабатда бў-

лишдан келиб чиқадн. Хўш, пировард натижада буидан ким ютқзади?

Менимча, бу ўриндаги жавоб ҳаммага равшан бўлса керак.

Бугун бир киши аллаким тўғрисида: «У телефон қилиб, мен учун илтимос қилса нима бўлибди...» — дейди. Эртаеига эса миннатдорчилик туйғуси сннгари гўё эскирган ортқча юкни елкасида кўтариб юришни эстамай, ҳатто, дўсти билан ҳам саломлашмайди ёки куни кеча унга ўз маслаҳати ва амалий иши билан ёрдам беришга интилган одамнинг устидап кулиб юради. Индинга эса, негадир унинг на ҳамфикри қолади ва на содиқ дўстлари. Хўш, у шунчалик истеъдодли бўлса ҳам, нега энди ижодий ҳаётдан четга чиқиб қолди ва коллективдан бегоналашди? Одамлардан, коллективдан ажралиб қолиши шахсан ўзининг айби билан бошланганини эса у хаёлига ҳам келтирмайди. Чунки ўз тақдирига эрлашган, бирор ишда кўмаклашган одамларга нисбатан юксак ҳурмат, миннатдорчилик туйғуси унга мутлақо ётдир. У, яхшиликни билмаслик — насткаш қалбларга хос хусусият экаилогини тушунмайди.

Мен бу нарсаларга унчалик аҳамият ҳам бермас эдим; негакн, ўша хатти-ҳаракатларнинг заминида ётган «ахлоқ» инсоний муносабатларнинг тошу тарозисига айланган принцип — киши кишига дўст, ўртоқ ва биродар, деган принцинга бутунлай ётдир. Лекин шундай ҳам бўладикн, бу ёрқин сўзларни минбардан туриб, китобхонлар конференцияларида, мунозараларда, янги пьесалар муҳокама қилинаётганда тилга олишадн-ю, аммо ижодий ҳаётнинг бу юксак нормаларн икки-уч киши ўртасидаги ўзаро шахсий муносабатларда бузилаётган пайтда эса, ҳамма вақт ҳам буни пайқайвермайдилар. Ахир, инсоний ахлоқ-одоб масаласида майда-чуйда ва аҳамиятсиз нарсалар йўқ-ку. Ҳар бир хатти-ҳаракат, умрининг ҳар бир дақиқаси инсонни худди кўзгудагидек яққол акс эттириб туради.

Кимки бировнинг қадрига етмаса, назаримда, бошқалар унинг қадрига етмайди.

Д е м о к р и т

Дўстлик — умр учун обиҳаётдир, чунки ҳар жиҳатдан бахт-саодатга эришган киши ҳам дўстсиз умрни ўзига раво кўрмайди.

А р и с т о т е л ь

Ўзгаларнинг қадр-қиммати ҳурмат қилинмаса инсонпарварлик туйғуси ҳақоратланади, борди-ю, инсон ўзининг қадрига етмаса-чи, унда инсонпарварлик туйғуси баттар ҳақоратланади ва озор чекади.

В. Б е л и н с к и й



## ИЗЗАТНИ БИЛИШ, САМИМИЙЛИК ВА «МАЖРУҲ» ҚАЛБЛАР

«Агар сен яна бир қадам босгин-чи, онт ичаманки, ўлдираман!» — дея шивирлади аёл.

Азиз китобхон, бу, жосуслар тўғрисидаги романдан олишган парча бўлса керак, деб ўйлаётгандирсиз балки? Кейин ўша қаҳрамон аёл ғазабнок юзлари ловуллаганча, тўппончасини чиқариб, ашаддий душманнинг қоқ юрагини нишонга олади ва уни ўлдиради, деб ўйларсиз?

Йўқ, мутлақо ундай эмас. Бу гапларни Сухуми пляжида чўмилаётган бир она ўзининг жажжигина қизчасига қарата айтди. Мен бу гапни бехосдан эшитиб қолдим.

Қизига қарата айтган гапи бошқаларнинг ҳам қулоғига чалинганини сезган хотин атрофдагиларда ўзига хайрихоҳлик уйғотиш мақсадида шундай деди:

— Эҳ, бу болалар, қулоғига сира гап кирмайди-я. Ўзи зигирдаккина-ку, тинка-мадоримни қуритди.

Бу хилдаги гапларга обдан кўнникиб кетган қизча, ҳеч нарса бўлмаслигини билганидан, пинагини бузмай қумдан кулча ясайверди.

Бу оилада ҳар кунги муносабатлар қандайлигини тасаввур этиш учун у қадар тўпқирлик ҳам керак эмас. Худди шу ернинг ўзида, пляждаёқ, назаримда, ўша муносабатларнинг муқаддимасини кўргандек бўлдим. Суви ғлиқ ва ҳузурбахш денгиздан ўн беш метр берида отпускачилар уймаланишиб ётган соябон остидаги дам олувчилар, транзисторлардан таралаётган музыка, елим халтача-

лардаги олтиндек сап-сарик узум ва нимпушти шафтоллар кичик бир оламни эслатади. Бу ерда гўё ҳамма ташвишлар унутилгандек. Денгиз, кўёш, пляж — жажал ва ҳаяжонларга мутлақо ўрин йўқ.

— Митя, нега курак оёқни кийиб ўтирибсан? У фақат сузиш учун-ку!

— Дадажон, ухлаб қолманг.

— Бўлди, энди чўмилима...

— Тамаддия қилиб олдингизми?

— Бошингдан офтоб ўтиб кетмадимиз?

— Дадажон, транзисторни беринг.

— Югурма.

— Шиппагингни кийиб ол.

— Дадажон, нега газетани бошингизга тўсиб олдингиз?

Ниҳоят, ўзаро меҳрибончиликлар медаларига теккан ота ва бола тушга яқин пляждан чиқиб кетишди. Олдинда бораётган отаси ўзича нималарнидир мингиллар, орқадаги ўғли эса маънос бир кайфиятда курак оёқни қум устида судраб борарди.

Очиғини айтганда, бунда бирон-бир қуюшқондан чиқадиган гап йўқ. Фақатгина отаси, ҳар секундда тергаб туришига ўғли мутлақо орзуманда эмаслигини ўйламас эди. Ўғли-чи? У ҳам отасининг боласи-да, отасини бир дақиқа ҳам тинч қўймаётганлигига у айбдор эмас-ку, ахир? Хўш, шу муносабатларни маданий деб бўлади-ми? Маданий дейиш қийин. Мен, орадан ҳафта ўтгач отаси:

— Яна бир қадам босиб кўргин-чи — ўлдираман!.. — деб ўшқиради демоқчи эмасман.

Ҳозирнинг ўзида ҳам, ахир, ота билан бола бу суҳбатдан бирор наф олиб, кўнгиллари ёзилаётгани йўқ-ку. Улар ўртасидаги муносабатнинг кейинги босқичи бир-бирдан аччиқланишга, ундан сўнг эса, адоватга айланиб кетиши ҳам эҳтимол.

Яхшиси, катталар билан болалар ўртасидаги муноса-

батларнинг айрим жиҳатларини кўрмаганга олиб кетган маъқул. Шунда осон кўчади ва ҳадеб аҳамият беравер-маслик жуда ўринли эканлиги билинади-қўяди. Боринги, бола ота-онасига бир дақиқа ҳам тинчлик бермай тихирлик қилди дейлик, отаси ёки онасининг ўзгача ҳаёти, ўзгача манфаатлари, ўзларига хос ташвишлари борлиги билан ҳисоблашмади дейлик — ҳуллас, уларнинг бола манфаатлари ва ташвишларидан холи ўз маънавий дунёлари борлигини ҳисобга олмади ҳам дейлик. Хархаша қилса-қилаверсин. Баъзан эса бунинг акси ҳам бўлади, ўғил ёки қиз боланинг мустақил қадами ота-онаси томонидан ҳурмат қилинмайди ва эътиборга олинмайди.

— Ҳозир сен мактаб формангни, кейин пальтовни киясан, дарвозага чиққанда тугмаларингни солишни унутма, папкангни ол, оёғингни ҳўл қилма. Кета туриб йўл-йўлакай Толяникига кирма, Романикига эса киришинг мумкин.

Бундай узундан-узоқ насиҳатларни тинглаш ўғил бола учун ҳам, қиз бола учун ҳам зерикарли бўлади.. Умуман, бунақанги насиҳатлар бутунлай ортиқча... Уларда катталар дунёсига ҳурмат уйғотадиган зигирча ҳам маъно йўқ, бу шундайгина кўриниб турибди-ку, ахир. Ҳатто бундай «панд-насиҳат» тариқасидаги бамаъни гаплар ҳам болалар томонидан жиддий қабул қилинмайди.

— Ахир, нима қилай? Ваняжонини жонимдан ҳам яхши кўрсам. Ундан бир дақиқа ҳам кўз узмайман. Пешанамга битган якка-ю-ёлғиз фарзандим шу! — дея гап уқтирди жонқуяр бир она. Синф раҳбари унга ўғлини эркинроқ қўйиши ва энг муҳим масалаларингина тайинлаб туриши тўғрисида маслаҳат солган пайтида:

— Бола меники, юрагимнинг бир парчаси у! — деди хафа бўлиб.

Фарзандини инсон, шахс сифатида ҳурмат қилиш,

мустақил қадамини қадрлай билиш, фикрларига қулоқ солиш, уни ота-она чизган чизиқдан чиқмасликка мажбур бўлган тентак деб ҳисобламаслик зарурлигини эса, ўша она хаёлига ҳам келтирмас эди. Бола шахсий ҳаётидаги ҳар бир майда-чуйда нарсада унга ҳурмат билан қараш, бўлар-бўлмасга аралашавермасликдан аини ота-она ва бола, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги алоқа маданияти пайдо бўлади.

Айниқса, жиддий ҳодисалар юз бераётган пайтда одамни ҳурматлаш, хушмуомалалик ниҳоятда зарурдир. Ҳа, ким бўлишидан қатъи назар, ҳар бир ишга қўполлик билан бурун суқишдан одам ўзини тия билиши керак. Мен бир марта мана шундай шеър ёзган эдим:

### ИККИ УРТОҚ

Бир болакай ҳамда қизалоқ,  
Иккаласи тутинди ўртоқ.

Бу дўстликни болакай роса  
Ардоқлади ўртоқ сингари.  
Қизалоқни уйигача то  
Кузатарди оқшом кезлари.

Томошаю ўйинга икков  
Етаклашиб боришган талай.  
Қизалоқни қайлиқ, деб бирров  
Ўйламаган аммо болакай.

Ота-она галварслар эса  
Шундоқ гаплар дейишди беғам:  
«Қаранг! Бизнинг Таияга роса  
Айланишиб қолди куёв ҳам!»

Эшик очиб қолса қўшнилари,  
Жилмайишар: «Хўш, Федя, қуллуқ!  
Елган бўлсанг Таияга агар,  
Билиб қўйгин, келин уйда йўқ!»

Қаранг, ҳатто! Мактабда ҳатто!  
Бўлиб қолди улар гап-сўзи:  
«Бу дўстликни не дейсан оббо?  
Комсомолнинг қаёқда кўзи!»

Пайдо бўлса икковлон дарров  
Шивир-шивир четда албатта:

«Уйланмоқчи эмиш Иванов,  
Куёвликка олмоқчи патта!»

Бу дўстликни болакай аммо,  
Ардоқларди дилдан доймо.

Севги сирин бегона тамом,  
Ҳўламаган эди то шу кун —  
Қизларга ўч, шилқим деган ном  
Ортиришни билмаган бутун.

Болакайнинг дўстлик аъмоли  
Тоza эди, бокира, ошкор.  
Унут бўлди бул ҳис тамом!  
Завол топди бул туйғу яқбор!

Завол топди қув ҳазиллар-у,  
Бетийиқлар кулгиси сабаб,  
Завол топди бу гўзал туйғу  
Пасткашларнинг қутқуси сабаб.

Бу шеърим «Юность» журналида босилиб чиққан  
эди.

Орадан сал ўтмай Ростов-Дондан хат олдим.

«Салом, Сергей Владимирович! Сизга 9-синф ўқув-  
чиси мактуб йўллайпти.

Яқинда сизнинг «Икки ўртоқ» шеърингизни ўқидим.  
Менга ёқди. Сиз унда ҳамма нарсани ҳаққоний, худди  
ҳаётдагидек тасвирлабсиз. Бу тўғрида ёзаётганимнинг  
боиси шундаки, мен ҳам бир қиз билан дўст тутинган-  
ман, икковимиз бешинчи синфдан бери аҳилмиз. Бир-  
миз доскага чиқиб жавоб бераётганимизда, имтиҳон топ-

шираётганимизда иккинчимиз, пима бўларкин, деб қанчалар ҳаяжонга тушганларимизни қўяверинг! Мабодо биримиз мактабга руҳимиз тушиброқ келсак, иккинчимиз ҳам маъюсланиб қолардик, ўртоғимизнинг нега ҳафалигини билишга урилиб, унинг кўнглини кўтариш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилардик.

Аввалгига икковимиз бир партада ўтирардик. Тўсатдан синфимизга янги синф раҳбари келди-ю, бир кунини синф соатида ўқувчиларни бошқа-бошқа жойга ўтқазиб бошлади, мени ҳам Галядан ажратиб ўтқазди — мен дўст тутинган қизнинг номи шундай эди. Энди икковимиз синфнинг икки бурчагида ўтира бошладик.

Бизни ажратиб қўйишганидан ниҳоятда афсусландиг-у, яна бирга ўтқазиларини илтимос қилдик, лекин барибир бунга кўнишмади.

Умуман, бизни ажратиб ўтқазилганига ҳайронмиз, ахир, биз дарсларда қайтага жимгила ўтирардик. Синф раҳбарига шунини айтсам, у: «Агар бир-бирларинг билан гаплашмасанглар, унда нега бирга ўтирамиз деярсизлар?» — деб қолди. Очигини айтсам, мен ўша пайтда бу саволдан доддираб, қандай жавоб қилишни билмадим.

Кейин: «Сиз ўзингиз бир партада дўстингиз билан ўтирардингизми ёки дуч келган киши билан ўтираверардингизми?» — деб савол бермаганимга ниҳоятда ачишиб юрдим. Менимча, у, дўстим билан ўтирардим, деб жавоб бериши турган гап эди.

Ўша қиз шундоққина мактаб рўнарасидаги уйда яшар эди. Синфимизнинг ойинасида қаралса, уйдан чиқайтгани ва мактабга келайтгани кўрилиб турарди. Бир марта болалар билан дераза олдида турганимизда, ўша мен дўстлашган қиз синфимиздаги бошқа бир бола билан уйдан чиқиб кела бошлади. Ёнимдаги болаларнинг бири буни кўриб, шундай ёмон гап айтдики, уни Сизга

ёзиб ўтиришни эп кўрмадим. Аммо у шунақангн қабих гап айтдики, мактабда бу — беадаблик ҳисобланади... Шунда мен унинг тумшугига мушт туширдим. Бола буни кутмаган эди, бироқ ўзига келгандан сўнг ҳам мен билан ёқалашмади. Эҳтимол, у ўз хатосини тушуниб етгандир, эҳтимол шунчаки кўрққан бўлиши ҳам мумкин. Умуман, мен ёқалашинини ёмон кўраман (кучсизлигимдан эмас, кучим ҳозирча етиб ортади), кучлиман деб мақтаншини ёқтирмайман. Лекин ўшанда ўзимни тутиб туролмадим, ваҳоланки, илгарилари бунақанги тентаклар билан тент келиб ўтирмас эдим.

Ҳозир Галя мендан узоқда, шаҳарнинг нариги бурчида яшайди, аммо сал бўш вақтим бўлди дегунча уни кўргани бораман, бўш вақт деганимнинг боиси шуки, энди мактабдаги дарслардан ташқари мустақил дарс тайёрлашга ҳам тўғри келади.

Хуллас калом, дўстлигимиз ҳанузгача узилгани йўқ.

Бу гапларни мен Сизга шунинг учун ёздимки, ўша Сизнинг шеърингиздаги бола билан қизнинг дўстлиги барбод бўлган экан, бунга биринчи навбатда ўшаларнинг ўзлари айбдор, деб ҳисоблайман. Умуман олганда, улар ўртасида чинакам дўстлик бўлгани ўзи?

Завол топди қув ҳазиллар-у,  
Бетийиқлар кулгиси сабаб,  
Завол топди бу гўзал туйғу  
Пасткашларнинг қутқуси сабаб.

Агар чинакам дўстлик бўлганда, менимча, у шу тарзда завол топиб кетавермас эди.

С а ш а С.»

Сана ҳақ: ён йиғитчанинг ўз севгисини, ўз дўстини ҳимоя қилишга, айрим катта ёшдаги кишиларнинг ёшларнинг шахсий ишларига ҳам беандишаллик ва қўноқлик билан аралашаверишларига қарши чиқишга мутла-

қо ҳақи бор. Ёшларнинг қалби нозик бўлади... Буни зинҳор унутмаслик керак.

Хўш, бу билан нима демоқчимиз? Ҳеч нарсага ара-лашмаслик, иззат сақлаб четда туравериш керакми? Унда гамхўрлик, меҳрибонлик қаёқда қолади? Ўзаро муносабатлардаги самимият қаёқда қолади?

Баъзилар: «Агар ўзим яхши бўлсам-у, бунинг устига ҳар бир кишига самимий ёндошсам, иззат сақлаб сипоҳгарчилик қилиб туришим шартми? Юрагимга яқин бўлган одамни тез-тез кўрсам, у билан шодликларим ва қайгуларимни, раж ва аламларимни ўртоқлашсам, менга шуниси яхши! Мен унинг ҳамма сирларидан хабардор бўлишга ҳақлиман ахир!»— дейиши мумкин.

Майли, дўстим менга истаган вақтда мурожаат этаверсин — бундан мен фақат хурсанд бўламан. Демак, одамлар бир-бирларига қанчалк самимият билан ёндашсалар, ораларидаги сипоҳгарчилик шу қадар камаяр экан-да?

Назаримда унчалк бўлмаса керак. Мен атайлаб «сипоҳгарчилик» деган кескин сўзни танладим. Буни бошқача қилиб айтсам ҳам бўлади: чегарадан ўтмаслик, бировнинг вақтини олмаслик, дейиш ҳам мумкин. Ўталинг, шамоллаганинг, қўшнингнинг ёмонлиги ҳақида гапириб, ҳамсуҳбатнингнинг жонига тегма, дейиш ҳам мумкин. Ҳа, шундай. Жонига тегмаслик керак. Шундайлигини ҳамма билади. Лекин, таассуфки, кўпинча тартиб-қонда бир ёқда қолади-ю, одамлар кўнгиллари тусаганча иш тугаверадилар. Баъзан бировнинг юраги «тўлиб кетади», баъзан: «Э, ўзпизнинг одам-ку! Ундай сир яширишнинг нима ҳожати бор?» — дейишади, баъзан эса: «Мен бир оддий кишиман, дангалига айтавераман, одатим шунақа!» — дейишади.

Оқибат-натихада нима бўлади?

Ёшлар аразлашиб қолишади. Куёв ўртоқлари билан «ичиб», ҳасратини ёзади, келин эса дугоналарига юраги-

ни ёради. Иккови ҳам ўзини нуқсонсиз, дангалчи одам деб ҳисоблайди. Дўстларидан яширадиган сирлари йўқ, ҳамма билан апоқ-чапоқ яшай олишлари мумкин. Лекин икковлари ҳам бир-бирларига озгина бўлса-да, хиёнат қилишди. Балки унча таниш бўлмаган, бир-бирини шунчаки биладиган кишилар ўртасида сипоҳгарчилик туйғусини туғдирувчи қандайдир тортинчоқлик ҳам керакдир, балки шунда ўша туйғу бояги ёшларга ўзларининг ўткинчи ғазобларини босишларида ёрдам берган бўлармиди?

Ана ўшанда ҳаммага: улфатларга ҳам, дугоналарга ҳам дуруст бўларди, улар шикоят тинглаб ўтиришмасди, энг муҳими эса анави келли-куёвга яхши бўлар эди.

Ёки бошқа бир воқеани олайлик. Икки дугона узоқ вақт бир-бирларини кўрмай юрдилар. Охири учрашиб қолдилар. Шод-хуррамлик. Қонфет билан чой ичишди. Ярим соат суҳбатлашишгандан сўнг икковнининг ҳаётидаги ҳамма нарса — эрларининг маошидан тортиб, оилавий муносабатлардаги икир-чикирларгача аён бўлди-қўйди.

Негадир театр, музика, китоб тўғрисидаги гапларга, бир-биридан узоқ бўлган кишиларининг «киборий» суҳбати, деб қараш расм бўлган. Қалин ошналар эса, баъзан ўртадаги иззат-ҳурмат, сипоҳгарчиликни ҳам йиғштириб қўйиб, тўғридан-тўғри «шахсий» ташвишлардан гап бошлашлари керак эмиш. Шунини тўғри деб биллиб, унга амал қилганлар кўплаб топилади. Қарабсизки, охири бориб «шахсий» масалаларни ҳам қадричлантиришди, қизиқиш доираси ва ўзаро суҳбат мавзусининг арзимаган нарсалар — шахсий ҳаётдаги воқеаларнинг оддий тафсилоти даражасигача саёзлаштириб, ўзлари эса маънавий қашшоқлашиб борадилар.

Балки, ўша киборийликдан ва муносабатлардаги сипоҳгарчиликдан қўрқмаслик керакдир?

Эҳтимол, шунда ҳаммага нафли бўлармиди, ана

шунда дўстлар ўз ҳамсуҳбатни ҳаётидаги майда шир-чиркирларгача аралашиб, арзимас яра-чақаларга ҳам малҳам қўйиб, «салга мажруҳланидиган қалблар»нинг нозиклигини ва заифлигига ачиниб ҳам ўтиришмас-миди?

Бориники, ўша «жароҳатлар» аслида бор ҳам дейлик, унда ҳадеб ўша ҳақда гапиривериб, эски дардини қўзғамаслик ва ундан хаёлаш қайта-қайта озор чекиб юрмаслик лозимдир, балки шу тўғрида ҳам бош қотириб кўришга тўғри келар? Бу зорланиш ва ҳасратлар охири бориб ўзи кечирган ҳиссиётлардан завқланиш касалигига айлашиб кетмасмикни?

Агар юрак чинакамига назокатли бўлса, бу назокат ҳозиргина ўқиб тугатилган китоб тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларда ақс этади, қарабсизки, бундай суҳбат бари-ча улфатларга ҳам ёқади ва уларни қизиқтиради. Бунақанги суҳбатда дўстлар ўртасида самимият пайдо бўлиб, дабдурустдан кўнгилининг бутун авра-астарини очиб ташлаш ҳолларига, бориб-бориб пинҳоний тарзда ёки очикчасига: «Яна бир қадам боссанг — ўлдираман!» қабилидаги асаб портлашларига олиб келувчи носипоҳгарчиликка чек қўйилади.

Ҳазабини тиёлмаган бояғи опанинг қизини севишини яхши биламан. Лекин рўнарасидаги шахснинг ҳаловатини авайлай билмаслик, муносабатларда айни хиралikka йўл қўймайдиган ўзаро ҳурматнинг, бир сўз билан айтганда, «мен» билан «ўзга» ўртасидаги ўзига хос сипоҳгарчиликнинг йўқлиги («ўзга» агар дунёдаги энг яқин кишининг бўлган тақдирда ҳам) — шуларнинг бари ўта самимий муносабатларни ҳам бир уюм кесакка айлантирувчи жоҳилликка, ўшанақанги асабий портлашга олиб келади. Шуниси ачинарлики, ўша портлатгич ҳам бир қарашла жўнгина кўриган — муомалани билмаслик, тилни тия олмасликдан келиб чиқади.

Бунга ҳам одамни ўргатиш керак, ўргатганда ҳам болаликдан ўргатиш керак.

Одамларга — сўзига эмас, ишига қараб баҳо беришларини яхши билганимиз учун (бу, албатта, тўғри!) баъзан биз тилга жуда лоқайд қараймиз. Эҳ, бу қанчалар нотўғрики!

Менимча, одамлар билан алоқа қилишдаги юксак санъат — суҳбатдир. Ёқимтой ва билимдон суҳбатдош бўлиш қанчалар яхши, айни пайтда, бировнинг жингига тегмаслик, маъруза мавзуси билан уни камситмасликнинг аҳамияти жуда катта! Ҳа, гап «камситмаслик» тўғрисида боряпти, чунки агар суҳбатдош билан фақат жўн нарсалар ҳақидагина гаплашилса (оилавий жапжаллар, ҳасталик, диспёҳликлар, пардоз-андозлар), демак, ўша гапирётган киши — дунёқарашни тор, қолоқ одамдир.

Мен оилавий ташвишларни бутунлай назар-эътибордан чиқариб ташлаш керак демоқчи эмасман. Йўқ! Аммо бундай суҳбатлар меъёридан ошмаслиги ҳамда суҳбатдошларнинг шахсиятини камситиш даражасига етиб бормаслиги лозим. Киши кишига дўст, ўртоқ ва биродар — жамиятимизнинг пойдевори ҳисобланган кишилик муносабатларининг мана шу принципини дўстлар, ходимлар, қўшнларнинг майда-чуйда оилавий масалаларига ва шахсий кечималарига ҳам аралашавериш ҳуқуқига айлантириб юбормаслик керак. Бугунги ҳаётимиз (фан, санъат, ижтимоий турмуш ҳақида!) шу қадар боғ таассуротлар берадики, шу қадар янги-янги муаммоларни қўядики!

Ижтимоий муносабатларнинг юксак маданий даражаси энг яқин дўстлар, энг қадрли ва сеvimли кишилар орасидаги алоқа маданияти даражасини ҳам қандай кўтариш тўғрисида бош қотириб кўришни тақозо этади. Нима учун шу муносабатларда илтифот, босиқлик, турли нарсалар билан қизиқиш масалалари баъзан ортиқча нарсалар деб қаралади? Менга, коллектив ҳар қанча

аҳил ва мустақкам бўлганда ҳам кундалик онлавиий ҳаёт ва иш одамларни барибир шундай шаронтга солиб қўядики, кимдир кимдандир ранжийди ва шунда у қизишмасдан иложи йўқ, деб эътироз билдиришлари мумкин. Тўғри, кишилар бир-бирларидан доимо мамнун бўлмайди. Баъзи пайтларда юракни бўшатиб олиш ҳам керак-ку? У ёки бу масалада ўз фикрингни, эътирозингни билдирмай пложинг йўқ, ахир?

Анчадан бери қизиқиб юрганам бир киши ҳақида гапириб бермоқчиман.

Кунларнинг бирида мени ғоят истеъдодли бир ёш олим билан таништиришди, у камтар, ўз институти лабораторияси ҳаётига муккасидан шўнғинган, эшитишимча, ходимларига нисбатан жуда талабчан, улар ўртасида катта обрў қозонган йигит экан.

Мен ундап ходимлари билан қандай муомалада бўлишини сўраб-суриштирдим, ўртадаги совуқчилик, ортиқча ғараз ва жанжалларни қандай бартараф қилишни билан қизиқсиндим. Очигини айтишим керак, аввалига унинг жваоби мени ҳайратга солди. Маълум бўлишича, у, иззатда туриш ва «атайлаб индамай» жазолаш сиёсатини қўллар экан. Сўзсиз, сен ўз соҳанг бўйича нэми чиққан, ҳурматли кишисан, сен билан ҳамма ҳисоблашадди, лекин бу, одамларни қандайдир «оралиқ доира» да, маълум узоқликда тутиб туришингга ҳуқуқ берадим.

Бироқ унда нима учун ходимлари ўша олимни бу қадар ҳурмат қилишадди? Бу ерда қандайдир сир бордир хойнаҳой. Тезда ҳаммаси равшан бўлди-қўйди: эрани очик қиламан, деб жаижаллашиб юриш ва қўпол сўзларни ишлатиш ўрнига у мана шу «атайлаб индамаслик» сиёсатини қўллар экан, жанжал ва қўпол сўзлар эса, хотираинг туб-тубида умрбод кўнгилсиз из қолдиришни барчага аён гап. Ўша олим ўзининг талабчанлиги ва ишга ёндошишидан ташқари, яна ниҳоятда хушмуомала ва мулойим киши экан. Ишга бир оз мазаси қочиб келганда

ҳам, ҳатто, лаборатория ойнасини ёпиб қўйишларини илтимос қилишдан ийманар экан. Бировни хафа қилиш, унга бақриш, кўнглига тегадиган гап айтиш унинг учун мутлақо бегона экан. Демак, бундан шу нарса маълум бўладики, ишда ҳам, сўзсиз оилавий ҳаётда ва дўстлар орасида ҳам ҳар қандай ишни хотиржамлик билан битирса бўларкан. Сан-манга бориш, ҳар хил ғийбатлар-у, қизиққонлик ўрнига атайлаб индамай тишни-тишга қўйиш, снпоҳгарчиликни сақлаш тузук экан, шундай қилинганда охири бориб одамларнинг бир-бирларига муносабатлари-ю, ўзаро ҳурматлари бурунгидай сақланиб қоларкан.

Илтифот ҳам худди ҳар кун инафас оладиганимиз ҳавадек, ҳаётнинг билинмас, аммо ажралмас заруратига айланмоғи керак. Умуман суҳбат қура билиш санъати ва хусусан, сўз танлай олиш — ўша заруратнинг энг муҳим томонларидан биридир.

Яқинда бир яқин ўртоғимнинг ўғли уйланди. Уни табриклагим келди-ю, Бахт уйига қараб йўл олдим. Бахт уйига кираверишда ҳава ранг «Волга»лар ялтиллаб турибди, тепасига иккита никоҳ узуги қўшалоқ қилиб ўрнатилган. Бахт уйи дарвозасидан қўлларига гул кўтарган қувноқ, ҳаяжонга тушган ёшлар чиқиб келишарди. Лекин кимлар қайси машинага ўтиришини тезда ажрата олмаганлари учун (ҳар қалай, шодлик онларида шундай бўлиши табиий ва бунини кечириш мумкин) куйди-пишди бўлиб юрган тўйбоши: «Нимага бир ерда қаққайиб қолдинглар? Ҳар бирингизни қўлингиздан ушлаб машинага ўтқазиб қўяйми?» деб, нақ осмонда юрган ёшларни биратўласи ерга олиб тушиб қўйди. «Қайси эшикка қараб кетяпсизлар? Бу эшикнинг берклигини қўрмаяпсизларми, кўзингиз борми ўзи», деб яна бир йиғит билан қизни койиди, улар ҳақиқатан ҳам берк эшикка кирмоқчи бўлаётган эдилар.

Эҳтимол, тўйбоши чарчагандир. Аммо бугунги шодибёна, Бахт уйи остонасига қадам қўйган ҳар бир йиғит-

қиз учун қайтарилмас ва унутилмас дақиқалар эди. Тўйбоши эса бахтидан маст бўлган бунақанги ёшларни ҳар куни кўравериб, зериккан эди.

Лекин, бундан қатъи назар, одам фақат ўзи ҳақидагина эмас, бошқалар тўғрисида ҳам ўйлаши керак-ку, бундай дақиқаларда ёшларнинг қувончини поймол этиш — жиноят-ку, ахир?

Китобхонлар мени тағин нотўғри тушунпшмасин, Бахт уйларида, истисно тариқасида, одамларнинг кайфиятини авайлаш керак, бошқа пайтда эса бундай қилиш шарт эмас, деярли деб ўйламасинлар. Ҳар қандай шароитда ҳам илтифот истисно эмас, зарурат бўлмағи лозим ва зарур.

Яқинда мен нашриётга кирдим, у ерда Лушенька деган бир аёл кўп йиллардан бери дастёр бўлиб ишлайди. У пенсия ёшига етган-у, лекин ҳамон уни Лушенька деб аташади. Гўё бу самимий, эркалаб айтилгани эмиш.

— Кеча қоғозларимни расмийлаштиришим учун маҳаллий комитетга кирсам: «Исм-фамилиянгиз нима эди?» — деб сўрашапти. Лукерья Алексеевналигимни билишмас экан. Мен уларни оталарининг номи билан атаб, ҳурматлаб чақираман-у, улар бўлса худди қиз болага гапиргандай: Лушенька дейишади...

У жаҳли чиқмай, ҳатто, негадир кечирим сўраётгандек жилмайиб туриб айтди бу гапларни, аммо шунга қарамай, мана шу арзимаган нарсдан ҳам, самимиятни нотўғри тушуниш инсонни таҳқирлаши мумкинлиги сезилиб турарди. Балки бировга ўз самимийлигини изҳор қилаётганингда маълум чегарадан ўтмаслик ҳам лозимдир, ўша чегарадан ўтилганда эса, илиқ инсоний муносабатлар бетакаллуфликка, олифтагарчиликка айланиб, инсон шахсиятига ҳурматсизлик билан қарашга олиб келар?

Мен, «салга мажруҳланувчи» қалблар, самимият ва сипоҳгарчилик хусусидаги, муносабатларимизни янада

кўнгилли қила олиши мумкин бўлган юқоридаги фикрларимни рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир, деб даъво қилмоқчи эмасман. Мен, аввало, ўз-ўзинга, қолаверса дўстларинг ва яқин кишиларингга ҳурмат уйғотадиган муҳим майда-чуйдалар ҳақидагина гапириб ўтишни пестадим...





## ИШҚИЛИБ, ҚҰЗ ТЕГМАСИН

Қадимги файласуфлар, бахтиёр яшамоқлик учун бахтсизликдан қочмоқ даркор, деганлар. Лекин қандай қилиб қочса бўларкин? Уша файласуфларнинг ўзлари яна, эҳтирос ва хоҳишларга йўл бермаслик зарур, деб насиҳат қилишадди.

Аммо бахтсизликдан қочиншнинг кўпчиликлка аён жуда кўп оддий, синалган воситалари ҳам мавжуд. Омад ва омадсизликнинг, муваффақият ва муваффақиятсизликнинг муҳим белгиларини билиб олмоқ керак.

Масалан, йўлингизда сизга қаққайган ёғоч дуч келиб қолди. Бугун ўйингизда кўнгилсиз воқеа бўлмаслиги учун ўша ёғоч атрофидан ўн уч марта айланишингиз керак.

Мабодо мушук... орқангизда келаётган одамга йўл беринг, хосиятсиз нуқтани биринчи бўлиб у кесиб ўтсин ёки турган жойингизда тезда бир айланиб, чап елкангиз оша уч марта туфлаб ташланг, фалокатдан қутуласиз.

Агар қўлэзмангиз ерга тушиб кетса, дарров устига ўтириб олинг, акс ҳолда уни босишмайди.

Уч хил рангли мушукни кўрсангиз, уйингизга бахт келади. Бу азалдан маълум гап...

Ўзининг келажак тақдирини олдиндан билиш ва унга «таъсир ўтказиш»нинг яна бошқа йўллари ҳам бор. Масалан, тушнинг маъзини чақа билиш ҳам катта «фойда» беради. Шундай тушлар борки, улар ҳаётдаги омадингни «олдиндан айтиб» беради, яна шундайларни ҳам борки, яхшиси, кўрмаганинг маъқул.

Хурофот-бидъатми бу? Майда-чуйдаларми?

Ҳа, ҳаммаси майда-чуйдадан, тантиқликдан, бошқалардан алоҳида бўлиб ажралиб туришга интилишдан бошланади-ю, баъзан охири бориб... Одатда ҳаётдан олинган дейиладиган мисоллардан келтирмоқчиман.

Яқинда жанубий шаҳарларнинг бирида жойлашган санаторий даҳлиздан ўтиб бора туриб, скамейкада ўтирган бир аёлга кўзим тушди. Қўлида қарта бор эди. Бир неча кунгача — эрталаб ҳам, кечқурун ҳам, туш пайтида ҳам — у қарта чийлаб, хаёлга толиб ўтирганини кўрдим. Инамадир бўлди-ю, аёл билан гаплашиб қолдик.

Аёлнинг исми Тамара эди. У олий маълумотли, ветеринария врач экан, бу ерга дам олишга келган экан. Зерикмаслик учун ўзи билан қарта олволган экан. Бир куни кечқурун қартани столга ёзиб қараса, уйида «хиёнат» содир бўлганмиш. Фақат шу тутуруқсиз «далил»ни деб, уйига қайтиб боришга уялибди. Эри билан телефонда гаплаша туриб, атайлаб унга ҳазил-мутойиба қилиб ўзини қувноқ тутибди. Лекин унинг дам олиши эса бутунлай заҳарланган эди. Эрталаблари у пляжга бормасди (чўмилиш кўнглига сиғармиди!), кечқурунлари кинозалда ҳам кўринмасди (бу ҳам унга ортиқча эди!). Нонуштадан то тушликкача, тушликдан то кечки овқатгача у фақат қарта чийлаш билан овора бўларди. Кўп ўтмай унинг ёнига бошқа аёл ҳам қўшилди. «Хиёнат қилибди, кўнглида ўзга ёр...» Икковларининг дам олишларига пурта етказиш учун мана шу асоснинг ўзиёқ кифоя қилди. Қуёшда қорайиш ва чўмилиш ўрнига — валокордин шишачаси ва беллоид доначалари ишга тушди.

Уйга қайтишдан олдин Сухумга бормоқчи бўлдим, унчалик узоқ эмас, ники соатлик йўл эди. Шу атрофга қатнайдиган поездга тушдим. Одатдагидек: вагондан контролер ўтди, кетидан корзинасига ёнгоқ, нок ва узум солганча буфетчи аёл ўтди, қаердадир тамбурда саёҳатчи йигит-қизлар гитара жўрлигида ашула айта бошлашди... Шу пайт тўсатдан тақдир сирхоналарига разм со-

либ кўришга даъват этувчи шанғи бир овоз қулогимга чалинди. Угирилиб қарадим... Барваста бир пўрим йигитча тўтиқуш кўтариб турибди. Йигитчага ўн тийин узатсанг — тўтиқуш қармоқсимон тумшугини шапкага тикади-да, найча қилиб ўраб қўйилган юпқа қорозчани олиб беради. Унда қўйидаги ҳикмат ёзилган: «Бахтингиз олдингизда турибди, аммо сиз олдин муҳим давлат қорозларига эга бўлишингиз зарур. Қора кўзлардан эҳтиёт бўлинг ва сирингизни дўстларингизга ишонманг. Сизга ўз сахийлигингиз зиён етказадим». Демак, одам ўзи учун: яқин кишиларингизга ишонма ва сахий бўлма, деган машъум хулоса чиқариб олиши керак.

Москвадаги тор кўчаларнинг бирида ҳозир бузиб ташланган, қийшайган эски бир иморатча бўлар эди, у ерга эрталаблари уялганидан атрофга олазрак аланглаганча ўзларининг истиқболи ва ўзгаларнинг ўтмиш сирларини билишга ошиққан кишилар кириб боришарди. Эшик қўнғироғи чалинганча, хизматкор чиқиб, келувчини қабулхонага бошлаб кирарди. Кейин ҳаммаси худди хусусий врач қабулхонасидагидек давом этаверарди. Қабулхона навбат кутувчилар билан тўла, икки сўм ҳақ тўланади. «Кутувчилар» хонага кириб, ўтиришади. Сўнгра фолбин аёл пайдо бўлади... Хонадан чиқиб кета туриб, айримлар кулишар, айримлар эса йиғлашар эди.

Қабулхонада ўз «тақдири»ни пойлаб ўтирганлар орасида кимларни учратмайсиз денг! Чоллар, кампирлар, (улар-ку, майли-я), лекин физика-математика факультетида ўқиётган ёш-ёш қизлар, яқиндагина етуклик гувоҳномасини олган йигитчалар (буниси анча даҳшатли!).

Бир куни Ленинградда Эрмитаждан чиқиб, Адмиралтейство томонга қараб юрдим, дўстимни кутиб дам олиб турмоқчи бўлдим-у, у келгунча соҳилдаги хиёбонга қўйилган скамейкага бориб ўтирдим. Кечки пайт. Студентлар машғулотдан қайтаётган эдилар. Ёнимдаги скамейкага икки дугона келиб ўтирди. Гапларидан улар филология факультетининг студентлари эканлигини билиб

олми қийин эмасди. Шу пайт дугоналардан бирининг ёнига қора кўйлакли бир хотин келди. Қиз билан пичирлашиб гаплашди. Унинг овози чала-чулпа қулоғимга чалинарди. Аммо гапининг охирини аниқ эшитдим:

— Эртага беш сўм олиб келсанг — «катта китоб»да ёзилган қайтариқ оятни бераман сенга... Одамларга ёрдам беряпти-ку, нега энди сенга нафи тегмас экан?

— Пул олиб келасизми?— деб сўрадим, бояги аёл кетгандан сўнг қиздан. Қиз уялди. Лекин насихатгўйлик қилмаслигимга кўзи етди шекилли, жилмайди:

— Билмайман... Эҳтимол, келмасман. Аммо у кўп нарсаларни тўғри айтди. Кўп нарсаларни тўғри топди...

— Хўш, масалан, нимани?

— У: «Ишинг чатоқ, сен хосиятсиз заминда турибсан» деди.

— Бу нима дегани?

— Утган йили бувим ўлди... Ҳа, яна бошқа ғам-ташвишларим ҳам анчагина. Сиз кулманг. Хўш, ушнинг айтганлари бирдан ёрдам бериб қолса-чи, тўғри чиқса-чи? Эҳтимол, яна бир бахтсизликнинг олдини оларман?

— Дарҳақиқат, фолбиннинг хизматига тил теккизиб бўлмайди,— дедим мен. Кейин қора кўйлакли авлиё хотинни мазах қилишга уриниб кўрдим, чунки кулги ҳар қандай насихатдап минг чандон кучли!

Охири қизларнинг чеҳраси очилди. Кейин кулишди — демак, ғалаба қилдим! Сўнгра бояги «хосиятсиз замин»да турган қиз менга бир парча қоғоз узатди:

— Мен буни ҳозир ундан бир сўмга сотиб олдим. Қайтариқ оят эмиш. Ўқиб кўринг.

Ҳарфлари кўзга аранг ташланаётган юпқа варақни очиб кўрдим (бу, машинкада босилган текстнинг саккизинчими ёки ўнинчими нусхаси эди). Учиб кетган хира ҳарфларни зўрға ҳижжалаб ўқидим: «Тўлин ой чиққан пайтда унга кўз узмай тикил ва: «Ҳой, сиз, парилар, қирмиз чеҳра, ширинсуханлар. Қай манзилга йўл олдингиз?...»— дея такрорла.

— Биз ўрмонларни ёндирмоқ, сахий шоввозларнинг қалбини тилка-пора қилмоқ учун денгизгача борамиз.

— Ҳуру парилар, у (ўз номингни айт) иззат қилмоғи, севмоғи ва қадрламоғи учун, (унинг номини айт) юрагини, жигарини, талоғини куйдиришлар».

Рўпарамда ўтирганлар — студент қизлар эди. Ҳозиргина улар Блок тўғрисидаги ўзлари қатнашолмай қолган лекциянинг конспектини кимдан сўраш, Васильевск оролндаги бир қатор мактабларга лотин тилини кириштириш, кейин қобилиятли болаларни классик бўлимга танлаб олиш ҳақида гаплашаётган эдилар. Бирдан қараб-сизки... «жигарини, талоғини куйдиришлар»га ўтиб кетишди. Кўринмайдиган томони ҳам аллақачоноқ расмга туширилган ой Ленинград устига чиқишини пойлаб туриб, улар: «Қай манзилга йўл олдингиз...»— дея шивирлашиб ўтиришса-я. Шуларни ўйлаб туриб, ҳайрон бўлиб қолдим. Наҳотки улар стипендияларининг беш сўмини театрга эмас, «одамларга ёрдам бераётган» «катта китоб»дан олинган қайтариқ оятга сарфлашса?

Шу сўзларни ёза туриб, борди-ю, китобхон қизлардан бири қўлига қоғоз-қалам олиб, ўша китобдаги афсун-оятни кўчириб қолар, балки ўша юпқа қоғозга ёзилган сўзларни қайчи билан қирқиб олар, дея ўйлаб кетдим. Ўша қизларни мен яна учратиб қолдим. Мен ҳам, улар ҳам эски қадрдонлардек бир-биримизга қараб жилмайишдик, улардан, қалай, фол очиш ёрдам бердими, деб сўрадим. Икковлари ҳам кулиб, бу шунчаки ҳазил эди, дейишди. Кейин улардан бири:

— Дугонам ойга қарайвериб, ўша гапни такрорлай-вериб-такрорлайвериб чарчади,— деди.— Ҳеч нарса бўлгани йўқ! Қайтага имтиҳондан йиқилди.

Баъзилар ҳар хил ирим-сиримларга ишонадилар ва унга амал қиладилар. Лекин бундан ҳеч қандай наф кўрмасликлари аён. Шундай кишиларга қараб беихтиёр кулгинг қистайди. Ахир биз ўн олтинчи асрда эмас, йигирманчи асрда яшаймиз-ку!

Мана, яқиндагина кинода ўйнаган ёш артистга келган иккита хатни олиб кўрайлик. Биринчи хат муаллифи томошабин қиз, иккинчи хат эгаси эса — унинг отонаси. Томошабин қиз, хойнаҳой, юқори синф ўқувчиси бўлса керак, артистнинг ижроси ўзига ёққани ва уни севиб қолганини ёзибди. Ота-онасининг мактуби эса қуйидагича: «Бизниқига меҳмон бўлиб келинг. Шу ерда яшайсиз. Қизимизга сиз жуда ёқиб қолибсиз. У бадавлат келинчак бўлади. Ҳовли-жойимиз, сигир-бузоғимиз, боғ-роғларимиз бор. Сиз бизникида яшаб, ялло қилиб юрасиз!»

Бемаъни хат. «Яшаб, ялло қилиб юрасиз» — улар ҳузур-ҳаловатни шундай тушунишади ва қизлари учун куёвни «сотиб олса» бўлади, деб ўйлашади. Хойнаҳой қизлари ҳам бир ердаги чўшни иккинчи ерга олмай, бекорчилик билан кунини ўтказса керак. Нима қилишини билмай зерикканидан, келишган актёрларга хат ёзади. Ота-онаси учун эса фақат қизлари бахтли бўлса бас, улар ҳатто қизлари учун ҳам, бўлажак куёвлари учун ҳам ишлашга тайёр. Ваҳоланки, улар бекордан худо бозор деганларидек, бекорчи одамлар бахтли бўла олмаслигини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Бекорчилик фақат ўйин кулгига иштиёқ орттиради. Яна қанақанги ўйин-кулги денг. Энг бемаъни ўйин-кулгига иштиёқ орттиради.

...Бир одам ухлаб ётибди. Соат тунги учда қулоғи остида телефон жириглайди. У ҳайрон бўлиб, уйқусираб трубкани олади. Қимдир ҳиринглаб, трубкага пуфлаб, кейин илиб қўяди. Қимнингдир уйқуси қочган-у, бекорчиликдан шу тақлид ўзича кўнглини ёзашти.

Машҳур эстрада қўшиқчиси уйига ҳар кун маълум бир вақтда қандайдир бир санъат ишқибози қўнғироқ қилади-да, концертда қўшиқчи аёл кўпинча ижро этадиган ашулани мингирлаб айтади, сўнгра трубкани илиб қўяди. Уртада бир ой, икки ой, уч ой ўтади. Ниҳоят, кишиларни ваҳима босалиган бўлиб қолади. Соат мили тун-

ги ўн бир яримга яқинлашган сари ҳамма асабийлашиб, кута бошлайди. Ҳозир қўнғироқ қилинади. Кейин хиргойн. Сўнгра трубка илиб қўйилади. Бутун хонадон ухламайди: ҳамма ҳаяжонда, ҳар хил тахминлар қилинади...

— Телефон станциясига арз қилинг,— дея маслаҳат беришадн ёр-биродарлари.

— Ноқулай... балки ақли кириб қолар,— деб хўрсинади аёл.

Қўнғироқ эса тўхтамайди. Бекорчиликдан, хунобликни ёзиш, шунчаки ҳавас учун қилишади. Ҳар тунда аниқ бир вақтда бировнинг уйига қўнғироқ қиладиган ўша одам учун ҳаёт ниҳоятда зерикарли. У ўз ақли ва қалби учун бирор-бир бамаъни таскин тополмайди-да, қалбидаги ўша ҳувиллаган бўшлиқни нима биландир тўлдиришга уринади. Кимдир бутун ирим-сиримларни ёида сақлаб, туз, мушук ёки қаққайган ёғочга онд ҳамма безарар одатларга амал қилади, кимдир телефон трубкасига ёпишади, кимдир ойга қараб хўрсинганча алланималарни шивирлайди. Ваҳоланки, уларнинг ҳар бири одамларга нафи тегадиган фойдали иш топишлари мумкин эди... Ҳар хил беҳуда нарсаларга қимматли вақтини совурган киши фақат ўзингагина эмас, яшаб турган жамиятига ҳам хиёнат қилган ҳисобланади. Мияси ўрта асрчилик сарқитлари билан заҳарланмаган одам қанчадан-қанча фойдали ишларни қилиши мумкин, ахир. Вақтингизни бушақанги бемаъни ишларга хиёнаткорона совурманг.

Маънавий қашшоқлик. Зеркишдан қутулишни билмаган кимса ўзининг маънавий саёзлигини нима биландир тўлдириш учун одамларга тескари иш қилади. Фол очдириш ҳам — зеркишдан, телефонда сурбетлик қилиш ва пинҳона хат ёзишлар ҳам — зеркишдан ва ниҳоят, ишқий ҳангомалар ҳам — зеркишдан, фиску-фасодлар ҳам — зеркишдан, бидъат-хурофотлар ҳам — зеркишдан.

Балки, шу «тантиқликлар» ёнидан кўз юмиб ўтиб кетаверишимиз катта гуноҳдир?



## МУҒАМБИРЛИК

Биз уч киши ўтирибмиз. Мен, дўстим ва унинг иккинчи синфда ўқийдиган ўғли. Игорь аллақачоноқ мудраб ўтирар, отаси эса «уйқу олдидан» баҳоларппи бир текширмоқчи бўлиб, унга кундалигини олпб келишини айтди.

— Кундалигимни шанба кунни кўрсатаман сизга. Инмасини кўрасиз? Бугун тўртта беш олдим,— Игорь шундай деди-да, дадасини ўшиб, ухлашга кириб кетди.

— Агар унинг гапига қарасанг,— деди отаси, ўғли эшнкни ёпгандан сўнг,— бешларидан нақ ойгача кўприк солиб бориш мумкин. Лекин учларини гапирмайди. Муғамбирлигини қара! Ҳамма болалар шу...

— Аммо сезяпсанми: муғамбирлиги зўр-ку.

— Ҳа, у анойн эмас!— деди отаси ғурурланиб.

Аслида бу гап тўқпшми ёки ёлғончиликми? Умуман, хаёлпарастлик билан ёлғончилик орасида фарқ борми ўзи?

Бир қиз катта йўлда велосипед ҳайдаб кетяпти. Орқасида, уни маҳкам қучоқлаб олганча, бир болакай ҳам бор. Бирдан у ваҳимага тушиб шивирлайди:

— Вера, энди у ёққа борма. Тўхта, тўхта... Кўрмаяпсанми, тўр тортиб қўйилганини? У ёққа ўтиб бўлмайди, у ерда сеҳргар бор.

Бу — ёлғончилик эмас. Бу болаларча хаёлпарастликдир. Ҳозирбали, нурли хаёлпарастлик. Беғараз хаёлпарастлик! Бу ерда ҳеч

қандай хийла ҳам йўқ, ўз фойдасига муғамбирлик қилиш ҳам йўқ, менимча, энг муҳими мана шунда.

Катталар ҳам хаёлпараст бўлишлари мумкин. Бир дўстим бор, унингга таниш-билишлари меҳмондорчиликка боришни яхши кўришадди. Чунки у ерда бир дақиқа ҳам ҳазил-мutoйиба тинмайди. Масалан, у столга вино олиб қўяди. Шишаси артилмаган, чапг бўлади.

— Мен БАРда бўлганимда фиръавини...бу устига сировсин териси қопланган вино...

Унинг саргузаштлари шу даражада қизиқ, шу даражада қувноқ бўладикки, уни ёлгон дейишга сира тил бормайди. Ҳамма ичаги узилиб кулади ва меҳмондўст уй эгасидан мамнун бўлади. Тафсилотларни икир-чикиригача аниқ айтиб бермоқ ниятида гапга қўшилиб турган хотинининг, шиша гастрономдан олигани-ку, қабилдаги луқмалари ҳам бу хаёлпарастлик сеҳрини бузолмайди...

Ижод кишинининг хаёлпарастлиги — майли у болами ёки каттами — ҳамшиша беғараздир. Улар поэтик хаёлпарастлик оламини тарк этолмайдилар, бундай қилиш қўлларидан келмайди. Аммо уларнинг «уйдирмалари» ҳар қандай таъмағирликдан холидир. Бу уйдирмалар улардаги тасаввур, қобилиятнинг зўрлигидадир.

Бола мактабдан қайтиб келиб, йўлда йўлбарсларни кўргани ва йиртқишлар ниҳоятда ювошлигидан унга озор беришмагани, шу сабабли уларнинг биронтасини ҳам отмаганини гапирса — бу чинакам хаёлпарастликдир. Лекин у шу гапига қўшпмча қилиб: «Мен йўлбарслар билан овора бўлиб, дарсини ҳам, бугун контроль иш борлигини ҳам эсимдан чиқариб қўйибман, кейин мактабга боролмадим...» деса, бу муғамбирона алдамчилик бўлиб, у маълум бир мақсадни кўзда тутиб айтилган бўлади.

Баъзан биз ҳар кунги юз бериб турадиган «безарар» ёлгончиликларни салга кечириб юбораётган бўлмайлик тагин?

Масалан, дейлик, юмуш билан «раҳбарлик»ка қўнғи-роқ қилишади.

— Уртоқ Булатовми?— деб ўсмоқчилайди секретарь. — У кишини ким сўраяпти? Николай Гавриловичми? (У бошлиққа савол назари билан қарайди. Бошлиқ эса «йўқ-ман» дегандай қўлини силкийди.) Уртоқ Булатов министрликда. Эҳтимол, куннинг охирида келар, эҳтимол, бутунлай келмас...

Николай Гаврилович ёки унинг ўрнидаги бошқа ҳар қапдай одам ҳам анойн эмас: нима учун ўз номини қаттиқ такрорлашганининг сабабини билади. Лекин бирон нарсаи исбот ҳам қилиб бўлмайди. Уртоқ Булатов ҳузурига ҳозироқ етиб борпшга эса унинг вақти йўқ. Ноилож ўша ишни «кейини»га қолдиради. Одатдаги сансоларлик пиллапоясн бу. Тўғри, бугун бўлмаса, эртага ҳамма иши ҳал этилади. Аммо «олдипроқ» ҳам ҳал қилнш мумкин эди-ку. Бундан ҳамма ютган бўларди, ахир.

Мен ёлғончилик тўғрисида илмий рисола ёзиб, унинг ҳар хил кўринишлари: киборларга хос ёлғон (одоб юзасидан), арзимаган ёлғон (тахминан ҳозир эслатиб ўтганпиздек), ҳазил-ёлғон, олифтагарчилик учун қилинган ёлғон, обрўйи тўқилишидан қўрқиб айтилган ёлғон ва бошқа хил ёлғонларни тадқиқ этмоқчи эмасман. Мен давлат, халқни алдаб, рақамларни остин-устун қилувчи кўзбўямачилар тўғрисида ҳам гапираётганим йўқ. Ваҳоланки, бундай ёлғончилик жиноятга айланиб кетади. Мен умуман, қонун кодексига биноан жазога лойиқ бўлган ёлғончиликлар ҳақида ҳам гапираётганим йўқ. Вақти келиб, ҳаётнинг ўзи жазосини берадиган оилавий ёлғончилик хусусида ҳам гапираётганим йўқ. Умуман, мен ёлғончилик қилиш яхши эмас, деб ўғит айтмоқчи ҳам эмасман. Бу шундоқ ҳам ҳаммага аён.

Йўқ, мен баъзи пайтларда машина тўхтаб қолмаслиги учун моторни мойлашга кетадиган зиғирдаккина мойга қиёс этилгувчи арзимас ёлғончилик хусусида гапир-

япман. Осон яшаш учун гўё бир оз ёлгончилик қилса ҳам бўлар эмиш, яна ўша ёлгончилиكنи хаспўшлайдиган: «юмшоқроқ гапир», «юз хотир қил», «кўнглига қаттиқ тегма» қабилдаги ибораларнинг топила қолганини айтинг. Ваҳоланки, ёлгонни ҳар қанча яширма, бўяб-пардозлама барибир ёлгонлигича қолаверади, бир кун бориб: саросима ёки тик «қарай олмаслик», виждон азоби ёки уйқусизлик алдаб орттирилган таги бўш обрўдан ва иззат-ҳурматдан айрилиб қолишдан қўрқиш сингари ҳолатларда намоён бўлади, сўзсиз, иситмаси ошкор қилади. Хуллас, ёлгончига қийинми ёки алданган одамгами, буни ҳам ўйлаб кўриш керак. Ҳар қалай, ёлгончи ҳам ўз ҳийласининг қурбони бўлади, чунки у мабодо виждони азобланмаган тақдирда ҳам (ахир, виждон ҳам бориб-бориб сийқалашиб кетиши мумкин), ҳамisha: «Фoш бўлиб қолсам-а?» деган қўрқинч ва ваҳима билан яшайдн.

Бу эса — энг оғир жазодир.

Бирор киши ҳақида «ёлгончи одам» деган фикр туғилса, бу унинг умри хазон бўлди, деган сўз. Ёлгончиликдан ҳам кўра оғирроқ номуссизлик йўқ!

Номуссизлик... Ҳа, бу энг даҳшатли нарса.

«Шуни бажаришга... сиз чин ваъда бера оласизми...»

Мана шу «чин ваъда бера оласизми» деган сўз наҳотки иккала суҳбатдошнинг ҳам иззат-нафсига тегмаса? Ёки: «Қелинг, очиқчасига гаплашамиз!»— дейишади. Демак, ҳамсуҳбатларнинг бири иккинчисига чин гапирини шарт қилиб қўяётган экан, унда шеригининг тўғрилигига ишонмас экан-да? Хўш, шеригининг тўғри гаплар қаторида ёлгонни ҳам қўшиб юбориши мумкинлиги ҳақидаги фикр унинг хаёлига қаёқдан кела қолди?

Яхшиси, дангалига «ҳа» ёки «йўқ» деб қўя қолган дуруст. Шаъма ва муғамбирлик қилмай, кесатмай, ёлгон гапирмай, ҳақиқатни рўй-рост «ҳа» ёки «йўқ» деб айтган маъқул. Ҳақиқат — оддий ва улғувордир. Ҳақиқатни айтиш шунчалик қийинми?

Ҳа, баъзан жуда қийин бўларкан. Лекин кимки аччиқ ҳақиқатни тикка айтишга ўзида ирода топа оларкан, барибир ўша ютиб чиқади. Чунки эл-юрт ҳамма вақт айни ўшандай одамни ҳурмат-иззат қилади. Ахир, мана шунинг ўзиёқ энг олий мукофотмасми? Ёки аксинча... Атрофингдагилар сени ҳурмат қилмай, яхши фазилатларнинг сохта шақилдоқларини илиб олган қалбаки ҳақўй, қалбаки олижаноб одамни ҳурмат қилсалар (маълум вақтгача, албатта!)—бу сенга алам қилмайдими, ахир?

Болаларни алдаган ота. Томошабинни ва китобхонни алдаган санъаткор. Ҳамкасбини алдаган хизматдош. Дўстига хиёнат қилган ўртоқ. Ёлғончилик вақти келиб беш панжадек билинадн-қўяди. Вақт синовига чидаш беролмаган: сохта олижаноблик ҳам, юзаки дўстлик ҳам, ясама санъат ҳам чил-парчин бўлиб, кули кўкка созурилиши турган гап. Бундан кўпроқ ким жабр кўради? Алданган кишимн ёки алдаганми? Ҳаёт қонуни қатъийдир: сохта ғолиблик мағлубиятга айланиши шубҳасиз.

Айниқса, катталарнинг болаларни онгли равишда, атайлаб риёкорликка ўргатншлари даҳшатлидир.

Вова Т. деган ўқувчи «Мен ўз иккиларимга қандай муносабатда бўламан» деган мавзуда соддадилларча дангал фикр юритилган иншосини ёзибди.

«Мен ўз иккиларимга қандай муносабатда бўламан? Иккиларим ойм билан дадамни жуда қаттиқ хафа қилади. Иккиларни кўрганда улар довдираб қолишади. Лекин ўқитувчилар иккиларни барибир тўғрилаб қўйишади, чунки икки баҳо учун бошлиқлардан танбеҳ эши-тишади».

Иншо остига қизил қалам билан каттакон нкки қўйи-либ, ўқитувчи бежирим хуснихати билан қўйидагиларни ёзибди: «Вова, дафтар — бу, расмий ҳужжат; сен шундай деб ўйлашинг мумкин, бироқ бу ҳақда дафтарга ёзишга ҳаққинг йўқ. Буни бир умр эсингда тут». Тагида — ўқитувчининг чиройли имзоси. Бунақанги «ёзма буй-

рук»дан кейин болани ҳақиқатгўй қилиб тарбиялаш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас-ку?

Бунақанги «педагогик васиятнома»ни кўриб, Вованинг иншоси билан ўқитувчининг фикрини менга жўнатган ота-оналар қалбни қандай туйғулар қамраб олганини билиш ҳам у қадар қийин эмас. Буни қарангки, ўқитувчининг шу насихатини Вова «бир умр» эсида тутиши керак эмш — боланинг қалбига ёлғончилик ва рпёкорликнинг говак пойдевори мана шундай солинади.

Ҳозиргина кутилмаган бир меҳмонни кузатиб, эшпкни беркитдим. Александр П. деган ҳаваскор шоир келибди. Илгари у ўқувчилик пайтидаёқ менга шеърларини, қалин қўлёзмаларини юбориб турарди. Кейин бир неча марта заводда чиқадиган кўп тиражли газета нухсаларидан юборди, баъзан тўла саҳифада унинг расми билан шеърларини беришар эди.

Суҳбатимиз жуда ўнгайсиз бўлди.

У ишлайдиган заводда уни анча ҳурмат қилишаркан, яхши кўришаркан: кимсан шоир, ахир! У билан фаҳрланишаркан: жиддий, ақлли, истеъдодли йигит, деб ўйлашаркан.

Лекин Александрга бу шуҳрат камлик қилиб, кўнгли яна ҳам зўрроқ тақаллуфни тусаб қолибди. У тунларини кутубхонада ўтказадиган бўлибди. У ўқир экан. Ўтмишдаги у қадар помн чиқмаган кўпгина шоирларни ҳам биларкан. Унутилиб кетган шоирларни ҳам... Александр ўша мжодкорларнинг энг маъқул шеърларини танлаб олиб (шубҳасиз, унинг диди анча-мунча дуруст эди), уларни ўз фамилияси остида заводда чиқадиган кўп тиражли газеталарда боса бошлабди. Кейин эса, ҳар қалай, унинг кўчирмачилигини фoш этишибди.

У, умидларининг бари пучга чиққани учун ҳам ҳузуримга келган эди: ўртоқлари энди унга бурунгидай жиддий қарамай қўйишибди; севган қизи ҳам «елкасини қисибди-ю», юз кўрмайдиган бўлиб кетибди. Рўпарамда обдан эзилган, ўзини йўқотиб қўйган бир кимса турар-

ди. Тўғри, унинг маънавий софайишига умид қилса бўладиган айрим белгиларни ҳам сездим: энди у ҳалол ишламоқчи. Янаги гал у ҳузуримга шахсан ўзи ёзган шеърларини олиб келадиган бўлди-ю, шу билан биз хайрлашдик. Майли, у қадар санъаткорона чиқмаса ҳам, аммо ўзи ёзган, юрагидан ҳис этган, самимий шеърларини олиб келадиган бўлди. Энг муҳими: бу, фақат ҳалол шеърларгина эмас, бировлардан ўғирланган, кимлардандир гўё ижарага олиб турилган турмуш эмас, балки ўз турмуши ҳақидаги шеърлар бўлади.

Шунга аминманки, майли шеърдами, майли туйғулардами — одамларни алдаш, ўзинг ҳақингда уларда сохта тасаввур туғдириш ва маълум вақтгача шунга ишонтириб юриш — бу, бировдан ўғирланган бегона ҳаёт билан яшаш, деган сўздир. Бунга умуман ҳаёт демаса ҳам бўлади. Бу ўз шахсий ҳаётидаги энг қимматли адолатни ўзи ўғирлагандек гап.

Бориники, бунақанги ёлғончиликни ҳеч ким фош этмади ҳам дейлик. Бориники, ёлғончиликнинг ҳақшўй афтангорини бирдан сезиб қолган одам ҳам заҳарханда жилмайганча, ишдамай кетаверди дейлик. Лекин эртаги ёки кечми ёлғончи барибир: «Оҳ, нима қилиб қўйдим-а?!» — деб аттанг қилади.

Сўнги пушаймон эса...





## ҚАЛБИНГГА ҚУЛОҚ СОЛ

Қўлимда Тая исмли ўқувчи қизнинг хати. У Улуғ Ватан урушидап кейин орадан саккиз йил ўтгач туғилган. Таянинг хати «Комсомольская правда»да босилганди. У ўз хатида газетхонлар билан самимий дардлашган, фикрлари менга маъқул тушган эди. Мен ўша хатни тўла келтириб ўтмоқчиман:

«Айтишларича, ҳар бир одам болалиги тугаган пайтин сезаркан. Шунинг учун ҳам китобларда: «Ўша кун у болалиги билан хайрлашди...»— деган ибораларни кўп учратиш мумкин.

Мен бўлсам болалигим қачон тугаганини билмайман. Қайси пайтда ва нега тугаганини ҳам билмайман. Аммо тугаганини сезиб турибман. У, ҳар қалай, тугадн...

Мен эндигина 16 га чиқдим. Дугоналарим ҳали ҳам баъзан қўғирчоқ ўйнайдилар ва бир кун бориб эрга тегишларини айтншса, аччиқланадилар. «Болалар...» Гоҳо-гоҳо шўхлигим тутиб, бурнимни тортганча, акам билан олишиб кетгим ёки мушукни диванга боғлаб қўйгим келса, хўш, шунга нима бўлибди. Бу борйўғи ўткинчи дақиқа, холос. Чунки болалигим тугаган. У энди сира қайтнб келмаслигидан, дугоналарим ва синфдошларимга қараганда улғайнб қолганимдан кўнглим хижил бўлади.

Хойнаҳой, мен ҳаддан ташқари «ақлли» дирман. Тагин мени мақтанаяпти, деб ўйламанглар, асло. Ўзимни «мақтанчоқ» сифатида тасаввур этишимнинг ўзи роса кулгимни қистатади. Хусусан, бу ерда мен ақлни қанча ки-

тоб ўқилгани, ёд олинган цитаталар, физика бўйича билимлар ва мураккаб математик масалаларни еча билиш қобилияти билан ўлчамайман, йўқ.

Мен бу ерда ҳаётни тушуниш, уни тушуна билиш хусусида гап юртияпман. Мен болалигимданоқ ўз ёшимга қараганда «ўта ақлли» эдим. Катталар шундай дейишарди. Улар мени ортиқча зийраклигим, катталарнинг муносабатларидаги кўп нарсаларни тушунганим, ёлгон гапираётганларида сезиб қолганим учун ҳам мени унча ёқтиришмасди. Бошқа болалар сингари мен ҳам талмовсирашга, фақат яхшилиқнигина кўришга интилардим-у, лекин биласизми, бу жуда қийин иш, бундай қилиш қўлимдан келмайди. Мана, энди деярли улғайганимда сўнг эса «тушунчаларим» яна ҳам кескинлашди, ўсди.

Мен қалбакиликка, ёлгон, ранж ва адолатсизликка тоқат қилолмайдиган бўлиб қолдим. Илгарилари мен катталарни — ойим, дадам, ўқитувчиларимни — ҳеч қачон адашмайдиган, ҳаминша ҳалол иш тутадиган одамлар, деб ҳисоблардим. Авваллари ҳаммасига чидаб, ўзимни мўмин-қобилгина тутардим. Катталарга гап қайтаришга юрагим бетламас эди, ҳозир эса — йўқ. Энди ҳар қандай одам ҳам — ҳо ойимни, ҳо ўқитувчимни — адолатсизлик, ёлгончилик қилаётганини кўрсам, чидаб туролмаганим учун, улар билан кўпинча тортишиб қолганим ва бу тортишувлар аксари ҳолларда йиғи-сиғи-ю, яна ҳам баттароғи — гоят оғир, гоят аччиқ, ичга ютилган дилсиёҳликлар билан тугаса ҳам, мени баъзан ўзини тутолмаган, ортиқча иззатталаб, ҳатто қўпол, деб аташади. Майли, гапираверишсин! Лекин мен яхшилиқни, қувончни, ҳақиқатни бутун қалбим билан ҳимоя қиламан!

Ҳа, муҳим шундаки, ёшим улғайгани сари менда айти шу баҳслашишга иштиёқ кучайяпти. Аммо бу серзарда, инжиқ бир жанжалкашлик эмас, баҳслашиш — бу навқирон, серхислат, агар очигини айтсам, жаранг-

дор ва ҳаётбахш бир туйғудир. Ахир, мен дунёни бил-  
япман-да. Бу ҳар бир нарсанинг илдизини ўз кўзинг би-  
лан кўришга бўлган зўр иштиёқ, интилиш эмасми. Мен  
фақат одамлар билангина эмас, айти пайтда китоблар  
билан ҳам, табиат билан ҳам баҳслашгим келади. Йў-  
қолсин мурасосозлик, йўқолсин совуққонлик! Баҳсга  
нима етспн!

Ахир, Павел Петрович Қирсановнинг муҳаббатини  
«пасткаш, қалбаки ва бенаф» севги деб таъкидловчи  
дарслик билан баҳслашмай бўладими. Йўқ, бу нотўгри!  
Чинакам муҳаббат бу. А. Куприннинг «Ёқут билагузук»-  
ида ҳам худди шундай воқеа бор-ку, ахир.

Желтковнинг севгисини юксак, покиза, нозик, гўзал,  
чинакам севги намунаси деб қарашади. Павел Петрович-  
ники эса «пасткаш ва бенаф» севги эмиш. Мен дарслик  
билан баҳслашдим, муаллима билан баҳслашдим, бу-  
тун синф билан баҳслашдим. Охири бориб ҳаммалари  
менинг фикримга қўшилишди. П. П. га ўхшаб фақат бир  
кишига муҳаббат қўйганларни ҳам юксакларга кўтар-  
моқ керак. Бу чинакам муҳаббат.

Илгарилари мен зерикарли ва аҳамиятсиз деб ҳи-  
соблаган кўпгина нарсалар энди менга мутлақо бошқа-  
ча бўлиб кўриняпти. Аввал мен ҳужжатли фильмларни  
ёқтирмасдим. Ҳозир эса, ҳатто, баъзи бадний фильмлар-  
дан кўра кучлироқ иштиёқ билан кўраман уларни. Ил-  
гари мен шеърятни тан олмас эдим. Энди эса усиз яшай  
олмайман.

Мен ўсяпман. Мен ақлли бўлиб бораман. Ҳа, худди  
шундай, ақлим тўлишади. Мен донишмандлик гўё фақат  
мўйсафидларга хос, деб юрувчилар билан баҳслашган-  
ним-баҳслашган (оббо — яна баҳслашмиш-а!). Йўқ. Айти  
биз, айти ҳозир донишманд бўлмоғимиз лозим. Ахир, до-  
нишманд одам — бу ҳам ақлли, ҳам адолатли, ҳам меҳ-  
рибон, ҳам ҳаққоний, ҳам... Эҳ, дунё, мен сени ўргана-  
ман. Сен, мана, кўз ўнгимдасан. Мен сени ҳалитданоқ  
унча-мунча ўрганиб олдим. Лекин фақат унча-мунчаги-

на ўргандим, чунки сен шу қадар буюк ва мураккабсанки, мен бўлсам, гарчи ёшим улғайганига қарамай, зигирдаккинаман ва оддийгинаман. Аммо барибир мен сени тушуниб етаман. Ахир, мен инсонман!».

Таня ранг-баранг, катта ҳаётга, мураккаб инсоний муносабатлар, тушунчалар, туйғулар дунёсига қадам қўйяпти. У ўзи ҳақида, ўзининг ҳаётдаги ўрни ҳақида ўйламай иложи йўқ. У, ўз ўрнини топа билиши ва ўзини бахтиёр ҳамда одамларга керак деб ҳис этишига халақит берадиган ҳамма ровларни енгиб ўтишига ишонса бўлади.

Бошқа муаллифлар қатори менинг асарим чиққан бир тўпلامнинг номи «Туйғулар тарбияси» деб аталади. Шу китоб чиққандан сўнг менга Марина Н. исмли рус тили ва адабиётидан дарс берувчи ростовлик ёш муаллиманинг хатини юборишди. Мактуб Пушкин мисралари билан бошланар эди:

...бахтлидир сўз измин  
дастига олиб,  
Тафаккурни тобе этолган  
инсон,  
Бахтлидир, қалбда гар илон қўзғолиб,  
Гувранса, ўшани маҳв этолган жон.

Хатда шундай сатрлар ҳам бор эди:

«Туйғу маданияти хусусида бутун бир китоб ёзилибди! Лекин инсоннинг ўз-ўзи билан ички кураши ҳақида эса лом-лим дейилмабди. Ваҳоланки, айрим пайтларда ўзининг ижтимоий ҳаётдаги рақибларининг билан олишишдан кўра мушкулроқдир. Бунда овозининг қўйиб гапиролмайсан, аммо зиддиятли фикрлардан, ғазаб ва аламдан азоб чекасан. Модомики, туйғулар маданияти ҳақида сўз кетган экан, нима учун одамларга ўз-ўзини, ўз ҳиссиётларини ижтимоий ҳаётда ҳам гапиролмайди? Пушкин эса бу ҳақда гапирган! Биз бўлсак бу «майда» нарсаларга эътибор беришдан ҳайиқамиз».

Марина Н. самимий, очиқчасига, ҳаққоний хат ёзибди. Қўриниб турибдики, ўз-ўзини тарбиялаш, маънавий

поклик масалалари уни ҳаяжонга солган. Мана, ўша мактубдан яна бир парча:

«Яқингинада мактабга боришнинг ўзи ҳам мен учун шу қадар азоб эдики. Миямга нуқул қандайдир жирканч фикрлар келарди. Тилла тишли,ғижим-ғижим кўйлак кийиб келадиган муаллимани кўрсам, кайфиятим бузиллари (ваҳоланки, ўша аёлнинг меҳнатсеварлиги ва ақллилигини пайқамабман). Назаримда, ҳамма одамларнинг хатти-ҳаракати таъмагирлик, айёрлик, нафрат, макр-ҳийладан иборатдек бўлиб кўринарди. Бу ёмон нуқтаи назарим бошқаларга сезилиб турган бўлса керак, хойнаҳой. Бунинг уларнинг муомалаларидан сезардим».

Хатни ўқишни вақтинча тўхтатай. Эҳтимол, Марина ўзини ортиқча танқид қилиб юбораётгандир. Эртадан кечгача у фақат атрофдагиларга ичи қоралик қилиб ва улардан нафратланиб яшаганига ишониш қийин. Аммо ҳозир менга унинг кайфияти эмас, балки атрофини ёмон одамлар ўрамаганлиги, қайтага ўзи бошқалар тўғрисида ёмон фикрда бўлганлиги ҳақидаги хулосаси маъқул тушяпти.

Киши ўзидаги шу камчиликни кўра билса — демак, бу ўз-ўзини тарбиялашда қўйган унинг дастлабки қадамидир. Ајрим ҳолларда гумончи одамнинг фақат ўзигина ўйлаб топган қандайдир «иккинчи» ҳаёти ҳам бўлади. Бунинг устига, шу ҳаёти унинг кундалик ишларига тўхтовсиз таъсир ўтказиб туради.

Қўлимда ҳаваскор муаллифлардан бирининг қўлёзмаси турибди. Мана, унда олинган парчалар:

«Уша учар пасткашнинг пешанаси, пойабзали ва портфели ҳам бир хилда ялтирар эди. Бесўнақай гавдасига қараб туриб, у катта-катта гўшт бўлақларидан бунёд бўлганми, дейсиз». Шу хилда давом этаверади. Хатто: «Бунақанги пасткаш қалбларнинг сарқити билан қўлингизни ифлос қилманг», деб ҳам юборилган.

Қўлёзма ва унга илова этилган мактубни ўқиб чиқяпман. Унда романистни гўё хизматдошлари хўрлаб,

қийнаганлари, (чулки муаллиф — ҳали ҳаваскор ёзувчи). унинг роман ва повестларини ҳаётимизни бузиб кўрсатувчи ҳақорат асар, дея қоралаганларидан шикоят қилинган эди. Танқидчилар ишлатган қанчадан-қанча ёмон таърифларни эса, келтириб ҳам ўтирмасмиш.

Бироқ муаллиф аини ўзининг асабийлигини сира юмшатомайдиган, қачон қараса тунд, қизиққон кайфияти учун атрофдагилар мутлақо айбдор эмаслигини эса тушуниб етмас эди. Шунақаси ҳам бўларкан-да.

Ҳа, майли ичи қоралик кишини азоблайди, дейлик. Бировнинг қобилияти ёки овози, ёки нафис почапўстини бор... Биров мукофот олади, илмий кашфиёт очади, сценарий ёзади, операдаги бош ролни ижро этади. Ичи қора одамда эса дарров: бу ерда гап қобилиятда эмас, шунаки унинг ҳомийлари, таниш-билиш, ҳамтовоқлари бор, деган фикр тўғилади. Артист меҳнат қилади, ўз олдига юксак мақсадларни қўйиб, қийинчиликларни энгиб ўтади, ичи қора одам эса, тунлари мижжа қоқмай азоб чекиб, соғлигидан айрилади, иғво тарқатади, ғийбатга муккасидан кетади. Агар у яхши одам бўлганда-ю, қайтага концертга бориб, кўнглини ёзарди. Ахир, бунда кимга ёмон? Артистгами ёки ичи қора одамгами?

Агар... Агар шубҳа-гумонлар бир четга итқитиб ташланса-чи? Уни юракка яқин йўлатилмасачи!

Лекин унда зийраклик бўшашиб қолмасмикин?

Зийраклик ва шубҳа-гумон... Мен дунёга қора кўз-ойшак билан қараш ва оқибатда бурни остидан нарини кўрмасликка қаршиман... Лекин бир-бирини хошликда айблайвериб, иккови ҳам сувга чўкиб кетган илон ва қурбақа тўғрисидаги машҳур латифа қаҳрамонларига тақлид қилиб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ. Охири бориб атрофдагиларнинг бари муттаҳам, товламачи, лаганбардор, юлғич, манфаатпараст, деган тасаввур мияга ўрнашиб қолиши ва кўринган одамнинг ҳаммасини, ҳатто, ўз фарзандларигача носамимийлик ва айёрликда айблаб, мана

шу ўзи яратган хаёлий дунёда азоб чекиб яшаш қанчалар даҳшатли, ахир.

Онла аъзолари кечки таом атрофида ўттришибди. Кампир-буви гулдор рўмол ўраб, ясаниб олган. Мўйсафид-бобо эса ишдан келиб кийимларини ўзгартирмаёқ ўтира қолди. Шу пайт невараси унинг тиззасига қўғирчоғини отиб юборди. Қизчанинг ойиси ва дадаси эса, бундан отамиз хафа бўлмасин тагин, деб хавфсираб, ўша заҳотиёқ:

— Нега қўғирчоғингни бобонгга отдинг?— деб уни исканжага олишди.

Қизча ўзини нима деб оқлашни билмай қолди. У аслида бобоси билан ўйнамоқчи эди. Бироқ, катталар хафа бўлишган экан, демак, у айбли иш қилибди. Болалардаги мантиқ шундай!

— Қўғирчоғимни бувимга ташлолмас эдим-да,— дея ўзини оқлай бошлади қизча,— бувим шойи кўйлак кийиб олганлар.

Бу ҳам болаларча мантиқ: шойи кўйлакми — демак, у қандайдир ўта нозик нарса бўлиб, уни эҳтиёт қилиш керак. Бобосининг эғнида эса унча-мунчага йиртилмайдиган пишиқ кийим-бош. Ахир қизчанинг ўзи ҳам оддий кўйлагини кийиб юрганида, унга ҳатто ўмбалоқ ошишга ҳам рухсат беришар, меҳмонга боришганда эса капалакнусха бурма кўйлагини эҳтиёт қилишини тайинлашар эди.

Аммо қизчанинг ойиси билан дадаси эса, ўз мантиқларидан келиб чиқиб, ғазабга тушишди.

Ие, бу нима дегани? Қизчалари оддий кийинган одамни менсимай, унга қўғирчоқ отиб ўтирса-я?

Бундан ранжиган дадаси қизининг бу қилиғи ёмон одатлигини эринмай тушунтира кетди, унинг бемехр кўнглини юмшатмоқ мақсадида Андерсеннинг «Швед гугуртини кўтарган қизча» эртагини ўқиб бериб, «Митти малика»ни обдан ёмонлади.

Шуларнинг ҳаммаси — Андерсен ҳам, ота ва онанинг гўдак қалбидан ёмонликни таг-тупи билан суғуриб ташлаш ниятлари ҳам гоёт ўринли, албатта.

Бироқ ўша ёмонлик аслида бормиди ўзи? Қизчанинг ота-онаси йўл-йўлакай унга дунёда: чиройли ва яхши кийинган киши яхши одамдир, фақат ўшалар билан дўст тутинмоқ керак, деган иснодли фалсафа ҳам мавжудлигини гапириб беришди. Ҳаётга бундай муносабатда бўлишнинг ёмонлигини аввал-бошданоқ тушунтириб қўйган яхши, албатта, лекин шу орада болани хафа қилиш шартми? Ахир, унга тўнкашаётган ўша машъум айбларнинг биронтаси қизчанинг ҳатто хаёлига ҳам келмаган эди-ку.

Ўз хатоларининг тузатаман десанг, ўзингга сиртдан қарай билишинг керак, деган гап бор. Дарвоқе... Жуда ўринли гап. Ўзингга нисбатан шундай талаб билан ёндашганингагина: одамларга сен ҳам кўмак берасанми ёки фақат сенга ёрдамлашчиларига ўрганганмисан, ўзгаларнинг муваффақиятидан қувона биласанми ёки йўқми — мапа шу нарсаларни синаб оласан, киши. Ҳа, ҳаётда шунақанигиз вазиятлар бўладик, одам ўзига сиртдан қарай билиш қобилияти ўшанда жуда ҳам асқотади.

Энди яна Мариша II.нинг мактубига қайтайлик.

«Кунларнинг биринда, тўсатдан вужудимда ички кураш бошланди. Ўзимни кўрлардек иш тутмасликка, одамлардаги яхши хислатларни кўра билишга мажбур этдим. Илгари гўё бойўғлига ўхшаб, фақат ёмон нарсаларни: гина-ўқинч, бировнинг қўполлиги-ю, дидсизлигини кўрар ва эшитардим. Буни одамлар дарров сезиб, бу қилиғимни қоралашарди. Шунда мен ўзимни: «Қани, сен, ўзингга ўхшаган одам билан дўстлаша олармидинг?»— деб сўроққа тутдим. «Йўқ. Улганда ҳам дўст тутинмас эдим», деб тан бердим ўзимга-ўзим. Шахсиятимдаги ёмон одатларнинг барини рўйхат қилиб ёзиб чиқдим-у, қўрқиб кетдим: шунда бошқалар кўзимга

худди фариштадек покиза кўриниб кетди. Шундан кейин мен ўзгаларнинг меҳрибонлиги, диди, ақли, ҳожат-барорлигини кўрадиган бўлдим.

Ўз-ўзимни тарбиялашим шундай бошланди ва яхши кайфият яна ҳамроҳимга айланди».

Маринанинг жуда огир руҳий курашга дуч келганини тушуниб туриман.

«Гоҳо-гоҳо,— деб хатини якунлайди у,— азоб, ўкинч, ичи қораликни енгадиган бирон-бир куч йўқдек туюлади. Ҳамма нарсанинг салбий жиҳатини кўрасан-да, бошқа одамлар ҳақида ҳам шу фикрда бўласан. Оғир хаёллар худди энл-замбил юкдек, худди тегирмон тошидек сендан нари жилмайди, лекин уни енгдингми — ўша шубҳаларинг худди кўкламги қордек эрийди-кетди. Яна, ҳам-суҳбатинг ўзига ҳамдард излаб, кимнидир иғво қилла бошлаган пайтда уни тўхтатиб қўйиш учун ҳам ўзингда ирода топа билишинг даркор. Ҳатто ўша одамнинг ўзи ҳам унинг аччиқ-тиззиқ гапларини тингламаганлари учун атрофидагиларга охири ҳурмати ошади».

Марина ёзган руҳий кураш кўз илғамайдиган, ғоят огир курашдир, чунки бу курашда ҳар бир одам фақат ўзини ўзигина қўлга олиши мумкин. Ўз қалбидаги ёмон ниятни пайқаб, ўша зумдаёқ унга қатъий чек қўйиш учун ман-ман деган одамда ҳам зўр руҳий маданият бўлиши керак...

Боринги, одам ўзини бир марта «енга олди» дейлик — аммо бу ҳали ғалаба эмас. Бу фақат ният қилинган вазифани бажариш мумкинлигини кўрсатувчи белги, холос.

Менимча, одам бутун умр «ўздан кўз узмаслиги» ва ўз хатосини сира кечирмаслиги керак. Киши ўзига кўпроқ қаттиққўл бўлиб, дўстларига нисбатан кўнгилчан бўлса — ишонаверинги, энг тўғри шиор ҳам мана шу. Инсон — «мен»ни англашдан бошланади, дейиш расм бўлган. Ёруғ дунёга келган вужуд олдида энг буюк ғаройибот — уни ўраб турган олам юз оча бошлайди: мана бу мен,

мана буниси эса бошқа... Анавилар нима? Қуёш, осмон, одамлар, дарёлар, тоғлар, ўрмонлар.

Лекин кишининг шу шахсий «мен»и барча неъматларни ўлчайдиган тошу тарозига айланиб кетса-чи? Агар инсоннинг бутун хатти-ҳаракати: «Аввалига ўзим, кейин сен. Биринчи галда менга, кейин — сенга ва умуман бошқаларга қулай бўла қолсин. Аввало мен! Биринчи галда менинг манфаатларим!»— деган ниҳоятда тутуруқсиз принципга бўйсуниб қолса-чи?

Модомики инсон — «мен»ни тушуниншдан бошланар экан, унда ўша шахсий «мен» ниҳоятда катталашиб, оламни босиб кетгудек ҳолга келган дақиқада инсонгарчилик йўқотилар экан-да?

Манфаатпарастлик... Ўзи учун, фақат ўзи учун бахт ва қувонч ахтариш... Унда нима учун айни шу манфаатпараст одамлар барибир бахтиёр бўлолмайдилар?

Халқнинг «Экканингни ўрасан», деган доно гапи бор. Демак, ҳар бир босилган қадам... Агар киши манфаатпарастликка муккасидан кетиб, одамларга ҳамиша азоб бериб яшар экан, кейин пушаймон бўлиб, босган йўлига қараган тақдирида ҳам, ҳаётини қайта бошлашга кучи етмайди: чунки вақт ўтган, умр кетган бўлади. Манфаатпарастнинг ҳаёти ўз қалбининг ҳувиллаган бўшлиққа айланиши ва атрофдагиларнинг унга нисбатан бефарқ муносабатда бўлиши билан тугалланади. Осмон эса ўз нафосати, гоҳ ёмғири билан, гоҳ тонгги нурларга, кечки шафаққа йўғрилган манзараси билан қолаверади. Гуллар ҳам чаман-чаман очилаверади. Кишилар эса манфаатпараст одамсиз ҳам яшашга кўникиб кетадилар: дунёда ундан ҳам бошқа одамлар бор-ку, ахир... Хуллас, қарабсизки, манфаатпараст киши ўз «мен»и билан яккамохов бўлиб қолаверади.

Аммо одам ўз манфаатпарастлигини ўзи англаб етadими?

Бир печа йил муқаддам халқаро конгрессда мен бир болалар ёзувчиси билан танишиб қолдим, унинг ҳикоя-

лари менга анча тузукдек кўринди. Суҳбат давомнда унинг болалар адабиётига кириб келган йўли аксари ҳолларда бўлгани каби — ўз ҳаёти ҳақида ёзилган китобдан бошланганлиги маълум бўлди. Мен, ҳар қандай одам ҳам битта китоб ёзиб: ўз шахсий тақдири тўғрисида ҳикоя қилиб бериши мумкин, деб ҳисоблайман. Жуда бўлмаганда, бир оз ёрдамлашиб юборишса бас, албатта ёзади...

Хўш, ўша ҳамкасбим билан нима воқеа юз берган экан дег?

Кунларнинг бирида унинг бошига оғир иш тушибди. Шу сабаб бўлибди-ю, у бирдан қўлга қалам олибди. Уни азобга солган барча саволлар, «қандай қилиб шу нарса юз берди-я» деган хитоблар, ўша оғир воқеаларни тўхтовсиз эсига солиб турган пойма-пой фикрларининг бари тартибсиз равишда қоғозга туша бошлабди.

Бир ҳафта давомида кечани кундузга улаб, сурункасига ёзаверганидан қалам ушлаган қўллари увишиб ҳам қолибди... Ниҳоят, юз марталаб хаёлидан ўтказган фикрларининг бари қоғозга тушибди. Тўғри, воқеалар пала-партиш берилиб, изчилликдан асар бўлмаса ҳам, аммо ғоят самимий ёзилибди. Кейин эса ўша воқеаларнинг вақти ҳам бирин-сирин қўйиб чиқилибди...

У тоза кўчирилган қўлёзмасини гўё бошқа кўз билан ўқиб чиқаркан, виждондан айирадиган, ўзгаларни менситтирмайдиган манфаатпарастларча бахтга интилиши — ўзини ҳалокатга олиб келганини сиртдан туриб кўраётгандек бўлибди.

Бунда ёзувчи учун ҳаёт мантиқи билан бадий асар мантиқи ҳайрон қоларли даражада бирлашиб кетгани аниқ эди. Фикрлар занжирини узмаслик учун биронта воқеани ҳам, биронта ибора, ҳатто сўзни ҳам бошқасига алмаштириш мумкин эмасди. Айни мана шу дақиқада у, сўзлар, ишлар, хатти-ҳаракатлар, одатлар, характерлар ва тақдирларнинг ўзаро узвий боғланганлигини ўйлаб кетган.

Мен ёзувчиликка шундай кириб келинганини эшитганимда, бу биринчи бадий асар айни пайтда инсонни шаклантирганини ҳам ҳис этдим. Ўз камчиликлари, ўз нуқсонларини кўра билиш, ҳар қалай, қўлга қалам олишдан оғирроқдир. Гап, ахир, бир кун бориб ўз манфаатпарастлигини сезиб қолишганда ҳам эмас, балки бундан кейинги ҳаётини қандай қурасан?— бу ерда бош масала мана шу. Ўз хоҳишларини тизгинлай билишни қандай ўрганиши керак? Характеринг узил-кесил мукаммалашмагунча ва шахсий истакларинг ҳали зўрлик қилиб турган пайтда ўзини қандай тутиши керак?..

Ўз манфаатпарастлигини сезмаганинг ҳолда бошқаларни манфаатпарастликда айблаш жуда ўнғай ва қандайдир ёқимли ҳамдир. «У манфаатпараст...», «У аёл манфаатпараст...» Булар қулоққа кўп чалиниб турадиган гаплар-а, шундай эмасми?

«Мен манфаатпарастман»— деган гапни эса эшитиш қийин, лекин ора-сира буни ҳам эшитиб қоламиз.

Хуллас, ҳаёт шундайки, ўзидан бошқани билмай юрган манфаатпараст одам, сўзсиз жазосини топади.

Манфаатпараст билан ёнма-ён яшовчиларга қанчалар қийинлигини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, ҳеч қачон манфаатпарастдан мурувватли ва мард одам чиқмаган ва чиқмайди ҳам, чунки олижаноблик ва манфаатпарастликнинг ҳаётини принциплари бир-бирига мутлақо зиддир. Манфаатпарастлик: мен, менга, мен учун деган ол-осонгина, хуш ёқадиган нарсалардан бошланади. Олижаноблик эса: «Сизга яхшими? Сизга қулайми?»— дейишдан бошланади. Бу нуқтаи назарга риоя қилиш унчалик осон эмас. Манфаатпарастнинг наздида эса — бу ғирт телбалиқдир.

Бағрптошлик ва ҳатто жоҳиллик ҳам — манфаатпарастликнинг доимий ҳамроҳлари. Аслида шахсиятпарастнинг мантиқи шундайки: бирон нарсага эришмоқчи-

манми, бировларни «қурбон» қилсам ҳам, албатта, эришишим керак, дейди у. Манфаатпарастликнинг яна бир белгиси: у ўз бахтсизлиги ва қайғу-аламларини дунёдаги энг оғир бахтсизлик ва қайғу-алам деб билади...

Манфаатпарастнинг муҳаббати ҳеч қандай синовга дош беролмайди. Унинг дўстлиги ҳам арзимаган қийинчиликка чил-парчин бўлиб кетади. Демак, ўз-ўзидан маълумки, бу ҳақиқий муҳаббат ҳам, дўстлик ҳам эмас.

Ўзидан бошқани тан олмайдиган манфаатпарастлик — адоват, бахиллик, асабийликни туғдирадиган афюн дир.

Манфаатпарастлик кўзни хиралаштиради, одамларнинг ишини тўғри кўриб, тўғри баҳолашга халақит беради. Иззат-нафси ҳақоратланган киши ёвуз ниятти ёлгончиликни кўрганда, ўз меҳри янглишганини пайқайди; диққат билан тинглаётган одам ҳаёсиз ҳиринглашни эшитгудек бўлса, унинг пок қалби сохта қувноқлик замирида яширинган ҳасрат-надоматни илғаб олади. Ҳиссиз манфаатпарастлик оқибатида киши воқеаларнинг фақат бир бўлагини, унинг бир томонинигина кўради, уларни тўлалигича ҳис этиб, тўғри баҳолай олмайди. Гўё бошқа кишининг ўрнида туриб, атрофда нималар бўлаётганини унинг назари билан ҳам қараб чиқиш — эртаю кеч фақат ўзини ўйлайдиган манфаатпараст шахснинг қўлидан келармикин?

*Бахтнинг сирини шахсий «мен» доирасидан чиқа билмиш қобилиятидадир.*

*Гегель*

*Манфаатпарастликдан бахт қидириш — ғайри табиийдир; манфаатпарастнинг қисмати эса ҳавас қилишга арзимайди: чунки у бадбуруш одамдир, бадбуруш одам бўлиш эса ноқулай ва нохушдир.*

*Н. Чернышевский*

*Шахсий манфаатпарастлик — пасткашликнинг отаси.*

*М. Горький*



## КУЛИШНИ БИЛАМАНМИ?

Мулойим, ширин, ёқимли табассум ҳам худди қувноқ, ҳаётбахш кулги сингаринсоннинг бир умрлик ҳамроҳига айланмоғи даркор. Аммо бунинг учун одам болалик пайтлариданоқ ҳаётдан завқлана билишга ўрганмоғи, кулгили нарсаларни тушунадиган бўлмоғи лозим.

— Инга-а! Инга-а! Инга-а!— деб йиғлайди янги туғилган чақалоқ ўзининг ёруғ дунёга келганидан дарак бериб.

Эҳтимол, бу: «Ура! Ура! Ура! Мен туғилдим! Мен яшай бошлайман!»— дегани эмасмикин.

Оилада гўдак туғилди. Ҳамма атрофида айланиб-ўргилди, гўдакнинг ҳар бир онгсиз ҳаракатини ҳам назардан четда қолдирмай, уни ўзларича изоҳлашади.

Гўдак биринчи марта кулимсираганга ўхшайди.

— Қаранглар! У кулимсираяпти!

Гўдак биринчи марта кулганга ўхшайди.

— Қаранглар! У энди куляпти!

Лекин гўдак ҳадемай оёққа туради. Уни болалар боғчасига олиб боришади. Кейин у ўзи мактабга қатнай бошлайди.

Энди у кўпинча:

— Нега илжаясан? Бу ерда кулгили ҳеч нарса йўқ-ку!

— Бунақанги қаттиқ кулма!— деган гапларни эшитади.

Яна театр, Ёш томошабинлар театри ҳақида гап очамиз. Саҳнада — комедия намоён

этиляпти. Залда мактаб ўқувчилари. Артистлар ҳам, спектаклда иштирок этаётган муаллиф ҳам ҳаяжонда. Артистлар ҳам, муаллиф ҳам... томоша залида кулги кўтарилишини кутишади. Гуриллаб кўтарилган биринчи кулги артистларнинг руҳини кўтариб юборади, кейин эса бирдан тарвузлари қўлтиқларидан тушиб кетади — спектаклнинг эпг қувноқ, кулгили жойлари келганда негадир томоша зали худди сув қуйгандай жимжит бўлиб қолади.

Танаффус вақтида муаллиф томошабинлардан бири-нинг ёнига келади.

— Сен ва ўртоқларингга бу спектакль ёқмаяптими?

— Жудаям ёқяпти.

— Кулгиларинг қистамадими?

— Жудаям қистади,— дея жавоб беради болакай пиқирлаб кулиб.

— Нега унда кулмадинглар?

— Аввалига кулган эдик,— деб очигини айтиб қўя қолади ўша ёш томошабин,— кейин синф раҳбаримиз Анна Ивановна: «Кулгини тўхтатинглар!»— дедилар. Кейин биз кулмадик...

Бу ерда фақат болаларга ва бечора Анна Ивановнага ачинишгина мумкин, холос.

Ҳазилни билмайдиган одам сал нарсага хафа бўлувчи ва шу сабабли бебахт одамдир. У кўпчиликка тезда қўшилиб кетолмайди. У гумонспрайди, ҳамма вақт асаблари таранг туради. Арзимаган ҳазилни, қочириқ, дўстона аския ва пайровни ҳам у ҳақорат деб қабул қилиши мумкин.

Аммо ўз устидан кула билиш бебаҳо хислатдир. Бунақанги одам ёмон ниятли ҳазилкашларни ҳам доғда қолдиради. Кулгили, ноқулай аҳволга тушиб қолганда бундай одам уялиб, ўзини йўқотиб ўтирмайди, «ерга кириб кетдим» деб, сохта номус ҳиссиётдан азобланмайди ва шу билан бошқаларни ҳам ўз устида ҳазил-ҳузил қилишдан маҳрум этмайди.

Мен бир ўқувчини яхши билардим, у дудуқланиб гапирарди. Аммо маълум кулгили ва айни пайтда қайғули вазиятларда у ўзининг дудуқланишини шу қадар осонлик билан ва табиий равишда ҳазилга йўйиб гапирардики, тенгдошларидан биронтасининг хаёлига унинг устидан кулиш фикри мутлақо келмас эди.

Ҳазилни билиш хислатини қадрлаш, ўстириш ва эҳтиётлаш керак. Бу баъзан кишига ҳаётининг энг оғир дақиқаларида, хавф-хатар олдида, меҳнатда малҳам бўлувчи ҳаётбахш дори-дармонга айланади.

«...Дарҳақиқат, кулгили кўринган одамлар устидан кулиш гуноҳ эмас!» Инсоннинг ақл-идроки қанчалик юқори бўлса, у қанчалик кўп ўқиган ва маърифатли бўлса, кулгили ҳодисаларни шу қадар нозиклик билан тушунади. Қўпол, бачкана ҳазиллар уни энди кулдиролмайди.

Болалар ўзларининг ҳаётпй тажрибаларп камлиги ва ҳали билим даражалари у қадар ривожланмаганлиги оқибатида кўпннча шундай нарсалар устидан ҳам куладиларки, эҳтимол ёшлари улғайганда бундай қилишлари даргумондир. Қаттиқ шамол кўчада бораётган бир мўйсафиднинг шляпасини учириб юборди. Шляпа кўчанинг ўртасида ғилдараганча кетди. Мўйсафид келишмаган ҳаракат билан қўлларини силтаганча, шляпасини қувиб, уни ушламоқчи бўлганида, лойга йиқилиб тушди. Қўлидаги халтасидан ҳамма ёққа тухумлар сочилиб кетди... Нарироқда бораётган — бу манзаранинг гувоҳи бўлган — ўқувчилар эса ичаклари узилгудай қотиб-қотиб кулишди. Аслида шу кулгили воқеами? Йўқ, аксинча, қайғули воқеа. Унда нима учун кўчада юз берган шу манзара болаларда бу қадар кучли қаҳ-қаҳа уйғотди? Ҳар қалай, ўша мўйсафиднинг кутилмаган шаронт тақозоси билан юз берган ҳаракати унинг ташқи қиёфаси, ёшига тўғри келмаслигидандир. Борди-ю, бу манзара актёр томонидан кинофильмда ўйналганда, «ростаками»

га» шундай бўлмай, «атайлаб» шунақа қилинганда, эҳтимол кулгили бўлиши мумкин эди.

Аммо одамнинг бехосдан сувга йиқилиб тушиши, цирк майдонида тарсаки ейиши, кулгили ёқалашиш манзараси, лилипутнинг кўриниши, тасқара башарали одамнинг имо-ишора билан ҳар хил қилиқлар қилиши натижасида томошабинда пайдо бўладиган кулги — чинакам кулги эмас.

Ҳазил ҳам нозик ва қўпол бўлади. Халқ эртакларидаги ҳазил бошқа-ю, бемаза латифалардаги ҳазил бошқа. Ёки масхарабозларнинг ҳазилини ва Гоголь, Чехов, Шалом Алейхемнинг ачиқ ҳазилини, Гашек ва Марк Твеннинг қувноқ кулгисини олайлик. Қиноя ва заҳархандага тўла Салтиков-Шчедрин ва Бернард Шоулар ҳазили-чи. Биз Зошченко, Ильф ва Петров асарларидаги қаҳрамонларнинг тили ва ахлоқидан қуламиз... Бу жаҳон кулги хазинасининг кичкина бир қисми хос, улар билан ҳам айни болалик чоғидан таништириб бориш керак.

Шунинг учун ҳам Самуил Маршакнинг қувноқ, шўх шеърятисиз, Агния Бартонинг сатирик шеърларисиз, Николай Носов, Анатолий Алексин, Юрий Сотник, Виктор Драгунский, Валерий Медведев ва бошқа совет болалар ёзувчиларининг қувноқ повесть ва ҳикояларисиз чинакам болаликни тасаввур қилиш қийин, чунки бу ёзувчилар юмор нималгиниц, у баъзан энг жиддий масала билан бола онги ўртаспдаги гоят яқин масофа эканини тушунган кншилардир.

Юмор ҳақида гап кетган жойда сатира тўғрисида ҳам гапирмай бўлмайди. Улар бамисоли тугишган акасингилга ўхшайди.

Кулгили нарсани болалар ниҳоятда зийраклик билан сезиб оладилар, шунинг учун ҳам улар болалар сатираси усталарининг шеърларида ўзлари ёки ўз дўстларини кўргудек бўлсалар, юракдан яйраб куладилар. Лекин улар фақат ўзлари учун ёзилган сатирик асарларни-

гина ўқиб қолмайдилар, балки катталарга аталган сатира билан ҳам таниша борадилар — «Крокодил» журналинини ўқийдилар, театр ва телевизорда катталарга мўлжалланган сатирик комедияларни кўрадилар, кинода эса — «Фитиль» сатирик журналинини томоша қиладилар.

Энг муҳими, китобхон ва томошабинлар сатириани, унинг вазифаси ва ҳақиқий мақсадини тўғри тушуна билшига ўрганишлари зарур.

Инсон бемаъни нарса устидан кула туриб, ҳаёт қандай бўлиши хусусида ўзича хулоса чиқариши ҳаммага аён гап.

«Аҳмоқнинг устидан кула туриб, шунини ҳис этаманки, унинг аҳмоқлигини англайман, нима учун аҳмоқлигини англайман, аҳмоқ бўлмаслиги учун у қандай бўлиши кераклигини англайман — демак, ўша пайтда мен ўзимни ундан анча юқори ҳис этаман. Кулгани нарса бизда ўз қадрини билиш туйғусини уйғотади...» — комедиядаги кулгининг аҳамиятини Чернишевский мана шундай тусунган эди.

Сатира — шундай жанрки, у албатта, кимгадир тегиб кетади, кимнидир хафа қилади ва кимгадир ёқмайди. Афсуски, баъзи пайтларда сатира яхши, ҳалол кишиларни ҳам ранжитиб, уларга тегиб кетади ва ёқмайди. Бу — улар, ўша одамлар ташқи белгиларига қараб туриб сатирада ўзларини кўрганлари учун шундай бўлмайди. Худди Гоголнинг чиновнигига ўхшаб, бу ўрида улар ўз амалларини ҳақоратланган деб ҳисоблайдилар, ваҳоланки сатирик амал устидан (касб устидан) эмас, балки шу амалга муносиб бўлмаган шахс устидан кулаётганини эса хаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Лекин, агар сатира сенга қарши қаратилса-чи? Агар сенинг нуқсонларинг, камчиликларинг, қусурларинг очикдан-очик, ашаддий кулги остига олинган бўлса-чи? Унда нима қилиш керак? Бу ерда ҳазилга йўйиш билан иш битмайди. Ахир, сенинг шахсиятинг ҳақоратланган, қамситилган.

Сатирикнинг муддаоси айни шу. Гоголнинг: «Ҳеч нарсадан қўрқмаган одам ҳам кулгидан қўрқади», деган гапларини эслайлик. Лекин дарров хафа бўлишга шошилма...

Агар кўзгу сенинг қиёфангни — ифлос, ювуқсиз юзингни, патак бўлиб кетган сочингни аниқ кўрсатаётган экан, у сенга гўё: «Афт-ангоринга бир қара!»— дегандай бўлади. Сўзсиз, бундан ранжиб кўзгуни синдириб ташлаш ҳам мумкин. Бироқ бу билан барибир аҳвол ўзгариб қолмайди. Яхшиси ювиниб, тараниб олган маъқул.

Бизнинг социалистик жамиятимиз хилма-хил одамлардан ташкил топган. Уларнинг бари Совет Иттифоқининг граждандирлар, аммо, ҳозирча, ҳаммалари ҳам ўз ватанларига ҳалоллик ва фидойилик билан хизмат қиляптилар, деб айтиб бўлмайди. Номига совет граждани-ю, аслида эса совет кишии деб номланишга нолайиқ бўлганларга нисбатан бизда ҳалол меҳнаткашлар, яхши кишилар кўп, албатта. Лекин шунга қарамай, аслида ўша «носует кишилар» ҳам сиз билан бизнинг орамизда яшайдилар, улар билан биз мулоқотда бўламиз, улардан озор чекамиз, бутун вужудимиз ёниб, улардан нафратланамиз ва жирканамиз. Мен бундайлар тоифасига мақтанчоқни ҳам, одамларнинг эҳтиёжига бефарқ қаровчи бюрократни ҳам, чўнтагига диплом солиб олган жоҳил амалпарастни ҳам, ўнлаб одамларни чалғитиб юрувчи фирибгарни ҳам, ўғрилик орқасида орттирган бойлиги ҳисобига яшайдиган давлат мулкининг ўта безбет талон-тарожчисини ҳам, энг ёрқин ғояларимиз соясига беркиниб олган иккиюзламачи риёкорни ҳам, яна шунга ўхшаш ўтмишдан қолган қатор қуйқаларни ҳам кўшгим келади, афсуски, шуларнинг бари шу бугунги кунимизда яшайпти, ахир.

Атоқли совет олими В. В. Воеводский яхши бир гап айтган: «Тўнқаларни айланиб ўтишмас, балки уларга қоқилиш керак — ана шунда уларни ковлаб ташлаш ўнгай бўлади». Совет сатирасининг бурчи — тўнқаларни

ковлаб ташлашдан иборат. Сатиранинг вазифаси халққа хизмат қилмоқликдир. Бошқача қилиб айтганда, янги жамият қуришимизда бизга халақит бераётган ўтмиш сарқитларига, нуқсон ва камчиликларга қарши кулги куроли билан кураш олиб бориш, деган сўздир.

Ўша камчиликларни дадил, аёвсиз таққид остига олиш тузумимиз қудратига, ишимизнинг ҳаққонийлигига бўлган чексиз ишончимизни ифодалайди.

1920 йилдаёқ Анатолий Васильевич Луначарский ўзининг «Келинг, кулишайлик!» деган мақоласида шундай деб ёзган эди:

«Кулги фақатгина қудрат белгиси бўлиб қолмай, балки қудратнинг ўзидир. Модомики, биз кулар эканмиз, шу кулгини ҳам тўғри йўлга солмоқ зарур... Кулги — галаба рамзидир.

Қачонки, инсон душман олдида ожиз экан, у душман устидан кулмайди, ундан нафратланади; мабодо баъзан унинг лабларида истеҳзоли, ўта нафратли жилмайиш пайдо бўлса, бу — зардали кулгидир, зўрма-зўраки кулгидир. Лекин қарабсизки, ғазаб борган сари кучаяди, кулги ҳам кучайиб, дадиллашиб боради. Бу — ғазабнок кулгидир, истеҳзоли, аччиқ сатирадир. Бу кулгида фош этиш наъраси ва баъзан эса яқинлашиб келаётган кураш қақинининг овози эшитилиб туради. Гоголь — кўзларидаги шашқатор ёш қуримай, Салтиков эса нафратдан қалтираганча мана шундай кула бошлаган эдилар.

Кейин-чи? Кейин янгилик куч йиға борган сари кулги ҳам янада нафратлироқ бўла боради. Ғалабани ҳис эта бошлагани сари бу кулги қувноқ кулгига, қордиққа айлана боради. Нафратли кулги чинакам қуроли янглиғ ниҳоятда зарурдир...»

Келинг, кулишайлик!

*Бахтиёр бўлишимизга шахсий хислатларимиздан  
энг кўпроқ фойда берадигани — қувноқлигимиздир.*

*А. Шопенгауэр*



## ҲОШИЯГА УРАЛГАН МУШУКЧА

Одамларнинг диди, гўзалликни тушуниши турлича бўлади. Бир хиллар учун телевизор — маънавий камолот булоғи бўлса, бошқалар эса, телевизорни фақат пенсионерларгина кўргани маъқул, дейишади. Айрим кишилар шиддатли марш куйларнинг ёқтирсалар, бошқалар Бахнинг «Матфейчасига эҳтирос»ини ёқтирадилар. Бир одам Новгород, Буюк Ростов ибодатхоналарини тенги йўқ ноёб меъморчилик намуналари деб ҳисобласа, яна бири Нью-Йоркдаги осмонўпар бинолар сурати туширилган откриткаларни соатлаб томоша қилишдан чарчамайди.

Кимдир жимжит ва айқаш-уйқаш қадимий тор кўчаларда сайр қилишни ёқтиради, бошқа бирига эса, ойна ва темир-бетондан қурилган баҳайбат иморатлар атрофидаги янги, кенг кўчаларда юриш кўпроқ завқ-шавқ бағишлайди.

Бир одам дунёда Қуинджининг «Қайинзор» суратидан зўрроқ тасвирий санъат асари йўқ, деб ҳисобласа, бошқаси айна ўша сурат тўғрисида: «Оппоқ қайинлар орасида югуриб юргинг келади-ю, лекин уларнинг ҳидини сезмайсан барибир», дейди.

Биттаси оғзини кўпиртириб, абстракт тасвирий санъат атом парчаланиши асрида — фан даражасига кўтарилган, энг сўнгги мукаммал санъат намунаси, деб тасдиқласа; бошқаси эса, абстракт тасвирий санъат — бўлмағур гап, чунки рассомнинг вазифаси — атом ичига эмас, балки инсон қалби ва руҳиятига кирншдан иборатдир, дея эътироз билдиради.

Кимдир чет элга боришни ва саёҳатдан бир нечта эзилмайдиган кўйлак билан ўша мамлакат ҳаёти тасвирланган ўнлаб китобчаларни олиб келишни орзу қилди, бошқа биров эса, қўлига фотоаппарат, блокнот ва қалам олади-да, ўз Ватанининг сулув манзаралари билан тиллашиш мақсадида ўрмонлар ва қишлоқ сўқмоқлари-га қараб йўл олади.

Қўҳна рус иконалари — бир хиллар учун, рассомнинг инсон руҳиятини қандай тушуниши ҳақидаги ҳикоясидек туюлса, бошқа биров учун эса — динга сифинишдаги бир буюм, холос.

Бундай қиёсларни истаганча келтириш мумкин, аммо мен учун ўша шаклланиб бўлган дидларни таққослаб чиқиш ва ўзимга улардан қай бири яқинлигини аниқлаш эмас, балки яхши ва ёмон дид қандай шакллана бошлашига бир разм солиш муҳимроқдир!

...Мен ҳошиялашга берганим ўймакорлик расмларини қидира туриб, муқова устахонаси тоқчаларида турган суратлар, фотографиялар, расмларни кўздан кечириб чиқдим. Бир лайт... устахонада қилинган ишлар орасида ҳошияланган бир нечта мушукчани кўрдим. Унта бир хил мушукча яшил кўзларини лўқ қилганча, мўйловларини бир хилда диккайтириб тикилиб турар эди.

Мўйсафид уста ҳайрон бўлганимни сезди-ю, кулимсирадп...

— Шу рангли мушукча қайендир бир журналда чиққан экан. Чиройли фото. Қарабсизкип... одамлар ҳошиялатишяпти... уйда болаларимиз бор, мушукча эса — жуда ёқимтой экан, дейишяпти. Оққушлар энди модадан қолиб, мушукчалар келибди...

Деворлари шунақапги мушукча расмлари билан безатилган ўша оилаларда эстетик дид қандай шаклланаётганини тасаввур этиш қийин эмас. Гап, албатта, мушукчанинг ўзида эмас. Сураткашлик билан қизиқиб, ҳатто, фақат мушукча ва кучукчаларнинг расмини олиш-

ни касб қилиш ҳам мумкин. Шундай суратларнинг энг нодирлари ўша сураткашнинг уйига чинакам безак бўла олади ҳам. Борди-ю, у севимли мушукча, севимли кучукча бўлса, унда нур устига нур. Лекин бу ерда гап бировнинг ҳамма мушукчаларга ўхшаш мушукчаси ҳақида кетяпти. Рангли қилиб суратга олинган қандайдир оддий мушукчани ҳошиялатиб деворга осиб қўйиш — дидсизликдир. Бунинг ўрнига хонани яхши бир санъат асаридан олинган нусха билан безатган яхши эмасми?

Мана, яна бошқа бир мисол.

Буниси жигар ранг чийдухобадан тикилган оддийгина айиқча. Катталиги ҳам кафтдеккина. Олти яшар қизча — шу айиқчанинг эгаси очиб қараса, айиқчанинг ич қипиқ билан тўлдирилган экан. Унинг чийдухоба қоринчасини яна тикиб қўйишгандан сўнг, у худди ориқлаб қолгандай бўлибди, ўйнаганда ўша қоринчаси ҳадеб қисирлар экан. Дарвоқе, айиқча кўп ўйналмабди ҳам. Қизчанинг ойсини ва дадасини Қримдан қайтишда унга рангли чиғаноқлар ёпиштирилган юракнусха қутнча билан худди шундай чиғаноқлар гул шаклида қадалган ромчани совға қилиб олиб келишибди. Ромчага ҳам, қутнчага ҳам жим-жимадор қилиб кўндалангига «Ялтадан салом, 1967 йил» деб ёзиб қўйилган экан. Ромчага фотоманзара жойлаштирилган бўлиб, унда денгиз бўйидаги яшил хурмо дарахтлари акс эттирилган эди, денгизнинг ялтироқ сатҳида эса одатдаги ой шуъласи, хурмолар олдида оқ гипс панжара кўзга ташланади. Чиғаноқли ромчадаги ойдин кеча манзарасини ўғилларининг столи тепасига илиб қўйишди: «Майли, табиатга кўниксин!»— дейишди. Ёпишқоқ баргли бўлиқ новдачаларни эса (ўғиллари уни хиёбондаги дарахтларни буташаётганда териб олган эди) хурмо дарахти манзарасини бузмаслиги учун ташлаб юборишди. Қутнчага оналарининг бекорчи тақинчоқларини: ўрғимчак шаклидаги илгани синган тўғноғич, пластмассада ясалган ҳаво ранг қисма зиракни солишди-ю, қизларига тақдим этишди... Кафтдеккина айиқчани

эса повда билан бирга ташлаб юборишди, чунки у қўлда тикилган арзимас бир ўйинчоқ эмиш.

Оила ҳаётидаги мана шундай майда-чуйдалар ҳақида гапириб ўтириш шартми? Ўйинчоқ билан новдани ташлаб юборишибди, хўш, нима бўпти... ўрнига ўрин чиганоқдан ясалган қутича тақдим этишди-ку. Бунақанги гаплар ҳар қадамда учрайди. Шунини энди алоҳида гапириб ўтириш шартми?

Шарт.

Бунақанги майда-чуйдаларга бир эмас, икки эмас, ҳар қадамда дуч келаверганимиз учун ҳам айни шулар ҳақида гапириш керак.

Мана шуларнинг бари мешчанлик касаллиги бўлиб, у газак олиб-олиб, охири ҳужумга ўтади, одамни ўзига асир қилиб олади.

Бир ўқувчи қиз кинони севади. Хўш, унинг эҳтирослари қай шаклда ифодаланади? Фильминини кўради-ю, лекин кино муаллифларинини ҳаяжонга солган фикр-туйғуларини у тушунамайди, чунки у фақат кўҳлик артистнинг юзигагина завқланиб тикилиб ўтирган эди.

У артистни «севиб ҳам қолади» ва уялмасдан «Советская культура» ёки «Искусство кино» журнаliga қуйидагича мактуб ёзади:

«Мен артистларнинг расминини йиғиб бораман, бизнинг шаҳримиз дўконларида сотилмайдиган артистларнинг расмларини устама нарх билан менга жўнатишларингизни илтимос қиламан...» Кейин исми ва фамилиялар рўйхати берилади. У ўзи ёқтириб қолган ўша актёрнинг телефонини топади-да, қўнғироқ қила бошлайди, хат ёзиб, учрашмоқчилигини айтади... Шу билан ўзини санъатга яқинлашяётгандай ҳисоблайди. Ҳис-туйғуларни бу тарзда изҳор этиш кулгили ва уятли эканини эса тушунамайди.

Ҳар бир ота-она, болаларининг вақтида овқатланиши, ўқув йили бошланишига уларнинг дарсликлари,

мактаб формалари муҳайё туриши, кўчада камроқ «сандироқлаб», кўпроқ ёзув-чизув билан банд бўлишлари, катталарга уй ишларида кўмаклашишлари ҳақида қайгуради. Аммо ўнгил-қизларини инглизча ёки французча мактабга жойлаштирганлари, музикага ва фигурали учишга ўргатганлари билан иш битиб қолмайди-ку, ахир. Шундай ҳам бўладики, ота-онасининг елиб югуриши тугайли бола ўша мактабларнинг барига жойлашадими-ю, лекин аслида у қаровсиз қолади. Ота-оналар ўзлаштириш табелларини кўздан кечириб, музика мактаби эшигида ёки муз майдони олдида ўз жигаргўшаларини кутиб ҳам турадилар ва шу билан ўз бурчларини адо этилган, деб ҳисоблайдилар. Бироқ мана шу ҳаракатларнинг ўзи қатъият билан: «Доно, зиёли бир инсон камол топяпти!» дейишга асос бўла олармикин?

Йўқ, асло йўқ.

Болага фақат кўпроқ билим бериш тўғрисида эмас, унда туйғу маданиятини ўстириш хусусида ҳам қайғурмоқ зарур: чунки буюк ақл ва қалб эгаларининг дарди, эҳтироси, қувончи ва орзуларини тушунишни ният қилган одамнинг ўзи ҳам маънавий юксак бўлмоғи керак. Албатта ҳар бир болалик уйда пластинкали радионинг, бўёқ ва рангли қаламларнинг бўлгани маъқул, лекин бош масала — шуларнинг баридан болага наф келтирадиган қилиб фойдалана билишдир. Бир хил ота-опалар болаларига пианино олиб берадилар-у, аммо ўзлари умр бўйи на операга, на балетга ва на концертга бормайдилар. Болалар ўша асбобда фақат ота-оналарига маъқул тушадиган бир-иккита куйни зўр-базўр чалишни ўрганиб оладилар, холос. Улғайганларидан сўнг эса, симфония жанри эскирди, халқ куйлари эса аллақачоноқ модадан қолиб кетган, деб гап сотадилар, «жиддий музика» деган сўз бирикмасини эшитиш билан нақ капалакларни учиб кетади. Ҳеч ким чалишни билмаса ҳам, бир чеккада албатта пианиноси турадиган бадавлат мешчаннинг уйи (ўзингиз ҳам бир эслаб кўринг) одамда қанчалар

ёқимсиз таассурот уйғотади. Бундай уйлардаги музыка асбоби сон-саноқсиз ҳайкалчалар турадиган курсига айлантириб юборилган бўлади ва аини пайтда мезбоннинг назарида у меҳмонларга уй эгасининг маданиятли одам эканлигидан далолат бериб туриши керак. Мактабдан ташқарида, мажбурий программа машгулотларидан бўшаган вақтда ўғил-қизлар кўпинча ўз билганларича дам оладилар. Бирини соатлаб телевизор олдидан нари кетмайди, бирини копток тепиш билан овора, бирини бош кўтармай «жосуслик ҳақидаги китоб»ни ўқийди, яна бирини эса, ёстиқчага гул тикади. Кимдир, ота-оналар таъбирича, кинотеатрлар олдидан санғигани-санғиган, кимдир спорт билан машғул, кимдир ҳовлида шўхлик қилади, кимдир қандай пьесалигини билмай турибоқ... театрга жўнайди.

Эстетик тарбиянинг нималигини ҳар бир оилада ҳам етарли даражада билшмайди. Аксарни ўқувчилар музика тинглаб туриб, оғизлари йиртилгудек эснаб юборадилар, ҳеч нарсани тушунамай зерикканларича кўргазма залларини изғиб юрадилар, театрга кирганда эса, кулиш ноқулай бўлган жойда хахолаб куладилар. Хуллас, улар ҳали гўзалликни ҳис қиладиган даражага етмаганлар.

Пионер лагерларининг бирида рассом бўлишни орзу қилган бир ўқувчинини болалар калака қилишибди.

— Чаплама бўёқчилигининг кимга ҳам керак?— дейишибди улар.— Мана, масалан, футболчи бўлсанг— бу бошқа гап!

Футбол, албатта, зўр нарса. Яширишининг нима ҳожати бор, довруғи баланд иш.

Лекин шуниси ажабланарлики, «чаплама» деган даҳшатли тушунча болаларда қандай туғилди экан? Шу болалар ҳали улғайиб, катта бўлишади. Наҳотки ўшанда «Комсомольская правда» орқали уларга, бизнинг футболчиларимиз Врубелни ҳам, Серовни ҳам, Чайковскийни ҳам яхши билишларини исботлаб ўтириш лозим бўлса.

Ўқитувчи бир ўқувчидан мактаб эрталигида ўқиб бериш учун Пушкиннинг шеърини ёдлаб келишни илтимос қилди.

Бола:

Биласан-ку: қўнғир байтални  
Чанага қўшиб бўлмайди асли?—

дея ўқий бошлади. Отаси эса:

— Яхшиси, «тойчани» деб ўқи,— деб унинг гаини тўғрилади.— «Байтал»— қўпол сўз, синглингинг олди-да уни тилга ола кўрма.

Аминманки: бу оиладагилар болаларга чин дилдан яхшиликни раво кўришади. Уларни хушмуомала, табиатни севадиган, гўзалликни ҳис эта оладиган кишилар қилиб тарбиялашмоқчи. Ниятлари шундайку-я, аммо тарбияни яхши билмаганлари сабабли бу ишнинг уддасидан чиқолмаяптилар. Натижада самимият ва хушмуомалалик ҳам кулгили бир қилиққа айланиб кетяпти. Бироқ қошияланган мушук сурати ва чиганоқли қутичалар ҳам, ромчалар, пластмассадан ишланган ўргимчак нусха тўғноғичлар, хурмо дарахтлари, ойдин тун ва гипсдан ишланган панжаралар — шуларнинг бари — азбаройи нодонлик туфайли Пушкин шеърига зўрлаб киритилган анави «тойча»га ўхшаб болалар ҳаётида хойнаҳой маълум из қолдириб кетмай иложи йўқ. Из қолдирганда ҳам ёмон из қолдирадими: таъб ва дидларнинг сийқалашуви айна шундан бошланади.

Хўш, қандай қилиб бунинг олдини олиш мумкин? Ягона чора шуки — болаларнинг диққатини тасвирий санъат асарлари галереяси ва музейларга, театр сахнасига, бадий асарларга, табиатга ва боболаримиз анъаналарига қаратмоқ керак.

Болада туғиладиган чинакам нафосат туйғусига ўз вақтида «туртки» бериб юборилса, нақадар саз бўлар эди-я.

Хотираларингизни бир ковлаштириб кўринг, ҳаёт-бахш «туртки» ролини ўтаган биронта воқеа, сўзсиз сизнинг ҳам ёдингизга тушадн. Эҳтимол, сиз болалигингизда Ленинград кўчаларидан ўн марталаб ўтгансиз-у, лекин Ёзги боғнинг қўйма чўян панжаралари нақадар нафислигига биринчи бор диққатингизни тўсатдан кимдир жалб этиб қолгани мумкин.

Эҳтимол, шу дақиқадан бошлаб сиз бирин-бирин ажойиб кўчаларни, уйлари, майдонларни кашф этгандирсиз — шунда меъморчиликнинг гунг тили сизга жоли ва жарангдор бўлиб эшитилгандир.

...Ҳа, салгина имо-ишора, салгина жилмайиш ҳам баъзан узундан-узоқ маърузага қараганда аҳамиятлироқдир. Болалар қалбига таъсир ўтказишда катталар хилма-хил усуллардан фойдаланадилар. Лекин болалар дидини тарбиялаш хусусида гап кетганда эса, усулдан ҳам кўра, тарбиячининг шахсий диди қандайлиги катта роль ўйнайди...

Яқинда мен педагогика билим юртида ўқийдиган қизлардан хат олдим.

Студентлар ётоқхонасининг ҳовлисида мўъжазгина бир уйча бўлиб, унда «ижарага турувчи икки масъул аёл» яшар экап. Бирн етмиш ёшли, сўққабош кампир, иккинчиси эса, жажжи қизчаси билан турадиган, кампирга қараганда икки баравар ёш аёл экан. Кампир уйдан чиқиши ҳамоно қизча деразани очиб юборар: «Ойи, алави кампир яна олифта кийиниб, тўр қадаб олибди», деб жавваркан!

Студент қизлар, бизни бўлажак педагоглар сифатида фақат қизчанинг одобсизлигини ташвишга солаётгани йўқ, деб ёзишбди. Улар масалани кенгроқ қўйишган эди: «Кийиниш маданияти ва нафосати ҳақида болалар билан умуман гаплашиш мумкинми ва бу гапни қачон бошлаш керак? Фақат озодалик тўғрисидагина эмас, балки айни нафосат ҳақида гаплашиш зарур!» — деб ёзилган эди хатда.

Кейинги пайтларда журналларимиз, телевидение мо-  
да масаласига кўпроқ аҳамият бермоқда. Уқувчи қиз-  
лар эса оналари билан баб-баравар Модалар уйи «сир-  
лари»ни қизиқиб ўрганмоқдалар, «бичиш ва тикиш» тўг-  
рисида ўзаро суҳбатлашадиган бўлганлар.

Болаларни ҳозирги кийиниш маданияти масалалари-  
га жалб этиш лозиммикин ўзи?

Лозим. Дид билан кийиниш оддийлик ва камтарлик-  
ни инкор этмайди, балки у инсонни бевосита интизомга  
салиб, қиёфасини тўлдириб туради.

Уқувчи қизларнинг хунукдан-хунук соч турмаклаш-  
лари, упа-элик суришлари хусусида жуда кўплаб таъ-  
налар ёғдирилган. Ваҳоланки, агар мактаблар гоҳи-го-  
ҳида моделчи-рассомларни меҳмонга чақириб турни-  
шганида, олам гулистон эди. Улар болалар ва ота-оналар  
билан ҳам суҳбатлашишар, ҳам янги модаларни намойиш  
этишарди. Мен Таллинда рассомлар яратган болаларбоп  
янги кийим моделларини намойиш этганларида катталар  
ҳам, болалар ҳам жон-жон деб кўрганларининг гувоҳи  
бўлганман.

Эстетик тарбия — бу меҳнат тарбиясининг ажралмас  
бир қисмидир. Бадний дидни тарбиялаш қанчалик му-  
ҳим бўлишидан қатъий назар, бироқ асосий мақсад бош-  
қа ёқда, бадний дидни тарбиялаш — инсонга фақат  
санъатгагина эмас, балки ҳаётнинг ўзинга мойил дидни  
сингдириш воситасидир. Болада бадний дидни тарбия-  
лаш — уни ҳаёт гўзаллигининг барча кўринишларини  
санъат ёрдамида ва санъат орқали кўра билишга ўрга-  
тиш демакдир.

Гарчи биз бу ҳақда кўп гапирсак ҳам, аммо болала-  
римизга «гўзаллик оламида» йўл топиб кетишларида  
ёрдам берадиган чинакам дўстлар ва маслаҳатгўйлар  
ҳали ҳам барибир кам. Эҳтимол, ижодий интеллилар уйла-  
рида ва Маданият уйларида ўзимизнинг совет «якшан-  
балик мактаблари»мизни ташкил этиш вақти келгандир?  
Бу ерда маданият ва санъат ходимлари болалар билан

учрашиб, суҳбатлашишлари, уларни гўзалликни ҳис эта билиш ва қадрлашга ўргатишлари мумкин бўлур эди.

Бу соҳада баъзи бир тажрибалар ҳам бор. Санъат ходимлари Марказий уйи ва Марказий актёрлар уйи москвалик ўқувчиларни оғзаки журнал деб аталувчи тадбирларга донм таклиф этиб турадилар. Олимлар, артистлар, ёзувчилар, рассомлар ўз режалари, орзулари, ўз қарашларини сўзлаб бериш учун болалар ҳузурига бажонудил келишади. Мана шундай «якшанбаллик мактаби» Украинадаги Черповицада ҳам бор. Болаларни гўзаллик оламига жалб этувчи янги-янги ва янада қизиқарлироқ услублар пайдо бўляпти. Композитор, СССР педагогика фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси Д. Кабалецкийнинг суҳбатларини эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя. Фикримизча, бу ўринда ҳали ўз ролини ўтамаган кино, телевидение ва кўргазмали агитация ҳам кўп ишларни амалга ошириши зарур.

Кўргазмали агитация катталарга нисбатан болаларга кучли таъсир этишини исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Кўргазмали агитация баъзи ҳолларда чиндан ҳам одамларни сафарбар этади, баъзи ҳолларда эса беварқ бир кайфият туғдиради, бунинг устига, ўша беварқликни тасдиқлаб, қонунлаштириб қўйгани ёмон.

Ваҳоланки, бу ерда тўғри тарбия ва сиёсий дид хусусида гап боряпти. Айрим мактабларда шпорлар ва портретларни иложи борича кўпроқ илиб ташлаш — сиёсий етуклик даражасини кўтариш ва болаларда яхши дидни тарбиялаш демакдир, деб ҳисоблайдилар. Аслида эса, бунақанги кўргазмали агитация одатий эмас, балки ўта ноёб тушунчаларга нисбатан ҳам лоқайд бир муносабат туғдиради. Ҳатто, муқаддас тушунчаларга нисбатан ҳам. Мактабнинг ташқи кўринишини босмадан чиққан барча плакат ва портретлар, шу кунда сотувда мавжуд бўлган барча мармар, бронза ва гипсли ҳайкалчалар қўйилган тасвирий санъат маҳсулотлари дўконига айлантириб юбормаслик керак.

Биз учун қадрли бўлган кишиларнинг портретлари-га мактабда ҳам, болалар боғчасида, уйда ҳам алоҳида жой ажратилиши лозим. Уларни буфетга, қисқагина та-наффус пайтида болаларга шоша-пиша сомса, винегрет ва компот улашиладиган туйнуқча тепасига ёки ўқув-чилар орқа ўнгига қарамай, пальтоларини кияр-киймас, ҳатто тугмасини ҳам қадамай кўчага отиладиган ечи-пиш жойнга илиш ярамайдн.

Агар «Кўргазмали агитация ва пропаганда»га совуқ-қоплик ва юзакилик билан, хўжа кўрсин учун ёйдошила-диган бўлса, унда энг муқаддас ва ҳар бир совет киши-сининг қалбига яқин бўлган тушунчаларни ҳам сийқа-лаштириб юбориш ҳеч гап эмас.

Ажойиб рус rassони Петр Петрович Қончаловский кўпинча: «Яхши рангни ҳам жойида ишлатмоқ даркор», деган эди. Бу фикрни кўргазмали агитация ва пропаган-дага қўйиладиган талаб ва сиёсий одобга нисбатан ҳам тўла-тўкис татбиқ этиш мумкин. Баъзи пайтларда эса, биз учун энг қадрли тушунчаларнинг рамзига айланиб кетган шпор ва сўзлар шаҳарни безашда шу қадар уқув-сизлик билан қўлланилаётганини кўриб, тепа сочинг тик-ка бўлиб кетади. Аксари ҳолларда улар оддийгина сав-до рекламалари билан ёнма-ён қўйилаверади:

Кўргазма шиорлар! Ғовурлар аро,  
Уларнинг ҳам баъзан ўрни бор аммо.  
Ёруғ тимсолларни эслатгани пайт,  
Ушандоқ даъватлар зарурдир мутлоқ.

Токи, кўча-кўйда кўз ташлаган чоқ  
Уларнинг ёнидан ўтмасак лоқайд.

Полкда фақат биттагина полк байроғи бўлиши мум-кин, шу сабабли ҳам у жангчилар учун табаррукдир, уларнинг номус ва шон-шарафларига айлангандир...

*Инсонда гўзаллик туйғусини тарбияламай туриб,  
уни ҳар томонлама камол топтириш мумкин эмас.*

*Р. Тагёр*



## БИЗ АРТЕКДАНМИЗ

Мен бир шарқ эртагини эшитганман: «Худо одамни яратмоқчи бўлибди. Лойдан кичкинагила одамча ясабди-да, уни печкага қўйибди, лекин шошиброқ олиб қўйганидан у ўтда тобланмай қолибди. Инмжоп, поэтик, ҳеч нарсага ярамайдиган оқ одамча пайдо бўлибди. Шунда худо лойдан иккинчи одамни ясаб, уни ҳам печкага қўйибди. Печкада кўпроқ туриб қолганидан у қорайиб кетибди. Қора одам пайдо бўлибди, бу оқ одамчага қараганда тузукроқ экан-у, лекин барибир кўнглидаги одамча эмас экан. Худо учинчи лой-одамчани ясабди ва энди печка ёнидан нари кетмай, уни ўз вақтида ўтдан олибди. Бу галгиси аввалги икковига қараганда яхши тобланибди — бақувват, кучли, чиройли бу одамча на оқ, на қора эмас, сариқ одамча бўлибди. Шундан кейин худо жуда кўп одамчаларни яратибди-ю, уларни бутун ер юзига жойлаштирибди. Ушандан бери...»

— Бас!— деймиз биз.— Етар! У қадар безор кўринмаган бу болалар эртагининг маъноси энди бизга маълум. Эртақда чуқур ва ёвуз фикр яширинган. Эртақ кимлар учун ёзилган ўзи? Уша сариқ танли болалар учунда, уларни болаликданоқ сариқ танли одамлар оқ ва қора одамлардан устувроқдир, деб инонтирмоқчи бўлаётирлар.

Фақат ирқига, миллатига қараб одамга ёмон муносабатда бўлишдан ҳам кўра шафқатсизроқ нарса йўқ. Немис фашистлари ўлим лагерларида яҳудийларни уларнинг томирларида «тоза» немис қони оқмагани учунгина қириб ташлаган эдилар.

Жанубий Африка Республикасида ва Американинг кўпгина штатларида хабашлар ва умуман барча қора танли одамларга паст ирқ вакиллари, оқ танлилар билан бирга яшашга, бир столда овқатланишга, бир мактабда ўқишга «нолойиқ» одамлар деб қарайдилар... Қора танлилар учун оқлар кирадиган ресторанлар берк; автобус ва поездларда ҳам уларга алоҳида жой ажратиб қўйилган. Оқ танли бажарган ишни қора танли қиладиган бўлса, унга кам ҳақ тўланади. Бунинг устига қора танлилар фақат «қора» ишларгагина жойлашишлари мумкин. Бу мамлакатлардаги қонунлар деярли фақат оқлар учунгина хизмат қилади — қора одам ҳар доим айбдор бўлиб қолаверади. Мана шуларни бир ўйлаб кўр, азиз ўқувчим! Узингни қайсидир Том ёки Жоннинг ўрнида деб ҳис эт, ахир, улар сендан фақат таналарининг қоралиги билангина фарқ қиладилар, холос.

Ирқий камситишлар, айниқса, Жанубий Африка Республикасида, Америка Қўшма Штатларининг жанубий районларида ғоят авж олган. Шу боисдан ҳам кейинги йилларда ҳақ-ҳуқуқсиз хабаш аҳолиси яшайдиган районларни тобора ғалаёнлар эгаллаб бораётгани бежиз эмас. Хабашлар ўз ҳуқуқлари учун курашмоқдалар, бироқ бунга жавобан улар кўздан ёш оқизадиган газлар, дорилар, ўқ ва кишанларга дучор бўлмоқдалар. Ҳукумат уларга қарши қўшинлар ва полиция отрядларини ташламоқда, ҳамма ёқ харобага айланмоқда, ярадорлар нола қилмоқдалар, кўчаларда аёллар ва болалар ҳалок бўлмоқдалар.

Америка штатларининг бирида юз берган воқеа ҳаманинг хотирида, ўшанда тараққийшарвар оқ танлилар жамоатчилигининг таъсири остида хабаш болаларига оқ танли болалар билан бирга ўқишга рухсат беришган эди. Аммо шунга қарамай, қора танли болаларни мактабгача соқчилар ёрдамида кузатиб бориш керак эди. Бошқа бир штатда эса, хабаш боласини оқ танли қизча билан бирга ўйнаганлиги учунгина жазолашибди.

Совет кишисига бу ваҳший урф-одатлар ёт ва жир-канчдир. У болалик йиллариданоқ ирқий жиҳатларидан қатъи назар, барча халқларнинг дўстлиги ва тенглиги руҳида тарбияланади.

Лекин, шунга қарамай, бизнинг кунларимизда ҳам гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда «мешчан уяси» кўзга ташланиб қолади. У, ўша мешчан, фақат ўзи учун яшайди. Жамият билан, унинг қонунлари, юксак мақсадлари билан иши бўлармиди? Унинг ўз қонунлари, яхшилик ва ёмонлик тўғрисида ўз нуқтаи назарлари бор. Унинг болалари ҳам мактабга боради. Ун ёшли ўғли Вася мактаб кечасида ҳаяжон билан шеър ўқийди:

Уч ўқувчи келаётир хуш!  
Учовин ҳам қутмоқда Артек.  
Бири — ёқут, бирови — латиш,  
Яна бири — қадрдон ўзбек.  
Улар аҳил, тенг ва баробар,  
Бир отрядда улар барчаси.  
Уруш чоғи бир сафда қатор —  
Жанг қилишган улар отаси.

Уйда, оилада эса, Вася қовоғи солиқ отасининг:

— Анови армани шўртумшуқ деворни яна тиқирлат-япти-ку! — деб жавраганини эшитади.

Ҳал қилувчи таъсирни Васяга ким ўтказаркин? Оиласими ёки мактабми? Қай бири енгиб чиқаркин? У қандай одам бўлиб улгайаркин?

Ахир, ҳамма нарса болаликдан бошланади-ку...

Агар сен ўз Ватанинг қонунларини ҳурмат қилсанг, агар сен инсоният донишмандлари ирқчилик, шовинизм, миллатчилик ва антисемитизмнинг ҳар қандай кўринишларига ҳам ашаддий муносабатда бўлганларини эсласанг, унда сен юқоридаги сингари ҳодисаларга дуч келиб қолганигда ҳаётда ўзингни қандай тутишинг зарурлигини билишинг керак. Сен совет кишиссан, сен пролетар интернационалиزمни қонунларига амал қилиб яшамоқдасан.



## ОДАМЛАР, ҲАЙВОНЛАР ВА ГУЛЛАР

Бир уйда нкки оила: Ниша деган олти ёшли қизчаси билан бир аёл ва кексайиб қолган чол-кампир — астрономлар яшашар эди. Яшаганда ҳам тотув яшашарди. Ниша чол-кампирни уларнинг касби — катта дурбиндан юлдузларга қараш бўлгани учун ҳам ҳурмат қилар эди. У ўша қўшнилариинг Мурка лақабли мушугини яхши кўрарди, эртаю-кеч шу мушук билан овора эди. Айниқса, қулогининг тагида мушукнинг пишиллаб нафас олишини ёқтирарди: мушукнинг тумшугини қулогингга тегизсанг, у пишиллаб, кейин бир зум жим бўлиб қолади, сўнгра тез-тез нафас ола бошлайди; бурни муздай, нам, мўйловлари қитқин келтиради. Уша мушук якшанба куни болалабди. Душанба куни эса, Иннанинг ойнаси ишга кета туриб шоша-пиша ошхонада нонушта тайёрлаётганида, қўшнисн унга, ҳозир мушук болаларни сувга тиқиб гумдон қилман, дебди.

— Фақат Нишага айта кўрманг,— илтимос қилибди қизчанинг онаси.

— Вой-бўй, намуноча нозикоим бўлмаса, — дебди қўшнисн.

Нинанинг ойнаси эшикдан чиқиши биланоқ чол Нинани чақирибди. Ерда бир челақ сув турган экан.

— Мушук болаларни сувга чўктиришимни томоша қил, — дебди у қизчага.

Қизча ҳушидан кетиб йиқилиб тушибди.

Болаларнинг ҳаётни ўргана боришлари, нозик табиат бўлмасликлари хусусида оғиз

кўпиртириб сафсата сотувчи бундай одам барибир ярамас одамдир. Бу қабиҳлик ва бағритошлиқдир. Қанчадан-қанча бунақанги воқеалар болаларнинг қалбини яраламайдими, ахир!

Яхши тарбия — болаларни истаган пайтда ожизни ҳимоя қилишга тайёр турувчи инсонпарвар кишилар сифатида вояга етказишдан иборатдир. Болалиқда бу — ҳайвонларни ҳимоя қилишдан, қушларга, ҳатто, инначилар, капалаклар ва гулларга раҳмдил бўлишдан бошланади.

Дераза олдида икки бола турибди. Уғил бола — икки ёшда, қизча эса тўртда. Улар ойнага бурунларини тақаганча кўчани томоша қилишяпти. Охири кўчага қараш жонларига тегиб, ойнага урилаётган капалакни тутиб олишди-да, қанотларини юлиб ташлаб, унинг ўрмалашини томоша қила бошлашди. Уларга бу жуда ҳам қизиқ туюларди. Аввал учиб юрган эди, эиди бўлса ўрмалаяпти.

— Дада, оғи,— дейишди улар ҳаяжонлари ошиб-тошиб.— Бу ёққа келиб, мана буни кўринглар!

Уларнинг бу ўйинига дадасининг негадир қарагиси ҳам келмади.

— Капалакининг қаноти ҳам худди сизларнинг қўлларингизга ўхшайди,— деди у.— Мабодо кучли бир одам сизларни ҳам капалакка ўхшатиб ўйнаганда, яхши бўлармиди? Ҳеч ким ва ҳеч нарсанинг жонини огритмаслик керак.

Болалар ҳайрон бўлиб қолишди. Яхшиямки, улар отаси билан онаси ўртасидаги кейинги гапни эшитишмади.

— Собиқ танқисан-у, болаларни эса сўлагини ҳам энлай олмайдиган лапашанг қилиб ўстиряпсан!

— Сўлагини энлай олмас эмиш. Мен уларнинг бағритош ва бемеҳр одам бўлишларини нстамайман. Ҳозир ҳеч нарсани тушунишмайди. Уларга тушунтириш керак.

Агар улар ожизларни қийнашдан завқланадиган бўлиб қолишса борми...

Жуда тўғри. Ушбу баҳсда мен қаҳри қаттиқ орани эмас, бошдан-охир отани ёқлайман. Бугун бола ўртоғига ўзининг яхши муносабатини билдирмоқчи бўлиб, қаламтарош билан унинг исмини партага ўйиб ёзиб қўйди. Кейин ўз муҳаббатини абадийлаштириш мақсадида севгилисининг номини дарахтга ўйиб ёзади, мускулларининг кучини синамоқчи, бир ёзилиб олмоқчи бўлиб гуркираб турган ниҳолни синдириб ташлайди. Бундай одам — ваҳший одамдир. Унинг шу ҳолга тушишига айна катталар айбдор, чунки улар болалик пайтида ёнида бўла туриб уни ёмон йўлдан қайтаришмаган. Қайтариш керак, деб ўйлашмаган ҳам. Энг ачинарлиси шундаки, болаларни тошмеҳрликка ўргатиб, уларнинг ҳаётида қанчалик пасткаш роль ўйнаётганликларини тушунмайдиган одамлар бугунги кунда ҳам йўқ эмас. Бу ҳақда батафсилроқ гапирмоқчиман.

Москвадаги квартираларнинг бирида девдай бир безори ёш боланинг кўз ўнгиде унинг севимли итини болта билан чопиб ташлаган. Пойтахтнинг П. Тимофеев деган яна бир фуқароси Люба Карасёванинг кучугини «ҳаром» деб, уни уйдан йўқотишни талаб қилган. «Шустрик иш» ҳақида газетада ҳам ёзишди. Аммо Москворецк районига қарашли 15-уй бошқармаси ўртоқлик суди масалани комсомол аъзоси Карасёва фойдасига ҳал этмади.

Мен бир марта «Правда»да «хўжаликка фойдасиз итларни оммавий равишда қириб ташлагани» билан мақтанган бир ветеринария врачн тўғрисида ёзган эдим. Уша иш болаларнинг кўз ўнгиде қилинган эди. Бунақанги «чора-тадбир»лардан кейин норасида қалбларда қанчадан-қанча оғир яралар пайдо бўлишини айтинг!

Ҳамма севган Борька лақабли оққушнинг ўлими ҳамон москваликларнинг хотирида. Ҳаддан ошган безори эса қаттиқ жазосини топган.

«Уленшпигель ҳақидаги афсона»да мапа шундай бир саҳна бор: Филипп Иккинчи, ҳали болалнк пайтида, тирик маймунни ўтда қовуради. Карл Бешинчи, ёвузлиги учун ўғлини жазоламоқчи бўлганида, инквизитор<sup>1</sup>: «Раёйини қайтарманг! Олий ҳазратлари ҳали динсизларни ўтда қовуриб донг чиқарадилар», деб уни тўхтатиб қолади.

Мен, ўн ёшли қўшни ўғил болалар қопқондан сичқонни олиб, печкага ташлаганлари ва оловда тиришиб ўлишини бамайлихотир томоша қилаётганларини ўз кўзим билан кўрганимда ўша саҳнани эслаган эдим.

Ғазабга тушганимни кўриб, улар: «Хўш, нима бўпти? Булар зараркунандалар-ку!»— дея астойдил ҳайрон бўлишди.

Мабодо шунда ота-оналарига айтсанг, «вой, тавба» (топган ганини қаранглар-а!) дегандай ажабланишадн, ҳазилга йўйишадн, айрим пайтларда эса «қатъий» турн: «Ҳечқиси йўқ — майли, тобланаверишсин», деб эътироз ҳам билдиришадн.

Бу, ахир ғирт тошбағирликни тоблаш эмасми!

Кўчада кета туриб, шундай манзарага дуч келиш мумкин: барзанги бир одам дастаси узуп чангакни ниқтаб, итни усти берк машинага судраб бораётган, ит эса ангиллайверганидан нафаси ўчиб-ўчиб кетаётган бўлади, нарироқдан ўтиб бораётган мактаб ўқувчилари эса бу манзарани кўриб, ишбилармонлик билан ўзаро фикр алмашинадилар. Хўш, шу ҳам тобланишми?

«Ҳайвонларни болалар учун ўйинчоқ сифатида боқиш ҳоллари ҳам бор,— деб ёзади менга Сочидан А. Якимова.— Бир куни мен бозорда майиб беданани сотиша-

---

<sup>1</sup> Инквизация судининг аъзоси; инквизиция — католик черкови томонидан XIII асрнинг бошларида тузилган суд-полиция ташкилоти. (Тарж).

ётганини кўриб қолдим. Уни истараси иссиққина бир ёш жувон олаётган эди.

— Нима қилмоқчисиз буни,— деган саволимга, қушни ўғилчасига эрмакка олаётганини айтди.

— Ахир, болангиз буни қийпаб қўяди, бедана майибку,— деб эътироз билдирдим.

Харидор аёл майини кулимсиради-да:

— Ҳа, буниси ўғлимнинг таъбига боғлиқ!— деди ва пул чиқармоқчи бўлиб қўлини чўнтагига солди.

Мен шоша-пиша бедананинг нархини бир ярим баравар оширдим-у, сотиб олдим. Шунда ҳалиги аёлнинг қанчалар дарғазаб бўлганини бир кўрсангиз эди! Унинг ёқимтойлигидан асар ҳам қолмади. Беданани даволадим-да, қўйиб юбордим».

Агар ўша истарали аёл ҳам шундай қилгандами, ўз боласига инсонпарварликдан тенги йўқ сабоқ берган бўлур эди.

«Правда»да чиққан мақоламга келган жавоблардан бирида хат муаллифи шундай деб ёзибди:

«...Сергей Михалков мақолада «бола бошидан» деб уқтириб ўтибди. (Яхшилик ва ёмонлик уруғи айни шу болаликда қадалар эмиш... Ленин ҳаммамиз учун ҳурматли бўлган масалчи қандай ёмонлик тўғрисида гапиряпти, мен шунисига ҳайронман.)

...Болаларнинг кўзи олдида итларни ўлдириб ташла-са бўладими?.. Шахсан мен бу ишнинг совхоз ва колхозлардаги фермалар, бўлимлар ва марказий қўрғонларда яшовчи барча аҳоли иштирокида ўтказилиши тарафдориман. Хўш, нима учун? Шунинг учунки, итларни бунақанги оммавий ишловдан ўтказиш одамлар ва жониворлардаги гельминтозга қарши курашда яхши бир кўргазмалли агитациядир. Бу ишда жамоатчилик иштирок этиши зарур. Нега энди буни болалардан яшириш керак экан?.. Биз болалар ва ёшларни шундай руҳда тарбиялашимиз

---

<sup>1</sup> Юқумли касаллик (Тарж.)

лозимки, улар орасидан сўлаги оқиб юрадиган лана-шанглар эмас, келажакда қишлоқ хўжалиги мутахассислари етишиб чиқиши керак...»

«Бундай руҳда» тарбиялаш — умуман тарбия эмас. Бу болаларга оғир руҳий жароҳат етказишнинг нақ ўзгинасидир. Қишлоқ хўжалиги мутахассиси бўлиш учун эса, кечагина уйингни қўриқлаб ётган итни кўз олдигда қандай ўлдирилишини томоша қилиш эмас, ўқиб ўрганиш керак.

Юқумли касалга чалинган ҳайвонларни даволаш ёки йўқотиб юбориш зарур албатта, буни ҳеч ким инкор этмайди. Аммо буни қонли томошага айлантириб, болаларнинг кўз ўнгида амалга ошириш ярамайди. Ҳар қандай қотиллик ҳам тошбағирликдан бошқа нарсага ўргатмайди. Ҳа, катталар зиммасида шундай вазифалар борки, болалар руҳиятини асраш ниятида уларга билдирмай қўя қолинади. Болаларни суд ҳукми қандай ижро этилаётганини кўришга таклиф этишмайди-ку. Қушхонада сиз ҳеч қачон ўқувчиларни учратганмисиз.

Кучли, жасоратли одам ҳамиша саҳий ва раҳмдил бўлади. У қўтоғга келишга ўрганиб қолган қашқирни отаётганда қўли ҳатто қилт этмайди-ю, аммо чумоли уясини бузолмайди, чунки гарчи бу онгсиз қилинган меҳнат бўлса ҳам, ўша меҳнат самарасини йўққа чиқариш ачинарлидир.

Яқинда газеталаримизда СССР балиқ хўжалиги министрининг буйруғи хусусидаги хабарлар пайдо бўлди, унда Совет Иттифоқида ақлли, инсонга нисбатан ниҳоятда дўстона муносабатда бўладиган жонзот — дельфинларни овлаш ман этилади.

Бўрон пайтида ҳалокатга учраб, чўкиб бораётган одамларни ана шу дельфинлар уларнинг атрофидан кетмай, неча мартаб қутқариб қолганлар. Итлар масаласига келганда эса, улар бизнинг қадимдан содиқ дўстимиздир. Чегарачи оғир ва хавфли вазифани ўтаётганда, ит унга ҳамроҳ бўлиб жосусни излайди. Ит тор-

ларда адашиб қолган одамии қидириб топади. Лайка, Белка ва Стрелка, Мушка ва Пчелка, Ветерок ва Уголоклар-чи? Қосмосга жўнатилган ана шу итлар тўғрисида хабар босилмаган биронта ҳам газета борми ўзи. Ит инсоннинг дўсти, дейишади. Мен бу мақолни бошқачароқ ифодалагим келади... Чинакам инсон жониворларга дўст бўлмоғи керак. Инсоннинг табиат оламига муносабати ҳам болалик чоғиданоқ ҳақиқий инсончасига бўлмоғи даркор.





Сен онангни севасанми? Ҳа, албатта севасан. Гоҳо-гоҳо у сени уришиб турса ҳам, ўзи меҳрибон. Эртаю-кеч сенинг гамингда тишиб-тинчимайди. Шунинг учун ҳам у ишдан чарчаб келса ёки хомушланиб юрса, ичнинг ачишадди. Сенинг энг содиқ дўстинг ва ҳамма нарса-ни ишонининг мумкин бўлган, дунёдаги энг азиз кишинг ҳам бор. Назарингда онанг учун ва ўша қадрдон дўстинг учун ҳаётингни ҳам аямайдигандайсан.

Сен онага, дўстга муҳаббатнинг нималигини биласан.

Ватанга муҳаббат, гражданлик бурчи, ғоявийлик деган тушунчалар биз учун ниҳоятда азиз ва қадрлидир.

Бу тушунчаларнинг ҳар бирини мен худди теоремадек ёки қоида сингари қисқа ифода-лаб беролмайман. Мен насиҳатгўйлик қилмоқчи ҳам эмасман. Фақатгина баъзи воқеалар ва учрашувлар ҳақида — хуллас, одамлар тўғрисида гапирмоқчиман.

...Ҳозир Женя ўн тўртда. Уруш бошланганда ҳам у худди шу ёшда эди. У ўн тўрт ёшлигича абадий қолади.

У Севастопольда яшар эди, елканли кема, елканли қайиқча, крейсерларнинг моделини ясарди. Женя Магеллан, Афанасий Никитиннинг қаҳрамонликларини ва умуман саёҳат ва денгизларни хаёл қилгани-қилган эди. Женя соҳилдаги иссиқ қумга ётиб олиб, денгизнинг нотинч нафасини тинглашни ва кемалар кетган узоқ-узоқлардаги уфққа қараб ўти-

ришни яхши кўрарди, чунки отасининг крейсери ҳам ўша ёққа қараб кетган эди.

Кейин уруш бошланди-ю, бундай ўйлаб қараса — мана шу шаҳар, шу соҳил, шу шамол, қуёш тафти келиб турадиган мана шу ҳаво унга шу қадар қадрдон эканки, у энди ўзи ҳақида ўйламай қўйди. У фақат бир нарсани: агар бу ердан лаънати фашистлар ҳайдаб чиқарилса, шаҳар ҳам, қуёш ва денгиз ҳам бурунги пафосатига қайтишинигина биларди. Шу мақсад йўлида жанг қилишга ва хавф-хатарларни енгшига тайёр эди.

Тенгдош дўстлари билан у немисларнинг ўқ-дорни сақланаётган ертўласига тушади, улар ўқ-дориларни ўзимизникиларга олиб бориб бермоқчи бўлишади.

Женянинг онаси Севастопольда сўнгги бор эслagan нарса — қурум босиб кетган деворлар эди — улар уруш-гача яшаган, атрофи ток билан ўралган, балкондаги тувакчаларда гуллар яшнаб турган уйдан фақат шу деворларгина қолган эди. Уша қурум босган девор остидаги яшил брезент билан ёпиб қўйилган паст-баланд тепача устии эса қон излари қоплаганди.

Опасига Женяни ўзи ўсган уй девори тагида отиб ташлаганини айтиб беришибди. Уни синфдош ўртоқлари — жасурликда ҳам, ўз шаҳрига, ўз Ватанига муҳаббатда ҳам худди Женяга ўхшайдиган севастополлик болакайлар билан бирга қўшиб отиб ташлашибди. Женяни енгига свастика таққан офицер мўлжалга олибди, шунда шамол болаларнинг ҳурпайган сочларидаги малла ранг толаларни сўнгги бор эркалаб ўйнабди.

Мен Женянинг онасини фронтда учратгандим. У ҳамшира эди. Кейин нима бўлди, у ҳозир тирикми, билмайман. Уша даҳшатли пайтларда одамлар жангдан сўнг фавқулодда учрашиб қолишар, қора чироқнинг хира шуъласи остида, чарчаган ва ҳолдан тойганча ҳаётларидаги қандайдир бир муҳим воқеани истаниш кишига сўзлаб беришар, кейин эса умрбод учрашмайдиган бўлиб ажралиб кетишарди.

— Яхшиси, эсламаган маъкул. Лекин буни унутиб бўладими, ахир!..— деди Женьянинг онаси, унинг кўзларида ёш кўринмас, қарашлари эса жиддий эди.

Фашистлар отиб ташлаган Женья ва унинг ўртоқлари — севастополлик болакайлар чинакам ватанпарварлар эди. Ҳаммамизда, ҳатто, ўғил-қизларимизда ҳам ватанпарварлик туйғуси кучли бўлганлиги учунгина Совет мамлакати энг оғир синовларга мардонавор бардош берди, ғалаба қозонди, ўз озодлигини сақлаб қолди.

Хўш, ватанпарварлик нима ўзи? Юрт озодлиги учун жон-жаҳд билан курашишми? Қаҳрамонликми? Ҳа. Лекин бугина эмас. Унда ватанпарварлик фақат оғир дамлардагина намоён бўлур эди. Ахир, тинчлик кушларида ҳам ҳар биримиз ватанпарвар эмасмизм?

Дарвоқе, йўқ, ҳамма ҳам ватанпарвар эмас. Бир кун мен отасининг ҳарбий медалини олиб чиқиб, чет эл авто-ручкасига алишган бола ҳақида эшитган эдим. Одам ўз ҳаётини қил устида қолдириб, халқни учун наф келтирадиган зўр иш қилсагина ҳарбий ва меҳнат нишоплари билан тақдирланади. Жангда, ўқ ёмғири остида қаддини тик тутиб, ўз ортидан жангчиларни олга бошлаб боргани учун отасига берилган мукофотни арзимаган бир нарсага алишиш — қадр-қимматни таҳқирлаш эканини болага ўз вақтида тушунтиришмагани кўриниб турибди.

Шу воқеани эшитганимдан сўнг «Унутилган блиндаж» деган пьесамни ёздим. Пьесани кўпчилик болалар кўришди. Улардан келган хатлардаги фикрларга қараб пьесани тўғри тушунишганини билдим. Бир бола мендан: «Дадамда Ватан уруши ордени бор, демак, у жасур экан-да! Бобомнинг Георгиев крести-чи — уни ҳам орден деса бўладими?»— деб сўрабди. Модомики, бобонини Георгиев крести билан мукофотлашган экан, унда фақат даданг билан эмас, бобонг билан ҳам гурурлансанг арзийди, у ҳам ниҳоятда жасур жангчи бўлган, деб жавоб ёздим унга. Бобосининг мукофоти ҳам — худди дасаннинг ордени сингари оила ёдгорлиги ҳисобланади.

Кимки қахрамонлар хотирасини эъзозламас экан, кимки ҳарбий ва меҳнат нишонларини шунчаки ўйинчоқ деб билар экан, унинг ўзи ҳам қачондир бориб қахрамон бўлишига нишонш қийин, ундайларни ватанпарвар деб бўлмайди.

Демак, азиз ўқувчим, ватанпарварлик — бу мардлик, жасорат, Ватан ва халқ иши йўлида қилинган қахрамонликни эъзозлашдир, дейсан-да. Ҳа, шундай.

Аммо, барибир шунинг ўзигина эмас.

Бир кун мен ўн етти ёшда йигитча ва унинг Тая деган опаси билан бир купега тушиб қолган эдим. Леонид, ҳамроҳимнинг исми шундай эди, гоят башанг кийинган йигитча эди. Афтидан, башанг ва сертакаллуфлиги ўзига ҳам жуда ёқарди. У капалакнусха энсиз галстукчасини тўғрилаш, пўрим куртчасига қўнган губорни пуфлаб туриш мақсадида купенинг ойнавиди эшигини ўзига тўғрилаб ўтирди. Ихчамгина енгил туфлиси ва қорамтир қизғиш холли хориждан келтирилган пайпоғи кўриниб турсин учун оёғини чўзиб олди.

Поезд кетиб борар, куче деразасидан ўрмон лип-лип ўтарди. Кузнинг зангори ҳовурида ўрмон сарғиш тусга кирган, гоҳо-гоҳо жимирлаб кўллар кўзга ташланарди. Баъзи-баъзида поезд баланд кўприк устига ўқдай отилиб чиқар, деразадан эса темир панжаралар живири липиллаб ўта бошлар эди. Шунда биз гўё пастликда кулранг лентага ўхшаб буралиб-буралиб оқаётган дарё тепасида бир неча дақиқагина муаллақ осилиб қолгандай ҳис этардиқ ўзимизни. Аммо Леонидни буларнинг биронтаси ҳам қизиқтирмасди. У деразага эмас, тепага, иккита серҳашам чамадони турган токчага ўқтин-ўқтин қарар эди. Ора-сера уларни олиб ичидаги ашқол-дашқолларини: елим халтачаларга солинган нейлон кўйлаклари, ялтироқ этикеткали қандайдир шишачалар, қутчаларини яна қайтадан тартибга келтира бошлар эди.

Тая радиони буради. Москвадан «Пиковая дама» эшиттириляётган эди. Ташқарида эса қош қорая бошла-

ган ва ҳозир бутун борлиқ мана шу кузги ғира-шира-  
лнкка-ю, юксак эҳтирос ва мусаффоликка тўла музика  
садоларига чулгангандай туюларди.

— Кўриниб турибдики, сиз манзараларни ва қўшиқ-  
ни севар экансиз,— деди тўсатдан Леонид.— Бир қара-  
сам, деразадан ташқарини томоша қилиб, ўй суриб бо-  
раётган эдингиз, энди бўлса...— У гапини тугатмади.

Мен Леонид билан табиат ва «манзаралар» ҳақида,  
дунёнинг ҳамма ерида севиб тингланадиган рус куйла-  
ри ҳақида гаплашмадим, булар — фақат бизнинггина  
эмас, балки жаҳон маданияти хазинасидан ўрин олган-  
лигини унга исботлаб ҳам ўтирмадим. Дераза ортидаги  
бу ноёнсиз ўрмон сеникилиги, қадрдон юртинглигини ҳис  
этишнинг ўзи қанчалар буюк бахт эканини, эҳтимол, мен  
айтмасам ҳам бир кун бориб тушуниб етар, деб ўйла-  
дим. Бир-икки кунлаб, ҳафталаб, ўн кунлаб поездда ке-  
таверасан-у, деразадан эса ўрмонлар, кўллар, денгизлар,  
чўллар, саҳролар, тайга кетма-кет ўтаверади — бу се-  
нинг жонажон юртинг! Қандай бахтки, сен барча мам-  
лакатларда сеvimли бўлган композиторлар — Глинка,  
Чайковский, Рахманинов, Скрябин, Шостаковичларнинг  
куйлариини тинглай туриб, ўша буюк бастакорларни ўзи-  
мизники, дея оласан! Ахир, бир тасаввур қилиб кўргин-а,  
шуларининг барини сендан тортиб олишган бўлсин, бу  
денгизлар, бу ноёнсиз ўрмонлар сеники эмас. Пушкин,  
Лермонтов, Достоевский ва Толстойларин ўз юртинг  
ёзувчилари деб атай олмайсан, сенинг на Кремлли Мос-  
кванг, на Ленинграднинг бор, на Нева, на Волганг бор,  
Лениннинг ватани бўлган мана шу буюк мамлакат,  
униинг буюк маданияти, буюк тили сеники эмас... Хўш,  
унда нимаинг қолади? Гаслтуқларингми? Нейлон пай-  
поқларингми? Топган-тутганиинг шуми фақат? Унда сен  
нима билан ғурурланасан? Ватансиз одам аяпчлидир.  
У ҳеч киммас. Аксинча: буюк мамлакат фарзанди экан-  
лигини ўйлаганиингда, шу фикрининг ўзиёқ сенга энг қи-  
йин дамларда ҳам куч-қувват бағишлайди.

— Пима ҳақда ўйлаётганингизни мен гўё тушунаётгандайман,— деди Ташя, у шу пайтгача юқориги қаватда жимгина келаётган эди.

У пастга тушди. Назаримда Ташя укасига қараганда ўн ёшча каттадек кўринди.

— Сиз Леонид ҳақида ёмон фикрда бўлманг. У шунчаки гўр бола ҳали. Укажоним пима билан мақтаниб юришини бир тасаввур қилсангиз эди? Бошқаларга қараганда кўп ичиб, маст бўлмаслигидан ғурурланади у. Кўлқоплар, кафе, газ билан ёнадиган зажигалкалар, чет эл фильмлари... Ҳозирча кўнглида шулардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Ҳайронман, қачон ақли кираркин?

Маълум бўлишича, опа-ука доим жанжаллашиб юришаркан. Улар таътил вақтини Уралда ўтказиб, Москвага қайтиб келишаётган экан. Леонидга Урал ёқмабди:

— Э, у ердаги аёллар кийинишни ҳам билишмайдикуну! Ҳаммасп аллақандай тасқарага ўхшайди!— деди у.

Ташя эса уруш вақтида Уралда яшаган экан. У ерда Ташяни Ленинграддан, қамал бошлапишидан сал олдин олиб кетишган экан.

— Мен учун Урал гўё болалигимнинг давомидек бўлиб туюлади. Ҳатто, Уралнинг ҳавоси ҳам эсимда. Ёмғирдап кейин соҳил бўйлаб яланг оёқ чопгаларимизчи. Ернинг тупроғи қизғиш, муздеккина. Унинг устида атайлаб думалагинг келади. Кейин чўмилишга югуриб кетасан. Тик қирғоқдан тепаликка қараб чопасан. Ўтўланлар ўсган жойга ошиқасан. Гиёҳларни бутунлай шудрнинг қоплаб олган бўлади. Атрофда кўм-кўк чучмомалар. Қишда эса қишлоқ кўчаларни қор билан қопланади. Болалар, тунда ўрмондан бўрилар келади, дейишарди. Шаҳарликларни қўрқитишарди. Ленинградга қайтаётганимизда эса бизга ўйинчоқ ҳайвончаларни соваға қилишди. Бу ўйинчоқларни Кунгурада Урал тошларидан ясашар эди. Леонид бўлса: «Тасқара»— дейди! Миясида латта-путтадан бошқа ҳеч нарса йўқ.

Уша баҳсда пима гаплар бўлганини бошдан-охир айтиб ўтирмайман. Аммо жуда узоқ ва қизгин баҳс бўлди. Биз ҳар бир одам учун Ватаннинг қадри қанчалар зўрлиги ва ватансиз яшаш нақадар аянчли эканлиги тўғрисида гаплашдик. Тургеневнинг «Арафа» романидаги Еленани эсладик.

— Ахир, Елена ҳам чет элга кетди-ку, кета олди-ку! — тажанг бўлиб бақирарди Леонид.

— Сең китоб ўқишни ҳам билмайсан! Стахова эрининг мамлакатига, озодлик йўлида у билан биргалашиб курашиш учун кетади. Уни чет мамлакатни кўриш учунгина хорижликларга турмушга чиқадиган тантиқ қизлар билан солиштириб бўладими, ахир? Ундай қизлар Елена Стаховадан кўра, кўпроқ сенга ўхшашиди. Кетишга кетишади-да, кейин юртимга қайтаман деб кўз ёши қилиб юришади.

Шунда мен Леонид билан Таняга москвалик бир танишим Ольга Н.нинг тарихини гапириб бердим. Унинг тарихи ҳам Леонидникига ўхшагани учун гапирганим йўқ. Шунинг учун айтиб бердимки, Ольганинг ҳаёти опаука ўртасидаги баҳсда туғилган кўпгина саволларга жавоб бўлиши ҳам мумкин эди.

Ҳозир, мен ушбу китобни ёзаётган пайтимда, машинкамнинг ёнида чарм муқовали қалин бир дафтар турибди. Бу Ольганинг кундалиги. Назаримда, унинг айрим саҳифаларини ўқиб кўриш фойдадан холи бўлма-са керак.

Ольга билан мен институтга, дўстларим билан бирга адабий кечага борган вақтимда танишган эдим. Бизга каттакон, йўлакнинг ярмини элаган «Филолог» деворий газетасини кўрсатишди. Газета институтнинг фахри бўлиб, шаҳардаги барча олий ўқув юртлари газеталари ичида энг яхшиси эди. Биз ундаги шеърларни ўқидик, карикатураларни ва янги «фотобурчак»ни томоша қилдик.

Хира олинган расмлардаги ҳамма тасвирлар: бошига

рўмола ўраган, чолвор кийган кир-чир қизлар, бесўпақаёй этик кийиб олган йигитчалар кўзга аллақандай гайри табиий кўринар эди.

Бу фоторепортаж эди...

Ана, озги қулогига етган «озик-овқат бош мутасад-дис» улкан балиқни ошхонага олиб кириб кетяпти.

Бир фотога қизиқиб қолдик. Тагида: «Эрталаб соат олтида турдик-да, «Нафосат булоғи»га қараб йўл ол-дик», деган сўзлар ёзилган. Булар — ўша Ольга билан дугонаси эди. Қурилишдаги биринчи купи улар қовоқ-лари солиқ, сочиқ кўтариб олганча уйқусираб, зўр-ба-зўр булоққа томон судралиб кетишяпти. Фотообъектив гўё дугоналар устидан холисопа киноя қилаётгандек эди.

Ана, навбатчининг баджаҳл юзи. Хойнаҳой у, томоғи қирилганча, сон минг марта: «Турингла-ар!»— деб қич-қираётган бўлса керак.

Бошқа расмда эса ҳамма хурсанд. Суратнинг тагида ҳеч қандай ёзув йўқ. Лекин ҳаммаси шундоқ ҳам рав-шан: студентлар қуриб битказилган ГЭС олдида тури-шибди — энди уйга қайтишса ҳам бўлади! Ольга бу ер-да қувноқ ва жудаям очилиб кетган.

Мана шу қурилишда у ўзи севиб қолган ўша йигит би-лан танишибди. Унинг исми Феликс. Хорижлик студент экан. У ҳам Ольга ўқийдиган институтда ўқир, чиндан ҳам яхши бир дўст экаи. Ольга унга турмушга чиқибди.

Мен Ольгани чет элга қилган командировкаларим-нинг бирида, Франциянинг жанубидаги кичик бир ша-ҳарчада учратдим.

Ҳозир Ольга яна Москвада, кундалигининг охириги саҳифалари эса, ўшанда мен билан хайёрлашаётганда айтолмаган кўпгина гапларини изоҳлаб беради.

Мана, кундаликдан баъзи саҳифалар.

— Эҳ, бу ёлғизлик, бегона шаҳардаги бу соғинч! Бу туйғу билдирмайгина кўнглингга кириб олади. Хўш, шундай бўлишига ким айбдор? Ўзим айбдорманми? Ёки мана бу шаҳар айбдорми? Билмайман. Урта асрдан қол-

ган мана шу япасқи уйчалар ёнидан ўтаётиб, қайтага завқланасан. Лекин ҳаммаси, барибир, сенга ёт туюлади. Эҳтимол, қадрдон кишиларингдан биронтаси ҳам аввал бу ерда яшамагани учун кўнглинг шундай хижил бўлар? Қадрдон кишиларингдан биронтаси ҳам яшамаган. Менинг қонимда ҳам ота-боболаримиздан қолган ва ўз шаҳарларимиз, ўз юртимизни қўмсайдиган қандайдир дард бордир балки. Россияда, ҳатто, бутунлай нотаниш бирор шаҳар ёки қишлоқчага бориб қолсанг ҳам, худди уни таниб, эслаётганга ўхшайсан. Гўё қачонлардир бу ерда бўлгансан, яшагансан, фақат орадан анча вақт ўтиб кетгандай туюлади. Уша жойдаги гиёҳлар устига мукка тушиб — шу юртинг қизи эканлигингни ҳис этиб, далда оласан.

Яхши одамлар ҳамма ерда ҳам бирдай яхшими? Ҳа, албатта. Бу ерда ҳам жуда кўп яхши одамлар бор. Бунинг устига, деярли ҳаммалари ҳам менга яхши муносабатда бўлаётгандай туюлади. Аммо шунда ҳам, бу ерда яшаш шунчалар оғирки! Кўчада кета туриб, она тилингни эшитишни шунчалар истайсанки!

Бу бегона, калта-калта ва тор кўчаларга чиқиш мен учун кун сайин азобга айланиб боряпти, бу кўчаларда бутун ташвишларингни нутиб, бемалол юролмайдан-да, ахир. Балки ноҳақдирман. Лекин мен юрагимдагини ёз-япман. Эҳтимол, бу бегона тил аслида ёқимли, жонлидир-у, бироқ мен учун барибир ёт, уни тинглашдан тобора тоқатим тоқ бўлиб боряпти.

Жонажон шаҳрим кўчаларини тушларимда кўриб чиқаман ва юрагим безовталаниб уйғониб кетаман. Радионин Москвага тўғрилаб, ҳамма эштинтиришларини тинглайман.

Бу ерда мен энди, ҳатто нафас ҳам ололмайман. У ёқда, ўз юртимда эса, майли, Феликссиз бўлса-да, ҳар қалай бир амаллаб умр ўтказаман-ку.

Юртимга кетишим керак. Гўё ҳамма нарса: сен ҳақсан, ҳақсан, деб таъкидлаётганга ўхшайди... Бу ерда мен

кўп йиллардан бери Францияда яшаётган бир рус онласи билан танишганман. Шу чол Смоленскдан кетганда йигирма ёшда экан, у менга:

— Ўз уйимда, ватанимда ўлишни хаёл қиламан,— деди.— Қайин тагига ётиб, рус осмонига тикилганча ўлишни истайман.

— Наҳотки, сиз орадан шунча йил ўтган бўлса ҳам Россияни унутолмадингиз?

— Ҳа... Мен Ватанни қўмсаш дардига мубталоман... Бу тушунтириб бўлмайдиган дард. Гапимга ишонавринг, бу дардга даво йўқ. Ватанини ташлаб кетган одамни, ҳаётининг ҳар бир дақиқаси эғовлаб тамом қилаверади,— деди ўша сочлари оппоқ нуроний мўйсафид, менга маънос тикилганча.

Феликс билан хайрлашаман-у, кетаман, шунда мен яна ватанли бўламан. Қувончларим ва армонларимни тушунадиган шаҳарлар, одамлар бўлади. Эҳ, сен, Россия! Токи Ватанингдан ажралмагунингча бу туйғуни тушунмас экансан. Инсоний соғинч ва азоб-уқубатлар ўз ватанингда қанчалар тез унутилиб кетади-я! Ахир, Ватанга муҳаббат — шундай муҳаббатки, уни ҳадеганда сезмайсан, чунки сен шу муҳаббат билан йўғрилиб тугилгансан. Уни сезиш учун қандайдир алоҳида вазиятлар керак. Мен Феликсдан айриламан-у, аммо Россиясиз яшай олмайман. Ҳали иродам бор, ҳозирча юртимни унутганим йўқ». Бу сўзларни Ольга Ватанга қайтиш олдидан ёзган эди.

Мен Ольга Н.га ўхшаган ва Россияни бундан бир неча йиллар муқаддам ташлаб кетган русларни ҳам учратганман. Улар Сан-Франциско ва Монреальда, Токио ва Римда, дунёнинг бошқа шаҳарларида истиқомат қилдилар. Улар ўз оилаларида русча гаплашиб, бир-бирлари билан аҳил бўлишга, русча урф-одатларга риоя қилишга уринадилар. Улар орасида бадавлат кишилар ҳам, қашшоқлар ҳам бор. Лекин уларнинг кўплари би-

лан Россия ҳақида гаплашиб қолдинг дегунча, кўзлари-  
да соғинч — ҳеч давоси топилмайдиган она ерни қўмсаш  
туйғуси пайдо бўлади.

*Инсон энг аввало ўз мамлакатининг фарзандидир,  
шу ватаннинг манфаатларини қизғин ҳимоя қилувчи  
граждандир.*

*В. Б е л и н с к и й*





## МАКТУБЛАР

Мактублар... Одамлар ҳақида улар шу қадар кўп маълумотлар берадики...

Янги йил почтасида Арманистондан бир хат олдим.

«Роппа-роса уч йилдан бери мен сиз билан гоийбдан суҳбатдошман... Чунки, менинг «Оқшомсиз кун» деб аталган, бундан бир неча ой муқаддам бизнинг Ереван нашриётимизда босилиб чиққан китобимга қаҳрамон бўлган жангчи-офицер тўғрисида биринчи марта Сиз ёзган эдингиз...»

Мен ушбу сатрларнинг муаллифи бўлмиш Микаэл Акоюп билан таниш эмасман, лекин унинг мактуби хотираларимни қайтадан жонлантириб юборди... 1945 йил кўклам кунларининг бирида, ўша пайтда мен ишлаётган ҳарбий газета редакциясига Самарқанддан келган кекса бир киши кирганини эслаяпман. Кетаётиб у менга бир нечта солдат мактубларини қолдириб кетди. Бу унинг ўғли, ўзиюрар тўп командири Варта Тонияннинг хатлари эди, Варта урушнинг охириги йили февраль ойида Шарқий Пруссияда, Фраймарк деган қишлоқ учун олиб борилган жангда ҳалок бўлган экан. Душман снаряди ўзиюрар тўпни мажақлаб ташлабди...

Тонияннинг яқин дўсти лейтенант Баранов унинг ота-онасига ўғлининг қаҳрамонларча ҳалок бўлганини хабарлабди. Баранов ҳалок бўлган дўстининг гимнастёркаси чўнтагидан ҳужжатлари билан бирга уч-тўртта малла сөч толасини ҳам топиб олибди.

1945 йилнинг 7 февралда арман халқининг содиқ фарзанди, ботир совет жангчиси Вартап Топияннинг навқирон, жасур ва олижаноб юраги уришдан тўхтади. У ёзган мактубларнинг нусхалари ҳали ҳам ёзувчилик архивимда сақланаётир. Мана, ундан олинган парчалар:

«Салом, қадрли, азиз туғишганларим!

Мен соғ ва саломатман. Ўзимни яхши ҳис этипман. Кейинги пайтларда сизларга кам ёзаётганим учун, балки мендан хавотир олаётгандирсизлар. Хат ёзишни ўйламайди ҳам, деб юрманглар тагин, сираям вақт йўқ. Қадрдонларим, ҳамма ишларим яхши кетяпти, лекин сизларни жудаям соғиняпман.

Сизлар ҳам мен билан уйда дийдор кўришишни ис-таётганларингизни биламан. Бироқ ҳозир бунга илож йўқ. Уруш боряпти. Зиммамизга оғир, хавфли, аммо ша-рафли вазифа тушган. Биз унн шараф билан адо эта-миз. Мен тўхтовсиз жангдаман...

Битта «тигр»ни, бронетранспортёр, тўп ва зенит пуле-мётини йўқ қилганимни сизларга ёзган эдим. Утган куни эса, машинам билан душман тўпчиларини тумтарақай қочириб, тўпни ўлжага олдим, ўн иккита пулемёт нуқта-сини йўқотдим.

Яхши жанг қиляпман, бироқ урушда ҳамма нарсани ҳисобга олиш қийин. Дўстларим ҳам худди шундай, ҳатто мендан ҳам яхшироқ жанг қилишяпти.

Биз катта бир жанговар оила бўлиб яшамоқдамиз. Кўнгилдагидек, аҳил, қувноқ яшамоқдамиз. Бир-бири-мизга шу қадар меҳрибон, шу қадар ғамхўрмизки! Мен дўстим Барановни бир неча марта ўлимдан қутқариб қолдим. Унинг мажақланган машинасини жанг майдонидан олиб чиққан ҳам мен эдим. Бутун жанговар йўли-миз у билан бирга ўтяпти, иккаламиз ҳатто битта мина-дан яраланган ҳам эдик. У жуда яхши, ақлли, ёқимтой йигитча. 24 га чиққап. Кўринишидан эса ёш, худди болага ўхшайди. Аммо жуда довиорак. Жангларда

кўрсатган қаҳрамонлиги учун икки марта мукофотланган.

Кеча у менинг олдимга — ертўлага келди. Тахта ўриндиқда ётганча уйимизни, мактабимизни эслашдик. Сизлар бу майда-чуйдаларни, эҳтимол, бутунлай эсдан чиқариб юборгандирсизлар. Лекин бизни ўша ҳаёт билан боғловчи ҳар бир нарса — биз учун ғоят қадрли, шу ҳаётни деб ҳозир қон тўкяпмиз. Баъзан сирлашиб қоламиз. Аммо кўпинча фикрларимиз, орзу-умидларимиз ва муқаддас тилакларимизни ичимизда сақлаймиз. Уларни асраб-авайлаб, умид асрорхоналаримизга бошқа ҳеч бир кишининг киришига йўл қўймаймиз. Бегона одам буни тушунмай, хафагарчилик юз бериб қолмасин деймиз...

\* \* \*

...Меҳрибон ойижоним! Мен сизлардан йироқдаман, лекин бутун фикрим сиз билан, бутун оиламиз билан бирга, азиз ойижоним. Индинга туғилган куним. Мен 21 ёшга тўламан. Шу мен туғилган кунда сизни янада ўзгача қоқмай, бутун умри ва соғлигини бизга бағишлаган сиздай онаизорни унутиб бўладими. Бизни яхши кийинтириб, яхши едиришга қанчалар уринганларингизни ҳам эслаяпман. Ҳар биримизни ҳам суйиб-эркалашга вақт топар эдингиз, меҳрибон ойижоним. Баъзан ўзингиз емай, оғирликларга чидаб, топганингизни бизга берардингиз. Агар уйда бўлмай қолсак, овқат қилишга ҳам қўлингиз бормай, юрагингизга қил сиғмай қоларди. Азиз ойижоним, ҳамма нарса сизнинг қўлингиздан ўтарди. Ахир, мен кичкиналик вақтимда оналар сира чарчашмаса керак, деб ўйлардим.

Меҳрибоним, энди қарий бошлаган сиз онажонимни қучгим, тўйиб-тўйиб ўпгим келади. Ахир, уйда мен сизга у қадар яхши гап ҳам айтмасдим. Ота-онанинг қисмати аслида шу экан-да: ҳамма яхшилик ва ғамхўрликларга жавобан фарзандлар ҳеч қачон ўз қарзларини тўла узолмас эканлар. Биладан, фронтда ўтказган ҳар бир кунимни ўйлаб, сиз қанчадан-қанча азоб чекасиз, шуларнинг ҳаммаси соғлигингизга ва ўзингизга катта путур етказди...

Бир воқеани ҳанузгача унутолмайман: жанг майдонидан ёши анчага бориб қолган бир солдатни олиб чиқдим. У қўлимда жон берди. Болалари, хотинини эслади. Улар тўғрисида ташвишланди. Охири жони узилаётганда «онажон» деб нидо қилди...

\* \* \*

...Қадрдонларим! Ҳадемай янги йил келади. У бизга бахт ва қувонч келтиради. 45- йилда урушни тугатамиз. Бу — сўнгги йил. Кейин — хушнуд, бахтли ҳаёт бошланади. Кўнглимиздаги пинҳона орзуларимиз қандай: ҳаммамизнинг, яъни барча жаангчиларнинг фақат битта фикр-ўйи бор: тезроқ урушни тугатиб, тинч меҳнатга қайтиш...

\* \* \*

Дадажон! Хайрлашганимиздан бери ўтган вақт ичида мен анча улғайдим. Кўп нарсаларни кўрдим. Дунёқарашим кенгайди. Жуда кўп яхши ва ёмонга дуч келдим. Неча бор ўлимни кўрдим. Неча марта ўт ичида қолиб, яраландим. Юзимдаги чандиқларимдан ор қилмайман. Улар билан Ватаним гурурланади. Биладан, мени ўйлайвериб, сочингизнинг оқи баттар кўпайиб кетган.

Менинг ташвишларим сизга тунлари ҳам уйқу бермайди. Хотиржам бўлинг, азиз дадажоним, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Ҳозир эса, мен сиз билан йигитчасига гаплашмоқчиман.

Самарқандда севикли қизим қолган. Мен уни ўз қайлигим деб ҳисоблайман. Бу ҳақда аввал ёзмаганим учун мени кечиринг. Анча келишган, ақлли-ҳушли қиз. Яхши тарбия кўрган. Яхши ўқийди. Оддий, оғир-вазмин, ўйлаб иш қиладиган одобли қиз. Ойинга бу ҳақда ёзганман. У билан яқинроқ танишиб кўринглар. Хатларида у сизлар тўғрингизда кўп ёзади. Аҳён-аҳёнда у уйимизга ҳам кириб туради. Қиз танлашда янглишмаганимни кўрасиз ҳали. У билан муносабатларимни тагин қандайдир уятли, ёмон алоқалар деб ўйламанг. Орамизда ниҳоятда самимий, яхши муносабат бор, холос. Мен аксари йигит-қизларнинг муносабати айна мана шундай бўлишини истар эдим. Шу масалани очиқ-ойдин ҳал қилиш керак. Сиз ҳаммасини билишингиз лозим. Сиздан яширадиган зиғирча ҳам сирим йўқ.

...Мен ҳар бир ишимни ёдда тутиб, таҳлил қиламан, хулосалар чиқараман, хатоларимни топаман ва уни такрорламаслика ҳаракат қиламан. Агар аҳмоқона ёки бирор бемаъни иш қилиб қўйсам, анча вақтгача ўзимни ўзим кечиролмай юраман. Бу яхши. Ота-онам, опам ва акам, умуман, бутун оиламиз билан фахрлансам арзийди. Оиламизнинг яхши анъаналарига бутун умр содиқ қоламан. Қисмимиз ва қўмондонлигимизда дўстларим ҳам, қўлимдаги жангчилар ҳам мени ҳурмат қилишади. Катта-катта жиддий мавзулар устида суҳбат ва лекциялар ўтказаман. Кўпинча менга: «Ота-онангизга раҳмат. Яхши ўғил тарбиялашган экан», дейишади. Меҳрибонларим, бу раҳматлар сизларга аталган! Ҳаммангизни суйиб ўпаман ва қучаман.

Тезда дийдор кўришгунча ҳайр.

Кенжа ўғлингиз Вов а».

Лейтенант Вартап Тониян мактубидан олинган бу сатрларни ўйлаганда одам ҳаяжонга тушади.

Чорак аср илгари «Красная звезда» саҳифасида Вартапнинг жасорати ҳақида ҳикоя қилар эканман, у ҳеч қачон ўз ёнидан қўймаган бир хат тўғрисида ҳам эсла-тиб ўтган эдим. Бу — мактабдош ўртоқларининг макту-би эди:

«Қадрли дўстимиз Володя! — деб ёзишган эди унга синфдошлари.— Ватанмизни фашистлардан ҳимоя қи-лиш учун балки бир умрга қаторимиздан кетаётган ма-на шу шарафли кунингда, бизнинг Х-А синф коллективи сенга яхши ўртоқ ва комсомол аъзоси сифатида ўзининг дўстлик ва ҳурмат туйғуларини изҳор этади. Мактаби-миз сени қандай тарбиялаган бўлса, худди шундай қатъ-ий, чидамли, интизомли бўл. Жонажон, суюкли Ватани-мизга содиқ бўл, унинг учун жонингни беришдан ҳам қўрқма».

Володя Тониян ўртоқларининг бу кўрсатмасини ба-жарди...

Унинг фронтдан ёзган мактубларини яна қайта ўқир эканман, хаёлан ўша олис, даҳшатли кунларни эслаётган-ним йўқ, балки Вартапга ўхшаш, эҳтимол, у мардларча ҳалок бўлган кунда ёки ундан анча кейин туғилган, аммо бугун қўлида қурол билан ватанмиз чегарала-рини ҳимоя қилаётган бошқа жангчи ва офицерларни кўз ўнгимда гавдалантиряпман. Биламанки, уларнинг ҳам кўпларида мактабдош дўстларининг худди ўшан-дай хатлари асраб-авайлаб сақланяпти.







## МЕНИНГ ҚАСБИМ

Аксари катталар болалик пайтларида расм чизганлар, шеър ёзганлар, мактаб театр тўғарида иштирок этганлар-у, аммо кейинчалик улар на рассом, на шоир ва на артист бўлиб етишганлар. Ушбу сатрлар муаллифи ҳам геологликни ёки бошқа бирор-бир касбни эгаллаши керак эди-ю, бироқ қарабсизки, ёзувчи бўлди.

— Нима учун сиз ёзувчи бўлдингиз?

— Биринчи шеърингизни сиз қачон ёзгансиз?

— Шоир бўлиш учун нима қилиш керак?

— Нима учун сиз болаларга ёзасиз?

Болалар тўпланишганда ўнлаб мана шундай саволларни беришади менга. Шунинг учун ҳам қўлига қалам олмоқчи ва оқ қоғозга дўст тутинмоқчи бўлган ёш дўстларим билан адабиёт соҳасидаги ўз тажрибаларимни ўртоқлашмоқчиман. Балки уларга бирор-бир нафи тегиб қолар...

Мен жуда эрта шеър ёза бошлаганман. Қаламтарош ва рогаткам солиб қўйилган қутичада топ-тоза кўчирилган дастлабки шеърларимдан иборат қалингина бир дафтарим ҳам сақланади. Уларнинг орасида битта масал бор. У «Маданият» деб номланиб, «яхшиси, одамларга сўз билан эмас, иш билан кўмаклашиш керак»лиги хусусида гап боради унда. Мен ўшанда ўн ёшга қадам қўйган эдим.

Бир куни шеърни эртақ ёздим-у, уни босма ҳарфлар билан оққа кўчирдим-да, Москва нашриётларидан бирига қараб йўл олдим. Бу

болалар китобини нашр этувчи Миримановнинг хусусий нашриёти эди.

Одамни ҳаяжонга солувчи босмахона бўёгининг ҳиди анқиб турган бинога худди жон ҳовучлагандай кирдим. Мени «энг катта бошлиқ» ҳузурига бошлаб боришди. Бурма кўйлак кийган кичкинагина, нимжон мўйсафид мени ҳақиқий муаллифлардек қабул қилди. Утиришга жой кўрсатиб, қўлөзмамга кўз югуртириб чиқди ва уни бир неча кунга қолдириб кетишимни илтимос қилди. Хайрлашаётганимда эса у менга уч сўм пул узатди. Бу менинг биринчи қалам ҳақим эди! Орадан бир ҳафта ўтгач, ҳаяжондан дир-дир титраётган қўлимда расмий қоғозга ёзилган жавоб хатини ушлаб турардим! Унда айиқ ҳақидаги эртагининг босишга ярамаганлиги хабарланиб, қайтариб юборилган эди.

Турли редакциялардан бунақанги хатларни яна неча марталаб олганман ва ниҳоят, «Юксалишда» журналининг (Ростов-Дон шаҳри) 1928 йилги июль сонида биринчи шеърим босилиб чиқди: у саккиз сатрли «Йўл» деган шеър эди.

Менга, ўн беш ёшли ҳаваскор шоирга редакция котиби журналдан бир нусха жўната туриб: «Ортиқча суюниб кетманг, ишлашии ўрганнинг ва бизга ўз шеърларингизни юбориб туринг», деб ёзибди.

Дадам бу дастлабки адабий уринишларимга хайрихоҳлик билан қарадилар. Бир куни паррандачиликка бағишланган плакатлар учун ўнтача тўртлик ёзиб беришимни илтимос қилиб қолдилар. (Дадам Октябрь инқилобини қизгин қаршилаб, Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ бир гуруҳ мутахассислар билан бирга хусусий деҳқон паррандачилигини ижтимоий-давлат ҳўжалигига айлантириш ишлари билан шуғулланган эдилар.) Мен дадамнинг илтимосини жон-жон деб адо этдим. Қолхоз паррандачиларини улуғловчи, паррандачиликдаги замонавий усулларни тарғиб қилувчи тўрт-

ликлар босилиб ҳам чиқди. Шунда дадам қўлимни маҳкам қисиб қўйдилар, бу мен учун ҳар қандай мукофотдан аъло эди.

Ўз адабий қисматим мисолида мен шундай бир фикрга келдимки, ёш адабиётчининг ижодий камолотида нима муҳим аҳамият касб этишини англаб етдим. Мен ҳар бир киши ҳам қандайдир истеъдод билан туғилади, деган фикрдаман. Энг муҳими шундаки, ўша одам тушган муҳит унинг шу истеъдодини ундириб-ўстириши керак. Агар вақтида сезилиб, йўлга солиниб ва қувватлаб юборилса, ҳар қандай лаёқат ҳам истеъдодга, истеъдод эса — талантга айланиши мумкин. Ўша лаёқатни йўлга солиш ва қувватлаш ҳам — барчага насиб бўлавермайдиган талантдир. Айрим кўнгилчан адабиётчилар ёш муаллифга оталиқ қилиш мақсадида унинг бўш нарсаларини ҳам ўзлари тўғрилаб, дуруст асарлар даражасига етказмоқчи бўладилар, ваҳоланки улар бунинг ўрнига ўша камчилик қаердалигини ёш муаллифга тушунтириб беришлари зарур эди. Агар муаллиф ўз камчиликларини мустақил тарзда ўзи тузатишга ўрганмай, ўзгалар кiritган сатр ва образларни уялмай қабул қилиб олавераркан, у, умрбод ҳеч нарсага ўрганмайди ва ўз хатоларини такрорлайверади.

Улуғ рус танқидчилари янги истеъдодларни кашф этар эканлар, прозаик ва шоирларга уларнинг кучли ва кучсиз томонларини кўрсатиб берар, ижодларида айни нималарни ривожлантириб, қайси жиҳатлардан воз кечишлари кераклигини англаган ҳолда, тарбиялар эдилар. Эсланг: Белинский Криловнинг талантини юксак баҳолаши билан бирга, унинг қуруқ дидактика ва панднасиҳатдан иборат бўлган масалларини синчиклаб таҳлил қилар ва аямай, аччиқ сўзлар билан қоралайверар эди. «Масал,— деган эди Белинский,— сўзсиз кулгили, қувноқ бўлмоғи керак, бу — ўз персонажлари, характерлари, диалоги, замонавий тилига эга бўлган қисқагина бир драматик асардир». Шу ернинг ўзидаёқ у Крилов-

нинг муваффақиятларини кўрсатиб, буюк масалчининг кучи шимадалигини ҳам таъкидлаб ўтар эди.

Ахир, биз ўртамиёнагина манзаралар ва маиший мавзудаги расмларни чизиб юрган қанчадан-қанча ажойиб рассомларни ҳам биламиз-ку, ваҳоланки улардаги истеъдод аслида сатира жанрига мойил! Аксари ҳолларда ўтқир қизиқчилик талантига эга бўлган артистлар ўзларини ошиқ қаҳрамон сифатида кўришни орзу қилдилар. Ҳозирги кундаги энг севимли ва таниқли халқ артистларидан бири ёшлигида имтиҳон топшириш учун Бадий театрға келади. У кўтаринки сатрлар билан бошланувчи «Инсон» номли қаҳрамонлик шеърини ўқишга тушади, пазарида бу шеър унга сўзсиз омад келтирадигандек туюлади:

Майли, Сен холиқнинг эркасидирсан,  
Бу тилла чамбарини ким берди Сенга?

Мана шу сохта кўтаринкилик билан сугорилган шеърни...сиз Михаил Михайлович Яншин ижросида айтилганини тасаввур қилиб кўринг, чунки бу ерда айна шу артист устида гап борапти. Асар хусусияти билан ижрочи истеъдоди ўртасида осмону ерча фарқ борлиги туфайли Лужский бошчилигида имтиҳон олаётганларнинг ҳаммаси бирдан кулиб юборишади ва Яншиндан, яхшиси, Крилов масалидан ўқиб беришини илтимос қилишади. Актёрнинг «худо берган» ёрқин қизиқчилик истеъдодини айна шу масал ёрдамида илғаб оладилар. Бу гапларимнинг ҳаммаси бошдан-охир ўзимга ҳам тааллуқли. Мен йигирма ёшимда шундай шеърлар ёзардимки, улар ўртача шоирларнинг одатдаги назмларидан мутлақо фарқ қилмайдиган оддийгина шеърлар эди. Бир хиллари сал тузукроқ, бир хиллари эса бўшроқ чиқарди. Улар газеталарда босилар ва эҳтимол, алоҳида китоб бўлиб чиқиши ҳам мумкин эди.

Ажойиб инсон ва ёзувчи А. А. Фадеев билан таниши-

шим ва кейинчалнк дўстлашишим менинг адабий тақ-  
диримда ҳал қилувчи роль ўйнади.

У сахий ва камтарин, меҳрибон ва шафқатли, ҳатто,  
бирор нарсада янглишаётган пайтида ҳам қатъиятли ва  
принципиал одам эди. У шеърларни овоз чиқариб ўқиш-  
ни, ҳазин рус қўшиқларини куйлашни, ўрмон ва ботқоқ-  
зорлиқларда қўлда милтиқ билан кезишни, дўстлари  
билан ҳамдамлашишни севарди. У баҳс ва масала тала-  
шишга уста эди, дидига ёққан нарсаи ҳимоя қила би-  
лар, табиатига ўтиришмайдиган нарсаларга эса нақ чо-  
вут солар эди.

У чин маънодаги халқчил одам бўлиб, унинг ки-  
шини ром этувчи инсоний жозибаси суҳбатдошини бир  
умрга асир қилиб қўярди.

Йигирма беш йил давомида Александр Фадеевни мен  
шу қиёфада кўрдим. У ёзган «Тор-мор» романининг их-  
лосманди сифатида «Огонёк» журналида унга бағиш-  
ланган шеъримни эълон қилган вақтимда мен йигирма  
уч ёшда эдим. Бағишловим унга ёқмади. Ҳаваскор шоир-  
га Ёзувчилар союзи раҳбарларининг бири сифатида мен-  
га хушомад қилаётганими бу, деб гумонсираб қаради.  
Муаллифни кўрганда, тикка юзига шу гапни айтди.  
Аммо тажрибасиз муаллиф бу шеърни аслида дилдан  
чиқариб ёзган эди, охири, у бунга ишонди. Сўнгра: «Уму-  
ман шеърнинг ўзи дуруст ёзилибди-а!»— деди-ю, ғаза-  
бини ютиб, шафқатли нигоҳ билан боқди.

Биз шу йўсинда танишгандик.

Болаларга ёзган дастлабки шеърларим уни қизиқти-  
риб қолди. У шеърларимга кўз-қулоқ бўлиб, ёш бола-  
лар ёзувчиси устидан ўзинча пинҳона оталиқ қила бош-  
лади ва 1938 йилда «Правда»да «С. Михалков шеърла-  
ри» деган мақоласи билан чиқиб, унда мен учун янги  
жанр ҳисобланган болалар поэзиясидаги дастлабки  
машқларимни қатъиян қувватлади.

Бу нарса кўп жиҳатдан менинг адабий тақдиримни  
олдидан белгилаб берди.

Агар Фадеев ҳаваскор ёзувчига ишонса, у билан худди ўз тенгидай гаплашар эди. Фадеев кўпинча юзга аччиқ-аччиқ гапирарди-ю, лекин суҳбатдошининг кўнглини сира совутмас, аксинча, унинг руҳини кўтариб юборарди. Борди-ю, у мақтайдиган бўлса, бу мақтов ҳам чин дилдан айтилган мақтов бўларди. Унинг нозик диди ва шoirона ихлоси у ҳақда шундай дейишга тўла ҳуқуқ беради.

Биз кўпинча овга бирга борардик. Одатда ҳар гал эски улфатларимиз: рассом, актёр, доктор ва бир-икки яқин танишларимиз билан биргалашиб чиқардик. Олам-олам завқ олардик шу овлардан! Фадеев, уззу-кун йигилишлар ва мажлислардан бўшамайдиган шаҳардаги ғалафур ҳаётни бутунлай унутар эди. У табиатга қоришиб кетар, иссиқ уйчада чой ичишга ўтирилгач, анъанавий овчи латифалари, ўткир ҳазиллар ва ўз-ўзидан қўйилиб келувчи хотираларини сўзлай бошлар, шунда унинг суҳбатдошлари обдан ҳузур қилиб ёзилишар эди. Ҳикояга ниҳоят даражада уста бўлиши билан бирга, у ўзгаларнинг гапини тинглашни ҳам яхши кўрарди, ўз навбатида «улуши»ни айтиб улфатларни қойил қолдирган шеригининг гапига Фадеев самимият билан қаҳ-қаҳ отиб кўларди.

Овда Фадеев билан истаган парса ҳақида гаплашса бўларди-ю, аммо фақат иш хусусида гаплашиш мумкин эмасди. Иш тўғрисида гап очсанг, қовоғи уюлиб, истаристамас жавоб берар ва охири суҳбатдошининг сўзини бўлиб қўйиши ҳам мумкин эди. Кўпинча «ноадабий цех» кишилари билан овга чиқишнинг сабаби ҳам, эҳтимол, шундандир.

Унинг принципаиаллигини ақалли бўлмаганда қуйидаги воқеадан ҳам билиш мумкин, бу аслида ушбу сатрлар муаллифига бевосита алоқадор воқеадир.

1949 йилда ССР Иттифоқи Катта театри саҳнасида Б. Сметанининг «Сотилган қайлиқ» комик операси муваффақият билан қўйилди. Спектакль Давлат мукофо-

тига тавсия этилиб, унинг иштирокчилари ва яратувчилари коллективи ичида рус текстининг муаллифи сифатида менинг ҳам фамилиям бор эди. Давлат мукофоти Қомитетининг ҳал қилувчи мажлисларидан бирида, комитетнинг раиси А. Фадеенинг таклифига биноан менинг номзодим овозга қўйилишдан тушириб қолдирилди.

Мажлисдан кейин Фадеев худди ҳеч нарса бўлмагандай мени уйига тушликка таклиф қилди. Биз унинг уйда икковимиз стол атрофида ўтирибмиз, табиийки, ўзимни тия олмадим, яна бояги масалага қайтдим. Рус текстининг муаллифи сифатида спектакль балетмейстери ва рассоми, режиссёр ва ижрочилари қаторида ўзимни юксак мукофотга номзод деб ҳисоблашимга Фадеевдан бошқа ҳеч бир киши шубҳа ҳам билдирмаган эди-да, ахир.

— Уйламаёқ кўя қол! — деди Фадеев соддадиллик билан, унга «кескин» даъволаримни пешлаганимда. — Сен оригинал асарлар ёзишинг мумкин, бу текстинг эса, эҳтимол дурустдир, лекин у мустақил нарса эмас! Бу иш учун сенга мукофот берилмайди ва сен уни ололмайсан ҳам! Буни мен айтяпман сенга! Ҳа, ҳа! Шундай! Болалар учун кўпроқ ёз!..

Спектакль Давлат мукофотини олди. Мен лауреатлик унвонига мушарраф бўлганлар ичидан ўзимни ахтариб ҳам ўтирмадим. Лекин Фадеевни янада кўпроқ ёқтириб, унга ҳурматим ошди. У ўз принциpidан воз кечиб, «яқин кишисига кўмаклашиб» юборадиган одамлардан эмас эди.

Саша, биз Фадеевни ўз даврамизда шундай дейишга одатлангандик, адабий жараёнлар ривожига кучли таъсир ўткази олувчи, бор кучи ва орзу-ниятларини Коммунистик партия ва халқ иши учун хизмат қилишга бағишловчи коммунист-ёзувчининг ёрқин тимсоли эди...

Алексей Николаевич Толстой билан эса, Улуғ Ватан урушидан анча аввал, Ёзувчилар союзида учрашган-

дим. Ҳамманинг ҳурмат-эътиборини қозонган тирик классгимиз суҳбатдошини ўзининг соддалиги, чуқур ва ёрқин ақли, ҳаётбахш, ташбеҳли нутқи ва ажойиб кичишларга у ёки бу даражада насиб бўладиган яна нималари биландир ўзига сеҳрлаб қўяр эди.

Уша пайтларда мен адабиётда анча танилиб қолгандим: болалар учун ёзилган китобларим ўқувчилар ва жамоатчилик томонидан дуруст кутиб олинган эди, лекин Толстойнинг номи эса, барибир менда қандайдир илоҳий бир эҳтиром уйғотар эди.

Толстой Москвада яшарди. Уша вақтларда у жуда кўп, бетиним ишлар эди, аммо бошқаларга бу иш, хойнаҳой, унчалик сезилмаган бўлса керак. У тез-тез меҳмон чақириб, зиёфат беришни, ҳазил-мутойибани яхши кўрар, ўзи эса гапга уста: худди ҳақиқий актёрдек юз ишоралари билан гапирар эди. Муомаласи юмшоқ, аммо айрим пайтларда кескин, ниҳоятда ҳалол фикрли инсон эди.

Алексей Николаевич Ёзувчилар союзига кўп келарди. Уни одатдаги ижодга алоқаси бўлмаган ишлар кўпроқ чарчатарди. Бироқ бирор ишга қўл урдими, охирига етказмай қўймасди.

Урушнинг дастлабки ҳафталарида Алексей Николаевичнинг қандай кайфиятда юрганини эҳши эслайман. У ғамга ботган, аммо ҳаракатларида қаттият, фикрларида эса деярли солдатчасига юксак аниқлик пайдо бўлган эди. Унинг ватанпарварлик руҳида ёзилган мақолалари ўзининг чуқур мазмундорлиги билан ҳаммани ҳаяжонга соларди. У халқ матонатининг қандай туғилишини ғоят зўр даражада ҳис этар, унинг оташин публицистикаси одатдаги қуруқ дабдаба ва умумий фикрлардан холи бўларди.

Уша огир дамларда ёзувчи биродарларимиз ҳам, умуман, одатдагидан кўра маҳкамроқ жипслашган эдилар: бутун мамлакатни ларзага солган даҳшатли ҳодисалар қаршисида ҳамма ўзаро тортишувлар ва ғараз-

лар иккинчи даражали, аҳамиятсиз ёки, ҳатто арзимас нарсалардек унутилб юборилган эди. Қанча-қанча ёзувчилар фронтга кетиб, кўплари қайтиб келмадилар: ўша пайтларда Москва ёзувчилар ташкилоти ўз сафидаги аъзоларнинг учдан бир қисмидан жудо бўлган эди.

Алексей Толстойнинг йирик публицистик туркумига кирган биринчи мақоласи негадир эсимда яхши сақланган, у фашистлар Германияси ҳужумидан сўнг орадан саноқли кунлар ўтгандан кейиноқ ёзилган эди. Мақола «Биз нимани ҳимоя қиламиз» деб номланарди. Мақолада улкан ёзувчининг халқ тақдир ва унинг маданияти тақдирдан ташвишланаётгани акс этиб турарди, аммо мақола она-Ватан содиқ фарзандларининг букилмас иродаси ва қаҳрамонлигига чексиз ишонч руҳи билан суғорилган эди. Бу мақола биз ёш ёзувчиларни руҳлантириб юборди.

Толстой ижодидаги рус характерининг ўзига хос кўламли, унинг ниҳоятда билимдонлиги, чуқур социал таҳлилни насрий асар билан қўша билишдек нодир истеъдоди мени ҳамма вақт ҳайратлантирарди. Орадан қанча вақт ўтмасин, рус адабиёти яна қанчалаб талантларни илгари сурмасин, барибир Алексей Толстой ҳамиша унинг қимматбаҳо дурдонаси бўлиб қолаверади. У ўзининг энг яхши китобларида мамлакатимиз тарихининг революцион бурилиш онларни синчковлик ва чинакам санъаткорга — гражданин ва ватанпарварга хос донишмандлик билан тасвирлаб берди.

Алексей Николаевич кутилмаганда оламдан ўтди. Айрилиқ ҳисси ҳаммани ғамга ботирди-ю, аммо, айни пайтда унинг ижоди узоқ умр кўришини ўйлаб, ўзимизни юпатдик.

Масалчиликка мойиллигимни Алексей Толстой уйротган, десам хато бўлмайди. У болалар учун ёзган шеърларимдаги кўз илғамас йўналишни, масалга мойилликни, нуқсонни киноя билан фош эта билишни се-

зиб олган эди. У мени Кривов юбилейи тантаналарини ўтказиш Комитетига кирита туриб, тажриба ошган сари қийинчиликлари тобора кўпаядиган бу қизиқарли, лекин ўзига хос жанрда жиддий куч синаб кўришимни тавсия этди.

Алексей Толстой шарофати билан мен юздан ортиқ масал ёздим.

Бундан вақтида берилган ҳақиқий ижодий ёрдам нималарга қодирлиги яна бир бор намойён бўлди. Ота тутинганим Самуил Яковлевич Маршак тўғрисида-ку, гапириб ўтирмасам ҳам бўлади. Мени унинг ҳузурига «Степа амаки»нинг биринчи қўлёзмаси билан «Пионер» журнали йўллаган эди. Маршак мени Ленинграддаги квартирасида қабул қилди, болалар учун ёзган шеърларимга жуда қизиқиб қолди, кўнглимни кўтарди, кўп сэмийий маслаҳатлар берди ва мен учун бир умрга талабчан устоз бўлиб қолди. У ҳаётининг охиригача мени қўллаб-қувватлаб келди, айрим пайтларда эса, назарида «унчалик тер тўкиб» ёзилмагандай туюлган шеърларим учун оталарча койиб ҳам қўярди.

Маршак, Фадеев, Толстойлар менга ўз овозимни топишимда, қобилиятимни рўёбга чиқаришимда ёрдам бердилар.

Санъатда ўз жанрини топишинг ҳар вақт ҳам осон эмас ва бу ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди. Шу боисдан ҳам кўпгина қобилиятли санъаткорлар бутун умрлари давомида ўртамеёна шеърлар ёзиб ёки расмлар чизиб юрадилар, чунки улар истейдодларини ёрқин намойён этадиган ўзларига хос ижод соҳаларини топа билмаганлар.

Чўкаётган одамни қутқариш — ўша чўкаётганнинг ўзига боғлиқ, деган нуқтаи-назарда турадиган бўлсак, унда ёш ижодкор ўз ижодий йўлини топиб олиши учун ҳар қалай, у кучини турли жанрларда синаб кўрсатгина муваффақиятга осонроқ ва аниқроқ эришса, деб ҳисоблаган маъқул.

Бизда эса кейинги пайтларда «тор донрада мутахас-  
снслашиш» расм бўлпб кетди, масалан: лирик шоир,  
ҳатто, қўшиқчи шоир деб ҳам юритишади.

Шоир фақат шеър ёзибгина қолмай, қўлидан келган  
ҳамма нарсани — наsrни ҳам, публицистикани ҳам ёза-  
вериши керак. Бунда бизга Пушкин, Лермонтов, Некра-  
сов, Горькийларнинг буюк мактаблари намуна бўлади,  
уларга поэзия ҳам, наsr ҳам, драматургия ҳам, публи-  
цистика ҳам бирдай муҳим эди. Чехов эса повестлар, ҳи-  
коялар, пьесалар, очерклар, фельетонлар ёзган. Блок  
шунақанги зўр шоир эдики, аммо, у ҳам фақат лирик  
шеърлар билан чекланиб қолмаган. Шеър ҳам ёзган,  
наsr ҳам. Бизнинг катта авлодга мансуб замондошлари-  
миз ҳам бу анъанани давом эттирмоқдалар... Албатта,  
адабиёт ҳақида, ёзувчининг йўли ҳақида гап кетганда  
қандайдир «қатъий» йўл-йўриқ ва қўлланмалар бериш-  
нинг қийинлиги ҳам барчага маълум.

Мен ўзим ҳам турли жанрларда ёзишга ҳаракат қи-  
ламан: шеърлар, пьесалар, катталар ва болалар учун  
сценарийлар, қўшиқлар, сиёсий сатира, мақолалар, лав-  
ҳалар — хуллас, роман ва повестлардан ташқари деяр-  
ли ҳамма нарсани ёзавераман.

Лекин бу билан мен барча жанрларда ҳам ўзимни  
бир хилда кучли сезаман, демоқчи эмасман.

Болалар учун шеърлар ва сатирик асарлар ёзишни  
бошқа жанрларга қараганда кўпроқ ёқтираман. Лекин  
мен бир жанрдаги иш бошқасини бойитади, ёзувчи ўз  
ижоди билан газета ишида ҳам қатнашиши ва фақат  
ўзига ёкқан нарсаларнигина эмас, ижтимоий фойдали  
бўлган бошқа зарур ҳодисаларни ҳам ёзиши керак, деб  
ҳисоблайман. Бориники, адиб ёзган йигирмата асардан  
— шеърми, ҳикоями, мақолами, бундан қатъи назар  
— биронтаси ҳам унинг сайланма асарларига кирмаёқ  
қўя қолсин, фақат йигирма биринчисигина тўлақонли  
асар сифатида мўлжалга тегди дейлик — ана шунда ав-  
валги йигирматасинга кетган вақтга аччимаса ҳам бўла-

ди: чунки уларсиз йигирма биринчи асар ҳам дунёга келмас эди. Уруш вақтида фронтда биз шеър ёзиш учун муҳаррирдан икки ҳафта муҳлат сўрамасдик, ўрмондаги тўнка устига ўтириб олиб, нима зарур бўлса, шуни қўлимиздан келганча ёзаверардик. Китобларимизда ўша асарлардан фақат айримларигина босилган, холос. Бироқ шуларнинг бари биз учун тезкорлик интизомининг ажойиб бир мактаби бўлган эдики, қийинчилик билан, аста-секин йиғилиб борилган тажрибалар эди булар.

Маҳорат проблемаси ҳар бир ёзувчи олдида кўндаланг турадиган масаладир. Адиб ўз ғоясини аниқ, равшан, жонли тасвирлай олмаса ва у ҳаққоний, ёрқин сифатлаш, тўлақонли образ, энг таъсирчан усул қидириб қийналаётган пайтда, айниқса, маҳорат масаласи кўпроқ сезилиб қолади. Мана шу изланиш, мана шу қунт бўлмас экан, асар устида жиддий ишладим, дейиш нотўғридир. Худди шу нарсалар аслида санъаткорни озгина бўлса ҳам ҳамиша маҳорат асосларини эгаллашга олиб келади. Буни ҳар бир етук ёзувчи яхши билади-ю, лекин ёшлар эса, афсуски, «биринчи номерли» бу масалага кўпинча енгилтаклик билан қарайдилар.

Кўпгина ҳаваскор муаллифлар, масал — сатирик поэзиянинг энг мураккаб жанри эканлигини тушунмай туриб, дарров шу соҳада қалам тебрата бошлашлари ҳақида мен юқорида гапириб ўтдим. Ҳали шеърый услубни тузукроқ эгалламай туриб, буқалар, товуқлар ва қўйларни енгил-елпигина одамга ўхшатиб, ўз қаҳрамонларини арзимаган нарсага ҳам қа-қақлаш, маърашга мажбур этадилар. Одатда эса, чумчуққа қарата тўпдан ўқ узилмайди.

Мен беихтиёр сатирани артиллерияга қиёс қилдим. Лекин сатирикни кўпроқ мина қўювчига ўхшатса тўғрироқ бўлур эди. Ахир, иккаловининг вазифаси ҳам мина қўйиш, ўша мишалардан эса душман портлаши керак. Агар ўз ишининг яхши билмасанг, қўлнинг қалтираб турадиган бўлса, мина қўювчиликка ҳам, сатирикликка ҳам

ярамайсан. Унда, яхшиси, ўзингга бошқа қурол топиб ол!

Сатира ҳамманинг гулдурос қарсақлари остида ривожланолмади: ундаги бирор нарса кимгадир албатта ёқмайди. Ёзувчи шу нарсага тайёр турмоғи лозим. У ҳам худди мина қўювчига ўхшаб, сатира портлатғичи аниқ ва мўлжалдаги йўналишда ишлагани, мина кимга қарши қўйилган бўлса, ўша одамни портлатишига қатъий ишонмоғи зарур.

Мен катталар учун бир юз элликдан ортиқ масал, тўғрироғи, сатирик шеърлар ёздим. Уларнинг кўпи анъанавий масал услубида битилган, лекин шунга қарамай, очигини айтсам, ҳаммаси ҳам масал жанрига қўйиладиган талабларга жавоб беролмайди. Уларнинг кўплари шунчаки шеърий фелъетонга, рамзий ҳикоя, кулгили воқеа ёки оддий бир ҳазилга ўхшайди. Тўғриси айтганда, сатирик шеърларимнинг фақат учдан бир қисминигина чинакамига масал, дейиш мумкин. Булар — «Тулки ва Қундуз», «Қуён кайф қилганда», «Ичмайдиган Чумчуқ», «Семиз ва Ориқ», «Эҳтиёткор қушлар» ва шунга ўхшаш яна айрим бошқа асарларимдир. Бу масалларнинг сюжети менга кулгили, кулинаётган нуқсонлар эса — типик, назаримда «умуминсоний» бўлиб кўрилади. Улар фавқулодда, ўткинчи фактларга эмас, социал аҳамиятга молик ҳодисаларга бағишланган. Мен ушбу шеърларнинг шу кун талабига мос тушишигагина эмас, кенг маънода замонавий бўлишига ҳаракат қилганман. Таассуфки, тўпламдаги бошқа кўпгина шеърлар ҳам ўзининг мана шундай «умр боқийлик»ига эга эмас. Масалан, «Маймун ва ёнғоқ». «Жазосиз қолган айб», «Булбул ва қарға», «Бой таассуротлар» ва бошқа масалларимни мен асосан шеърий фелъетонлар қаторига қўяман.

Мен яна асар ғоясининг қандай туғилиши ва қандай ёзишим хусусида ҳам гапириб ўтмоқчиман.

Санъаткор тафаккури шундай бир хусусиятга эгаки, арзлмаган тафсилот, ҳодиса, кутилмаганда қулоққа ча-

линг қисқагина суҳбат ҳам ижодий хаёлни қўзғатиб, фикрларни бошқача изга солиб юбориши, мавзуни қандай яқунлаш йўлини топиб бериши мумкин. Мана, айрим масалларим қандай туғилганига диққат қилинг.

«Персонажлари» ёввойи ва қўлга ўрганган ўрдаклар бўлган «Тинч ҳовуз» масалимининг сюжети кузги бир ов пайтида эсимга келган эди. Ўз тўдасидан ажралиб, хонаки ўрдаклар тўдасида паноҳ топган ёввойи ўрдакни хаёлимга келтирдим. «Узоқ ўлкаларга учиб кетишига не ҳожат,— деб ўйладим мен,— ахир, бутунлай хавфхатарсиз, тўқ яшайдиган хонаки паррандалар билан қолса ҳам бўлади-ку?» Айрим қаламкаш дўстларимдаги хотиржамлик касалини фош этишга интилиб ёзган масалим ана шундай туғилган эди.

Қисловодск ресторанидан бирида дайдиб юрган итни Шарик деб чақирганимда, ёнимга югуриб келди-да, орадан бир дақиқа ўтгач, Бобик деб чақиривувди, ўша томонга қараб югурди. Мана шу воқеа мени ғурусиз ва бепарво, меҳнат қилишни истамайдиган, хайр-садақа билан кун кўрадиган кишилар ҳақидаги масални ёзишга ундади.

Ёзувчи китобхон билан жонли алоқада бўлмоғи зарур. Ёзувчи ўзи асар бағишлаётган одамлар билан алоқада бўлмай яшай олмайди.

Совет китобхони — ўзгача китобхон. У сеvimли ёзувчиларининг тақдири ва ижодини зийраклик билан кузатибгина қолмай, уларнинг китобларини ўқир экан, нашриётнинг ўша асар ҳақида фикр билдиришни сўраб ёзган илтимосига ҳам бажонудил жавоб қайтаради. Мен шу хилдаги хатларни ўқишни жуда ёқтираман. Китобхонларимдан келган бир хатни ўқиб мириқиб кулгандим.

«Арслон ва Пашша» деган масалим босилиб чиқди. Бу масалда кабинетдан чиқмайдиган бир Арслон ҳақида гап юритилиб, унинг қабулхонасида эса, Пашша секретарлик қилар эди. Шу пашша олдида «ҳамма унинг соя-

сига кўрпача соларди», «чунки у баъзан бир ўзи арслоннинг ишларини ҳам қилиб юбораверарди».

«Ҳурматли ёзувчи!— деб ёзибди менга хат муаллифи.— Масални ёзишда Сизни нотўғри йўлга солиб юборишибди ва мен ҳақимдаги барча ҳужжатларни текшириб ҳам кўрмабсиз. Мен шу лавозимимда ташаккурномалардан бўлак, ҳеч бир танбеҳ эшитмаганман. Сизга эса, ёзувчи сифатида менинг устимдан бўлмағур бир бўҳтонни қистириб юборишибди, натижада Сиз шу масалингиз билан обрўйимга маълум даражада путур етказдингиз...» Сўнгра шикоят-хати муаллифининг имзоси қўйилган ва унвон лавозимлари ҳам кўрсатиб ўтилган эди. Уша китобхоннинг фамилияси ҳам... Муха<sup>1</sup> экан.

Мен ўртоқ Мухага майин бир хат ёзиб, уни хафа қилиш мутлақо ҳаёлимга ҳам келмаганини айтдим. Хатимга жавоб келмади. Кейин, агар ўша бошлиқ ўртоқ Муханинг исми Пётр эмас, Иван ҳам эмас, Лев<sup>2</sup> бўлсачи?— унда нима бўларди, деб ўйлаб кетдим. Ахир, шундай бўлиши ҳам мумкин эди-ку.

Кўпинча: «Сиз қандай ишлайсиз? Иш кунингизнинг аниқ бир тартиби борми?»— деб сўрашади.

Мен туну кун ишлайман. Бу, албатта, бир кунда йигирма тўрт соат иш столимда ўтираман, деган сўз эмас. Аксинча, баъзи пайтларда анча вақтгача столга яқин йўламайсан, қўлингга қалам ҳам олмайсан. Аммо мия эса тўхтовсиз, мўлжалга олган йўналишга қараб ишлайверади. Агар янги пьеса устида ишлаётган бўлсанг, фикрларинг теваракдаги вазиятдан қатъи назар, ҳадеб ҳали дуёга келмаган персонажлар атрофида айланаверади; тасавурда қаҳрамонларнинг характерлари туғилиб, сюжет аниқланиб, маромига ета бошлайди, бўлғуси диалоглардаги айрим иборалар ўйлаб олинади — хуллас, қисқа қилиб айтганда, «ижод жараёни» ҳукм

---

<sup>1</sup> Муха — паиша.

<sup>2</sup> Лев — шер. (Тарж).

суради. Ҳатто, айрим пайтларда қаҳрамонларим тушларимда ҳам мени тинч қўймайди. То асар, майли у пьеса-ми ёки шеърми, узоқ вақт кутилган, энди ёзишга ўтира-вериш мумкин бўлган даражада пишиб етилмагунча бу жараён давом этаверади. Шундай қилиб, асарнинг хо-маки тексти қоғозга тушади. Шундан кейин ҳақиқий иш бошланади.

Биринчи нусха машинкада ёзилади, бу ўнгай бўлган-лигидан эмас, сабаби — машинка одамни интизомга со-лади: истасанг-истамасанг сўзларни тўлиқ ёзиб бора-сан. Қўлингда ёзган вақтингда эса, фикрларингни қу-виб етиб улгуролмайсан, сўзларни тўлиқ ёзмайсан, қо-гоз бети кейинроқ ўзинг ҳам тушунмайдиган ажи-бужи ҳарфларга тўлиб кетади. Биринчи нусха обдан «қўлда» ишлаб чиқилгандан сўнг яна машинкада кўчирилади. Кўчириш давомида ҳам тузатишлар киритилаверади. Уртача ҳисоблаганда бу иш олти-етти марта такрорла-нади. Фақат шундан кейингина мен қўлёзмани маши-нисткага бераман, ўз навбатида у ҳам қўлёзмами бир неча марта қайта кўчириб чиқади. Ҳатто, нашр этилган асарларимни ҳам кўпинча қайта ишлайман. Бундан эса чинакам ҳузур оламан. Мен «Стёпа амаки»га ҳам, «Йўқотилган уй» пьесамга ҳам, «Қисқичбақалар», «Ов-чилар»га ҳам муҳим-муҳим ўзгартишлар киритгапман.

Мен ижод давомида жанрларни алмаштириб тура-ман. Пьеса ёзишдан чарчасам, уни қўйиб, шеър ёзаман. Уйлаган сюжетларим, бирдан бўлмаса ҳам, ҳар қалай, албатта қоғозга тушади. Уларнинг баъзилари бир неча ойлаб навбат кутади, баъзилари эса аввалига сира юришмайди. Шундай пайтларда мен, қачонлардир яна қўлга олиш учун уларни чала ишлар папкасига солиб қўяман.

Аммо асар «пишиб етилгач», ундан ажралиш қи-йин бўлади, иложи борича тезроқ қоғозга туширинг кел-лади. Бунинг учун менга, масалан, тинчгина иш кабине-тимда ўтиришим мутлақо шарт эмас. Кейинги пьесала-

римдан бирини йиғилиш пайтида, президиум столида ўтирганча ёзиб тугатган эдим. Қаҳрамонимнинг монолоғи йиғилишимизнинг тугашини сира кутгиси келмас эди, натижада йиғилиш ёзишимга халақит бермади — ўша монолог қўлимда турган бир варақ қоғозга ўздан-ўзи қуйилиб туша бошлади.

Лекин шунга қарамай, барибир мен шикоят қилмоқчиман: маълумки, ухлаб ётган одамни уйғотиб юборишса, кейин у анча вақтгача уйқуси келмайди, узилиб қолган тушини давом эттиришини-ю, гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Худди шунга ўхшаш, ёзувчи ҳам фаол ишлаётган пайтда бошқа нарсага чалғиб, кейин яна қайтадан ўз қаҳрамонлари ҳаётига қайтса, унга бу жуда алам қилади. Ишчанлик ҳолатингги бузиб кирувчи одамларга ёзувчилик меҳнати фоят қийинлигини тушуйтиришинг эса осон бўлмайди.

Мен ўз касбимнинг баъзи бир «сирлари»ни китобхон билан ўртоқлашдим, ёзувчилик касбига қизиқаётган ва эҳтимол, адиб бўлишни орзу қилиб юрганларни ижодий лабораторияга таклиф этдим.

Эсингизда бўлсин, шуларнинг бари болаликдан бошланади.

*Ўз ҳаётингги ижтимоий ҳаёт билан қўша билишга ўрганмоғинг даркор.*

*Н. Крупская*

*Мақсадсиз фаолият йўқ, манфаатсиз мақсад йўқ, фаолиятсиз эса ҳаёт йўқ. Манфаатлар, мақсадлар ва фаолиятларнинг асоси — ижтимоий ҳаёт субстанциясидир.*

*В. Белинский*

*Мақсадсиз яшайдиган одам қанчалар аянчли.*

*И. Тургенев*

*Халқ учун ишлаш — кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.*

*В. Гюго*

## МУНДАРИЖА

Экканингни ўрасан . . . . .	5
Ердаги ҳамроҳинг . . . . .	11
Қадимий обидалар . . . . .	21
Театр саҳнаси олдида . . . . .	31
«Беташвиш» болалик онлари . . . . .	35
Шулар — майда-чуйдаларми? . . . . .	51
Хушмуомалалик муҳити . . . . .	61
Қ а д р б и л м а с л и к . . . . .	77
Иззатни билиш, самимийлик ва «мажруҳ» қалблар . . . . .	85
Ишқилиб, кўз тегмасин . . . . .	101
М у ф а м б и р л и к . . . . .	109
Қалбингга қулоқ сол . . . . .	117
Қулишни биламанми? . . . . .	131
Ҳошияга ўралган мушукча . . . . .	139
Биз Артектданмиз . . . . .	151
Одамлар, ҳайвонлар ва гуллар . . . . .	155
О н а - В а т а н . . . . .	163
М а к т у б л а р . . . . .	175
М е н и н г к а с б и м . . . . .	183

На узбекском языке

**Сергей Владимирович Михалков**

### ВСЕ НАЧИНАЕТСЯ С ДЕТСТВА

Издательство «Еш гвардия», Ташкент — 1977 г.

«Педагогика» нашриётининг 1972 йилги нашридан таржима қилинди.

Редактор *М. Бобоева*, Рассом *О. Аҳмаджонов*

Расмлар редактори *Қ. Алиев*, Техн. редактор *Л. Буркина*

Корректор *М. Назирова*

ИБ № 33

Теришга берилди 18/V-1977 й. Босишга рухсат этилди 15/XII-1977 й. Қогоз № 1. Формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма листи 6,25. Шартли босма листи 8,75. Нашр. листи 8,65. Тиражи 30.000.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 162—76. Баҳоси 40 т.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг 2-босмахонаси. Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44. Заказ 260.